Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **26** январь, жума № **4** (2183).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **26** января, **2007** год, № **4** (2183).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали бир даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

"Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, "Сен ёлғиз эмассан" мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари – муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва "Соғом она – соғлом фарзанд" ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан, мактабларнинг юқори синфлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга бепул ёрдам бериш.

2. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф-2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Кенгаш (Ш.Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича "Ижтимоий ҳимоя йили" ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласинлар;

республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласинлар, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда "Ижтимоий ҳимоя йили"нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг кўламда тушунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек, айрим фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
2007 йил 23 январь.



Маҳорат, матонат — посбонга қанот

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ – ШАРАФЛИ ВАЗИФА

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллик байрами бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Юртимизда ушбу сана муносабати билан оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойлиги ўтказилди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси, полковник Абдулазиз АБДУҚАҲҲОРОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати тизимда бу борада амалга оширилган ишлар хусусида бўлди:

– Тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда ташкилотимизнинг жойлардаги ўқув муассасалари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари томонидан ойлик давомида амалга ошириладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани иш самарадорлигини оширди, – дейди А.Абдуқаҳҳоров. – Унда кенг жамоатчилик, ҳарбийлар ҳамда армияга чақирилувчи ёшлар ўртасида мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, мудофаа салоҳиятини, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, замонавий ҳарбий анъаналарни тарғиб этишга қаратилган маданий-маърифий тадбирларни уюштириш борасидаги энг муҳим вазифалар белгилаб олинган эди. Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, белгиланган режаларнинг барчаси бажарилди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



МАЪНАВИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

(Давоми. Боши ўтган сонида).

Ислом тарихи манбалари ва маросимларини ҳар томонлама, илмий, холисона ўрганишга киришилди, бу борада мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Тошкент давлат шарқшунослик институтида исломшунослик кафедраси очилди, деярли барча вилоятларда диний ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади, Тошкент Ислом университети ташкил қилинди. Шунингдек, масжиду мадрасаларга катта эътибор қаратилди, муборак ёдгорлик ва қадамжолар қайта таъмирланди. Азиз гўшаларга айлантирилди.

Ислом дини инсонлар ўртасида ахлоқ-одоб, ақл-идрок, меҳр-оқибат, Ватанга садоқат туйғуларини тарбиялашга, ҳалол меҳнат қилиш, касб эгаллаш, бошқа дин вакиллари билан ҳам дўстона муносабатда бўлиш каби эзгу амалларга чақиради. Инсонларни ёвузлик, адоват, ғийбат қилиш каби ножўя ҳаракатлардан қайтаради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда **«Ислом дини... биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик... Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар.**

(Давоми 8-бетда).

СИНГАПУРДАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг таклифига биноан 24 январь куни давлат ташрифи билан Сингапурга жўнаб кетди.

СИНГАПУР, 25 январь. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Сингапур Президентининг "Истана" саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Сингапур Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ва халқаро майдонда кечаётган жараёнларга икки томоннинг муносабати ва ёндашувлари яқин эканлиги қайд этилди. Ўзбекистон Сингапур билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги, айни пайтда Сингапурнинг Ўзбекистон билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Бу йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган бўлса-да, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг, умуман, давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳали тўла шакллантирилмаган. Шунга қарамай, ўзаро савдо ҳажми 2006 йилда 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу икки томонда ҳам ҳамкорлик учун қизиқиш катта эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Сингапур кўпгина халқаро муаммоларга, Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бир хил назар билан қараши таъкидланди. Бундай ҳамфикрлилик ҳамкорлик учун яхши замин бўлиши шубҳасиз.

Музокара Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигидаги икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги учрашувида давом эттирилди.

Мулоқот чоғида саноатга, жумладан, нефткимё, фармацевтика ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам фойда келтириши қайд қилинди.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ислом Каримов Сингапурнинг устоз-маслаҳатчи вазири Ли Куан Ю билан ҳам учрашди. Сингапурнинг ҳозирги тараққиёт даражасига эришишида мана шу етук сиёсатчининг хизматлари катта. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Сингапур муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбарининг Сингапурга давлат ташрифини Сингапур оммавий ахборот воситалари кенг ва батафсил ёритмоқда. Мамлакатнинг энг нуфузли газеталари, теле ва радио каналлари ташриф арафасида Ўзбекистон билан Сингапур муносабатлари ва Президент Ислом Каримов ҳақида кўплаб материаллар эълон қилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи давом этмоқда.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



МИР И МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ – НАШЕ ГЛАВНОЕ БОГАТСТВО

Самым большим богатством народа Узбекистана, высшей ценностью, обретенной благодаря независимости, является атмосфера дружбы, мира и взаимопонимания, царящая в нашем обществе. Ее укреплению глава государства уделяет огромное внимание. По данным Республиканского интернационального культурного центра, сегодня в стране единой семьей живут представители свыше 130 наций и народностей, считая Узбекистан своим родным домом. Межнациональная и религиозная толерантность – качества, издревле присущие узбекскому народу, воспитанному на гуманистических традициях великих предков. Равноправие людей, мир, общественную справедливость воспевали в своих произведениях классики нашей литературы.

(Продолжение на 8-й стр.).



2 «ЛУЧШИЙ КОМАНДИР ГРУППЫ»

НА ПРОЧНОМ ФУНДАМЕНТЕ



3 СЕРЖАНТЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

АРМИЯМИЗ ТАЯНЧ УСТУНИ



4 ИТЕЛЛЕКТУАЛ АРМИЯ – ТИНЧЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

КЎҲНА ЗАМИН САДОСИ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

ОЗОДБЕКНИНГ ЙЎЛЛАРИ ОЙДИН

ИДЕТ ЗИМНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА



Внимание: опыт лучших

ЗАБОТА О ВОИНАХ – СТИМУЛ УСПЕХА

Воинский коллектив части, где служит офицер Зафар Мирзарахимов, признан лучшим в Войсках ПВО и ВВС. Одним из важных стимулов достижения этого успеха стало создание оптимальных условий для прохождения службы военнослужащими.

Спальное помещение подразделения, где командиром секции рядовой по контракту Бахром Усманов, уже не назовешь стандартным словом «казарма». Здесь воины живут в уютных кубриках на шесть – восемь человек, обмундирование и спортивная форма содержатся здесь же, в шифоньерах, а комфортные деревянные кровати и тумбы современного дизайна дополняют эстетику интерьера.

– Нам рассказывали о том, что в национальной армии для солдат срочной службы создаются оптимальные условия прохождения службы, – говорят рядовые Убайдулло Пулатов, Бахтиер Джураев и Отабек Хайдаров, минувшей осенью призванные в ряды Вооруженных Сил из Кашкадарьинской области. – Однако увиденное здесь превзошло наши ожидания. В таких условиях просто неудобно плохо служить. К тому же наши командиры довели до нас, что эта часть стала лучшей в минувшем учебном году. Так что мы настроены достойно продолжить традиции лидерства.

В части имеется библиотека с довольно солидным книжным фондом на государственном и русском языках. Библиотекарь служащая Норбодом Абдулахатова всегда поможет воину подобрать литературу по вкусу и интересам. Рядовые Умид Мадаминов и Алишер Абдурасулов с удовольствием проводят здесь свободное от службы время. Оба солдата имеют высшее образование: Умид окончил институт иностранных языков, а Алишер – экономический факультет Ташкентского института народного хозяйства. Для офицера-воспитателя старшего лейтенанта Голиба Азимова оба воина ценны в качестве организаторов культурных мероприятий, помощников в деле духовно-нравственного воспитания личного состава.

Впрочем, удобства касаются не только условий отдыха, но и обновления учебно-материальной базы. К примеру, командир взвода охраны старший лейтенант Зикирбек Хакимов проводит занятия с воинами по подготовке караульного наряда, используя прекрасно оборудованный макет местности охраняемой территории. Среди тех, кого командование отметило за отличное несение караульной службы, можно назвать начальника караула младшего сержанта Икрама Танабаева, часовых – рядовых Голиба Эшкувватова, Дильшода Туйчиева и Орифа Холмуродова.

В подразделении уделяется самое пристальное внимание и вопросам обучения личного состава подаче различных сигналов.

Майор А. НУРОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида «Ҳарбий прокуратура органларининг Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятининг 2006 йил якунлари ва келгусидаги вазифаларни белгилаш» юзасидан кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика Ҳарбий прокурори адлия генерал-майори Ш.Узаков кириш сўзи билан очиб, ҳарбий прокуратура органлари томонидан 2006 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони И.Каримовнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»даги талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари соғлиғини, ижтимоий муҳофазасини, конституция билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилиши юзасидан жорий йил учун фаолиятда асосий вазифалар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия подполковниги М.ТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкилий назорат ва таҳлилот бўлими бошлиғи.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг катта мажлислар залида Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурори биринчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси Рашитжон Қодиров йиғилиш иштирокчиларини байрам билан табриклаб, нутқ сўзлади.

Маърузачи ўз нутқида Қуролли Кучларимиз ташкил топганидан буён ўтган 15 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари, шу жумладан Республика Ҳарбий прокуратура органлари томонидан амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида тўхталиб, миллий армиямизда қонунийликни таъминлаш ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини яхшилашда ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндашган ҳарбий прокуратура органлари ходимлари ҳукуматимиз томонидан доимий равишда муносиб тақдирланиб келинаётганликларини, бу эса ўз навбатида катта масъулиятлар юклаётганлигини таъкидлаб Президентимизнинг 2006 йил 26 декабрь кунидаги Фармони билан таъсис этилган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони билан ҳарбий прокуратура органлари ходимларидан бир гуруҳини тақдирлади.

Адлия капитани Б.ҚУДРАТХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг кадрлар бўйича катта ёрдамчиси.



«Лучший командир группы»

НА ПРОЧНОМ ФУНДАМЕНТЕ



Уже второй год подряд звание «Лучший командир группы» в войсках округа завоевывает в республиканском финале лейтенант Шерзод Рашидов. Командир группы управления огнем артиллерийской батареи окончил в 2005 году СВВАКИУ.

Родился будущий офицер в кишлаке Чандир Пайарыкского района Самаркандской области. Желание стать офицером передалось Шерзоду от отца, Мамадиера-ака, 25 лет прослужившего в органах внутренних дел.

Еще год назад, во время своего первого участия в республиканском финале конкурса на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах, лейтенант Ш.Рашидов на дистанции кросса на три километра с полной выкладкой не оставил никаких шансов соперникам. Этот задел впоследствии был приумножен победой на полосе препятствий, метким огнем из автомата, наилучшей суммой баллов при решении тестовых вопросов и успешным выступлением на защите тактических задач.

– У меня были отличные наставники в СВВАКИУ и на первом месте службы, – рассказывает лейтенант Ш.Рашидов. – Например, по физической подготовке заложили прочный базовый уровень майор Баходир Тухтаназаров и капитан Мансур Мамадаминов. А метко стрелять меня научил еще в училище подполковник Алишер Наметов. В округе мне помогал вести подготовку к финалу по огневой подготовке подполковник Акрам Каримов, а тактические задачи решали под чутким контролем полковника Салаймахсума Шарипова. Весомый вклад в мое офицерское становление вносит и мой непосредственный командир капитан Бобомурод Азимов. Получив уроки мастерства у стольких замечательных наставников, я просто не мог их подвести и выступить ниже своих возможностей.

Делясь впечатлениями об уровне соперничества в республиканском финале, молодой офицер с удовлетворением отметил, что становится раз за разом все труднее побеждать, ведь престиж финала постоянно растет. И все же хочется обратить внимание будущих офицеров на то, насколько важен прочный фундамент, заложенный в училище. Ведь еще курсантом Шерзод стал чемпионом Первых Всеармейских игр на дистанции кросса, вместе с золотой медалью получив и звание кандидата в мастера спорта по легкой атлетике. А то, что он и через два года после окончания училища сумел сохранить прекрасную спортивную форму, говорит о большом внимании к физической подготовке личного состава в войсках округа.

Вот и для командиров частей, в которые прибывают по окончании училищ молодые лейтенанты, пример данного офицера является напоминанием о важности закладки прочного фундамента офицерского роста с первых дней на первом месте службы. Лейтенанту Шерзоду Рашидову, судя по его отзывам, очень повезло с командирами, помогающими талантливому молодому человеку развивать его лучшие качества. Ничто так не окрыляет офицера, как доверие и внимание.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».
Фото **капитана Дилявера АБЛАЕВА.**

Актуальная тема: культура обращения с оружием

ГОРДИТЬСЯ ОРУЖИЕМ И БЕРЕЧЬ ЕГО

Тема, затронутая в газетной публикации под названием «О культуре обращения с оружием», привлекла внимание многих наших читателей своей актуальностью и злободневностью. Отклики наших читателей – наглядное тому подтверждение.

За время службы в Вооруженных Силах довелось пройти уже многие ступени профессионального роста. Начинал ее солдатом срочной службы. А сегодня – командир артиллерийской батареи.

На моих глазах происходило становление новых воинских традиций нашей национальной армии. Поэтому, возвращаясь к теме публикации, хочется сказать, что особенно затронули мое сердце приведенные в статье высказывания нашего великого предка и полководца Сахибкирана Амира Темура о культуре обращения с оружием.

У нас в артиллерии высоко организована работа по воспитанию гордости званием артиллериста, эта гордость усиливается сознанием огневой мощи нашего грозного оружия. Однако одного этого мало, надо еще воспитывать в воинах бережливое отношение и к индивидуальному стрелковому оружию, вырабатывать привычку холить и своевременно обслуживать его, тренировать отличное знание материальной части. Ведь в любой трудной ситуации именно уверенность в боевых возможностях своего оружия помогает воинам одержать победу в бою.

С большим интересом ожидаю продолжения активного обсуждения данной важной темы военными специалистами, ветеранами Вооруженных Сил, ведь выработка новых ритуалов вручения оружия, проведение состязаний на лучшее знание его материальной части, обслуживания техники и вооружения заложат прочную основу дальнейшего роста боевой готовности нашей армии.

Старший лейтенант
Отабек НАФИТДИНОВ.
(Восточный военный округ).

ВИЗИТНАЯ КАРТОЧКА ВОЕННОГО

Если культура поведения говорит об уровне воспитанности человека, то культура обращения с вверенным боевым оружием, её грамотное и бережливое содержание и эксплуатация человеком в погонах свидетельствует, безусловно, об уровне его ответственности и компетентности, являясь, своего рода, визитной карточкой.

Опубликованная в газете «Ватанпарвар» статья «О культуре обращения с оружием» была внимательно изучена и военнослужащими срочной военной службы. Большое впечатление осталось у нас от проведенных в нашем округе показательных занятий с показом возможностей современного вооружения и техники, имеющегося в Вооруженных Силах Республики Узбекистан, где мы, безусловно, испытали гордость за боевую мощь нашей армии. Детальное ознакомление с вооружением и техникой, подробностями их тактико-технических характеристик, порядком эксплуатации, устройствами различных войсковых приборов, методами качественного ухода и обработки, консервации и маскировки, а также демонстрация их боевого применения, организованная специально для молодых воинов – признак высокого доверия руководства страны и реальная практическая помощь в овладевании нами профессии.

Недавняя проверка на предмет правильного содержания, своевременного обслуживания нашего штатного оружия, представителем вышестоящего штаба, не выявило замечаний. Наших командиров мы не подвели. Это и есть наша визитная карточка.

Рядовой Тимур АБДУЛЛАЕВ.
(Центральный военный округ).

«Лучший парк боевых машин»

РАДОСТЬ ОТДАЛЕННОГО ГАРНИЗОНА

В преддверии Дня защитников Родины подведены итоги ежегодного конкурса на «Лучший парк боевых машин» в частях и соединениях войск Министерства обороны.

Целями проведения данного конкурса являлись: повышение престижа работы по совершенствованию парков и улучшению условий технического обслуживания, ремонта, хранения вооружения и техники, поддержанию их в постоянной готовности к использованию; активизация работ по профилактике аварий и катастроф, соблюдению мер безопасности, сохранности жизни и здоровья военнослужащих; мобилизация на образцовое несение внутренней службы в парках, бережное отношение к вооружению и технике, повышение уровня технической подготовки.

Воинский коллектив части, где служит офицер Кахрамон Содиков, несет нелегкую службу в суровых климатических условиях. Поэтому здесь были очень обрадованы известием о том, что по итогам данного конкурса парковое хозяйство части было признано самым лучшим. Отмечены также достигнутые успехи в данном направлении отдельных воинских частей и других округов.

В соответствии с приказом министра обороны Памятными знаками главы военного ведомства за большой вклад в образцовую организацию парковой службы награждены офицеры Тохир Иргашев, Ойбек Исмоилов, Алишер Абсаломов. А части вручен переходящий Кубок за лучший парк боевых машин.

Рекомендовано также широко обобщить и изучить опыт передовиков по организации и ведению паркового хозяйства, продолжить планомерную работу инженерно-технического состава по совершенствованию парков боевых машин и технологических линий для обслуживания боевых машин и автомобильной техники.

Соб инф.

Курсом военной реформы

ОБУЧЕНИЕ КАДРОВ БУДЕТ ПРОДОЛЖЕНО

Одним из основных направлений реформы Вооруженных Сил является акцент на постоянное повышение квалификации кадров военнослужащих. В наступившем году подразделения Министерства обороны продолжат плановую работу по данной теме. За этот год многие военнослужащие пройдут обучение согласно своим профилям специализации.

Так, на курсах повышения квалификации при Чирчикском высшем танковом командно-инженерном училище повысят свой уровень командиры подразделений ПВО и воздушно-десантных войск, инженерный состав ПВО, заместители командиров по вооружению. В ТВОКУ – офицеры-воспитатели и офицеры органов военного управления. Теперь к ним присоединятся и командиры мотострелковых и горно-стрелковых подразделений.

В Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище будут доведены последние нововведения не только до начальников автомобильных служб воинских подразделений, но и представителей служб ГСМ, инженерных, продовольственных, химических, а также артиллеристов. На Специальном факультете ТУИТ в течение года повысят знания и навыки офицеры-связисты различного звена, представители радиотехнических подразделений, офицеры безопасности связи. В Джизакском высшем военном авиационном училище по плану будет продолжено обучение летно-технического состава.

Наряду с этим лучшие офицеры штабов из войск пройдут обучение на Высших курсах повышения квалификации штабных офицеров (ВКПШО) при Академии Вооруженных Сил. Офицеры финансовых служб будут учиться на курсах повышения квалификации при Банковской финансовой академии республики.

Свой весомый вклад в обучение офицерских кадров традиционно вносит и Национальный университет Узбекистана (НУУ). Вот и в этом году в Институте высшей педагогики при НУУ будут учиться офицеры-преподаватели высших военно-образовательных учреждений министерства обороны, преподаватели военных кафедр вузов страны.

Одним словом, в рамках военной реформы продолжается масштабная работа по обучению кадров военнослужащих с тем, чтобы они соответствовали самым современным требованиям, были вооружены новейшими знаниями и передовой методикой обучения.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

ИЗУЧАЕМ ПОЗДРАВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА

Заметки публициста

УКРЕПЛЕНИЕ БОЕГОТОВНОСТИ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ – ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНАЯ ЗАДАЧА

В праздничном поздравлении защитникам Родины Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова дана высокая оценка строительству принципиально новых, в полной мере соответствующих современным требованиям национальных Вооруженных Сил Узбекистана.

Каждый военнослужащий хорошо понимает, что мы живем в сложном и взрывоопасном мире, в обстановке продолжающихся конфликтов и противостояний в ряде регионов планеты, в условиях всевозрастающих масштабов терроризма, экстремизма и наркоагрессии. В праздничном поздравлении четко сформулирована **важнейшая общенациональная задача.** Раскрыв особенности обстановки в мире и регионе, Президент страны подчеркивает: **«Все это обязывает всех, кому небезразлична судьба страны и ее будущее, сохранять бдительность, укреплять боеготовность наших Вооруженных Сил, повышать надежность защиты и охраны Государственной границы, мобилизовать для этого наши резервы и возможности».**

Эта общенациональная задача обязывает все наши государственные и общественные структуры, все общество и каждого его гражданина проникнуться сознанием и чувством высокой ответственности за судьбы независимости и суверенитет страны, за боевую готовность и боеспособность Вооруженных Сил – важнейшего гаранта нашей безопасности и мирной жизни людей.

Особая ответственность в решении этой задачи возлагается на военные кадры. Сегодня мы можем с уверенностью сказать, что одним из важных результатов военной реформы явилось то, что процесс наращивания боевой мощи и боеспособности Вооруженных Сил принял **необратимый и всевозрастающий характер.** Он и сегодня идет по восходящей, достаточно высокими темпами. При этом главное внимание должно быть сосредоточено на следующем.

Во-первых, первейшим делом командиров всех степеней, всех военных кадров должна быть забота о постоянной боевой готовности, о подготовке каждого военнослужащего к самым решительным, стремительным и неожиданным для противника действиям в различных видах боя, в любых погодных условиях, днем и ночью, в горах, пустынях, в населенных пунктах, при охране важных объектов.

Во-вторых, поскольку будет активно продолжаться процесс улучшения оснащения наших войск современным вооружением и боевой техникой, высокоточным оружием, электронными и компьютерными системами управления и связи, надежной экипировкой и индивидуальными средствами защиты, важнейшей доминантой военных кадров, их повседневной заботой должно стать формирование у воинов бережного отношения, умелого применения оружия, боевой техники, аппаратуры, всего, что работает на успех боя, на победу.

Важно поднимать до уровня современных требований командирскую, оперативную подготовку военных кадров и боевую подготовку личного состава. Продолжать и дальше совершенствовать программы, формы и методы боевой учебы, приближая их к реалиям современной действительности, к характеру возможных боевых действий. Необходимо **придать всему процессу обучения и воспитания антитеррористическую направленность.** Весь процесс обучения и воспитания военнослужащих должен быть подчинен решению главной, основной задачи – повышению боевой готовности Вооруженных Сил, их мобильности, самодостаточности, маневренности, умению эффективно, без потерь вести контртеррористические операции.

Определяющими приоритетами боевой учебы были и остаются **высокий профессионализм и высокий интеллектуальный уровень процессов боевой и общественно-политической подготовки личного состава.**

В боевой и оперативной подготовке следует больше опираться на достижения военной науки. Особенно это важно для повышения качества боевой учебы курсантов высших военно-образовательных учреждений и школ подготовки сержантов, а также для ведущих специалистов всех видов и родов войск. Активнее внедрять в жизнь войск, в учебный процесс методы моделирования и симуляции, другие современные методы обучения, которые обеспечивают высокий уровень индивидуальной и групповой подготовки военнослужащих, их интеллектуальное развитие.

В-третьих, важнейшей задачей командиров всех уровней, подчеркивается в праздничном поздравлении главы государства, является **дальнейшее совершенствование воспитательной работы в армии.** В этой связи укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них патриотизма, любви к независимой Родине, высоких морально-волевых и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции является первостепенной задачей командиров всех степеней и органов воспитательной работы.

Учитывая характер современной военно-политической обстановки в мире и регионе, в воспитательной работе следует **обратить особое внимание на информационную безопасность.** Необходимо научить воина быть стойким в этой психологической схватке и уметь давать достойный отпор идеологическим провокаторам.

В-четвертых. Особое мобилизующее значение в деле повышения уровня боевой подготовки военнослужащих и качества воспитательной работы имеет ежегодно проводимый в войсках **конкурс на звание лучшего по профессии** в номинациях «Лучший сержант», «Лучший командир группы», «Лучший командир взвода», «Лучший командир батальона». Этот конкурс активно способствует созданию атмосферы состязательности в процессе боевой подготовки, повышению ее организационного и методического уровня, росту профессионализма, укреплению дисциплины, созданию здоровой духовно-нравственной атмосферы в воинских коллективах.

В-пятых, следует активизировать человеческий фактор в укреплении воинской дисциплины и утверждении в каждом подразделении, части строгого уставного порядка. В праздничном поздравлении эта задача сформулирована лаконично и четко: **«Обеспечить высокую дисциплину военнослужащих».** Решение этой задачи зависит в первую очередь от офицеров и сержантов. И какой бы ни была специальность офицера или сержанта, какую бы должность они ни занимали, им должны быть присущи качества, имеющие общегосударственный характер. Прежде всего профессионализм, компетентность, ответственность, деловитость, близость к подчиненным и личная примерность.

Военное строительство и совершенствование Вооруженных Сил – процесс непрерывный. Продолжая его в предстоящий период, главное внимание необходимо сосредоточить **на высоких качественных показателях,** основными критериями которых должны быть надежность национальной безопасности, постоянная и высокая боевая готовность Вооруженных Сил, их способность эффективно действовать в самых различных условиях обстановки.

В связи с этим возрастают требования к военным кадрам, которые должны быть подлинными носителями высокого общественно-политического сознания и мировоззрения, соответствующего идеалам независимости, высокого интеллектуального уровня, правовой и общей культуры, быть профессионально подготовленными, компетентными и ответственными людьми. И как следствие этого, в кадровой политике должен быть взят курс на выдвижение инициативных, думающих, энергичных, самокритично оценивающих положение дел, умеющих находить неординарные, но правильные решения людей, которые хотят смело идти вперед и умеют добиваться успеха.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МАКТУБЛАР

ҒАМХЎРЛИК ВА ИШОНЧ ИФОДАСИ

Президентимиз И. Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табрикларини ўқиб барча хизматдошларим қатори мен ҳам руҳландим.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги кунда Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини янада ошириш, миллий армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш ва аскарларнинг тайёргарлик даражасини янада юксалтириш учун кенг имкониятлар яратилган.

Шу ўринда муддатли ҳарбий хизмат бир йилга қисқаргани, қўшинлар сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, сафарбарлик чақируви-резерви хизмати жорий этилгани натижасида армиямизнинг қиёфаси ва мазмун-моҳияти тубдан ўзгарганини қайд этиш зарур. Юртбошимиз Қуролли Кучларимизда шу кунга қадар олиб борилган мана шу самарали ишлар, ўзгаришлар ҳусусида ҳам алоҳида тўхталганлар. Шу билан бирга жанговар тайёргарликни мустаҳкамлаш ҳамда давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни юксак даражада йўлга қўйиш учун бир қанча устувор вазифаларни белгилаб берганлар.

Бу эса бизнинг ўз касбимизга янада масъулият билан ёндашиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, она Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш учун бор куч ва маҳоратимизни ишга солишга ундайди.

Майор Олимжон ЙЎЛДОШЕВ.
Қарши гарнизони.

ТАБРИКДАН ЖУДА РУҲЛАНДИК

Ватан ҳимоячиси бўлиш шарафли касб. Биз ҳарбийлар буни ҳар қадамда ҳис қилиб турамиз. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак даражадаги эътибор ва ғамхўрликлар фикримиз далилидир. Мана, яқинда Ватан ҳимоячилари кунини нишонладик. Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги ҳам барча ҳарбий либос вакиллари кўксида ғурур, ифтихор туйғуларини, ўзига бўлган ишонч ва қатъиятни янада мустаҳкамлагани аниқ.

Шунингдек, табрик матни билан танишиб чиққан ҳар қандай инсон уни Қуролли Кучларимизнинг келгусидаги жанговар фаолиятида ўзига хос дастурул амал эканлигини дарҳол англаб етади. Бу борада Юртбошимизнинг хавфсизликка қарши қаратилган замонавий таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш, қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланишига катта эътибор қаратиш, шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизими самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш каби бир қатор изчил фикрларини эслаш кифоя. Умуман олганда биз ҳарбийлар Давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан жуда руҳландик. Шубҳасизки, ҳарбийларимиз ўзларига билдирилган бу ишонч ва эътиборни фидойи хизматлари орқали албатта оқлайдилар.

Лейтенант Аҳрор ЭРГАШЕВ.

ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Профессионал ҳарбий хизматчи, бу нафақат жисмонан бақувват ва ўз касбининг устаси, балки интеллектуал салоҳияти юқори, дунёқараши кенг инсондир. Мазкур ҳаётий ҳақиқат ва қолаверса, зарурат тўғрисида Президентимиз ўз маърузаларида кўп бора таъкидлаганлар. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан юрт посбонларига йўллаган байрам табригида ҳам давлатимиз раҳбари юқоридаги масалага урғу бериб, шундай деди:

«Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур».

Дарҳақиқат, биз, айниқса тарбиячи офицерлар шахсий таркиб билан ишлаш, тарбия, ташвиқот ва тарғибот, зарур тушунтириш ишларини олиб бориш ва ташкил этиш борасида бехато ҳаракат қилишимиз, жонбозлик кўрсатишимиз, ҳар томонлама ўрнак ва намуна, фаол бўлишимиз шарт. Зеро, юқори жанговар шайлик ва тайёргарликка эришишда айнан, тарбиявий ишларнинг муҳим ўрни, аҳамияти борлиги барчамизга аён.

Майор Мақсуд ТЎРАЕВ.



Суратлар таҳририят фотоархивидан олинди.

АРМИЯМИЗ ТАЯНЧ УСТУНИ

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш йўлида қилинган улкан ишларни таъкидлар экан, ислоҳотлар давомида армиямизнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган сержантларни тайёрлашга устувор эътибор қаратиб келинаётганини айтади. Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида давлатимиз раҳбари бу ҳақда жумладан шундай дейди: **«Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур».** Келинг, шу ўринда ислоҳотлар сабаб мақоми юксалиб бораётган сержантлар, сержантлик хусусида фикрлашайлик.

Таъкидлаш лозимки, давр сержантларни замон талабларига, замонавий армия талабларига мос равишда шакллантиришни тақозо этди. Хўш, замонавий армияга мос ва хос сержант қандай бўлмоғи лозим, уларнинг бу борадаги вазифалари, мажбуриятлари нимада? Аввало шу саволларга ойдинлик киритиб ўтсак.

Сержант қўл остидагиларни жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича тайёрлайди, ҳар қандай шароитда ҳам энг мураккаб вазифаларни бажаришда посбонларнинг руҳий тайёргарлигини таъмин этади. Аскарларни бошқариш, қурол, жанговар техника ва ҳарбий мулкни уларнинг доимо асраб-авайлаши, жанговар шай тутишида бўлинма командирига ёрдам бериши керак. Шунингдек, қўл остидаги аскарлар билан мустақил тайёргарликлар олиб бориш, тактик, ўт очиш, махсус тайёргарликлар, индивидуал-тарбиявий ишлар бўйича машғулотлар ўтказиш сержантнинг зиммасида. Жанговар ҳолатларда эса табиийки, бўлинманинг жанговар шайлиги, жанговар қобилиятини, шахсий таркибнинг юксак маънавий-жанговар руҳини таъмин этиши талаб қилинади.

Сержант қўл остидагиларга шахсий намунаси билан посбонларни жанговар вазифаларни муваффақиятли бажаришга руҳлантиради. Бу ўринда унинг етакчилик қобилияти муҳим ўрин тутади. Яъни билими, тажрибаси билан шахсий таркибни ўз ортидан эргаштира олиши, моҳирона командирлик қила билиши лозим. Шуларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, сержант Қуролли Кучларимиздаги асосий бўғинлардан бири.

Маълумки, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларнинг иккинчи даври дея эътироф этиладиган 2000-2002 йилларда миллий армиямизда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Профессионал ҳарбийларимизни тайёрлашга ихтисослашган, замон талабларига жавоб берувчи сержантлар тайёрлаш мактабларининг ташкил этилиши шулар сирасидан. Бугун тўртта ҳарбий округимизда самарали фаолият кўрсатаётган сержантлар тайёрлаш мактаблари профессионал ҳарбийларни тайёрлашга янгича эътиборимиздан, бу борада ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлдан одимлаётганимиздан далолат. Шуни қувонч билан эътироф этиш лозимки, бугун сержантлар тайёрлаш мактабларимиз янгича мазмун, янгича қиёфа касб этиб бормоқда. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бундайин ўқув масканлари замонавийлаштирилиб, энг илғор технологиялар, жиҳозлар билан таъминланди. Моддий-ўқув базалари шакллантирилди. Сержантлар тайёрлаш мактабларидаги йўриқчи, ўқитувчилар таркиби профессионаллашди. Демакки, ўқув-тарбиявий жараён ҳар томонлама сифатли ташкил этилди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, сержантликка номзодларни танлашнинг муайян тизими вужудга келди. Яъни сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга киришда номзодларнинг умумтаълим, интеллектуал даражасига улкан эътибор қаратиб келинмоқда. Ўз навбатида бундайин ўқув масканларидан қўшинларга йўлланма олганларнинг ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарликлардаги натижалари таҳлил қилиниб, хулосалар чиқарилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бундайин саъй-ҳаракатларнинг бари миллий армиямизнинг суянчи ва таянчи бўладиган сержантларни тарбиялашга қаратилди.

Ҳа, бугун баралла айта оламизки, сержант мақоми ҳар қачонгидан-да юксак. Президентимиз ташаббуси билан округларда ташкил этилган замонавий талабларга мос сержантлар тайёрлаш мактабларининг самарасини яққол ҳис қилиб турибмиз. Давлатимиз раҳбари шундай дейди: **«...Ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта иш қилинмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарор қабул қилишга қодир бўлган командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда».**

Келинг, шу ўринда юртбошимиз эътироф этган сержантларнинг янги авлодлари ҳақида сўз юритайлик.

...Жанговар вазифа чўл шароитида амалга оширилади. Табиийки, бунда гуруҳдаги ҳар бир мутахассис ишончли ҳаракатланиши, душман пистирмаларига учраб қолмаслиги учун қандай чора-тадбирларни қўллаш лозимлигига эътибор берилади. Гуруҳ командирининг ўринбосари кичик сержант Жасур Қобилов ишонч билан масъулиятни ўз зиммасига олди. Ахир, бу профессионал командир бўлмаган ҳолатларда етакчиликни, гуруҳ бошқарувини ўз зиммасига олиб, жанговар вазифаларни бажариб келган. Қолаверса, сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бу борада таҳсил олган.

Хуллас, кичик командир ўз тажрибасидан келиб чиқиб, аввало бир нарсага эътибор қаратди. Яъни ҳар бир мутахассиснинг жанговар тартибдаги секторини, аниқроғи ўрнини белгилаб берди. Ким қайси позицияда туради, қандай маскировка қилади, бари-бари ўзаро келишиб олинди.

Ёш, тажрибали кичик командир вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда дарҳол кузатув пости ташкил этишга буйруқ берди. Кузатув постида дастлаб снайпер – шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Моҳиддин Камолов ўз марраси-ни эгаллади. 2005 йилда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаган бу профессионал мерганлик илмининг усталаридан. Командирдан буйруқ олар экан, мерган шартли душманнинг олдинги сафда ҳаракатланаётган йўлбошчиси, командири, сапёр, алоқачи, автоматчиларини нишонга ола бошлади. Нишонларгача оралиқ масофа минг метрча келади. Моҳирлик, маҳорат ўз сўзини айтди. Мерган жанговар вазифани аъло даражада уддалади.

Навбатдаги ўт очиш позициясини пулемётчи, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Хайрулло Боқиев эгаллади. 2005 йилда сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаган бу ўғлон машқларда янада тобланди. Соҳаси бўйича илғор тажрибаларни пухта ўрганди. Бугун у жамоанинг етук мутахассисларидан. Командир бу посбонга шартли душманнинг асосий кучларини яксон этишдек масъулиятли вазифани юклади. Бухоролик бу шунқор нишонларга қарата бехато отди. Бу эса гуруҳнинг олға ҳаракатланишида муҳим ўрин тутди.

Эътибор қаратган бўлсангиз, гуруҳ посбонларининг бари ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч санайдиган, қолаверса, ислоҳотларимиз меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини тугатишган ўғлонлардир.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, бугун анъанавий тус олган «Энг илғор мутахассис» танловидаги номинациялардан бири «Энг илғор сержант» дея номланган кичик командирларнинг янада профессионаллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Жасур Рашидов уч бора «Энг илғор сержант» номинациясида ғолиб чиққан. Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабининг илк битирувчиси ҳисобланган бу профессионал 1993 йилдан эътиборан Қуролли Кучларимиз сафида. Яқинда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Туркистон саройида бўлиб ўтган тантанада кичик сержант Рашидов билан учрашдим. «Сержантларга ислоҳотлар давомида улкан эътибор қаратилиб келинмоқда. Масалан, Қуролли Кучлар сержантлари мақоми тўғрисида ҳужжат қабул қилингани, бу муҳим ҳужжат биз сержантларга ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз, мақсад, вазифаларимизни белгилаб берганини таъкидлаш мумкин. Бизга армиямизнинг таянчи ва суянчи, дея юксак ишонч билдирилаётган экан, ҳар томонлама шаклланишимиз, етакчилик қобилиятларимизни ривожлантиришимиз, ҳар қандай вазиятда тўғри, самарали қарорлар қабул қилишга ўрганишимиз, аскарларни миллий истиқлол ғоялари руҳида камолга етказишда фаол бўлишимиз керак», дейди у.

Бугунги кунда сержант армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудрати ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир ҳисобланади. Интеллектуал даражаси, ақлий савияси, юксак билими билан олдимизга қўйган янги-янги мақсадларимизга эришишда том маънода таянч, суянч бўлмоқда. Ислоҳотларнинг, ватанпарварликнинг амалдаги бундайин намойиши бизни фахрга, ғурурга кўмади.

Майор Алижон САФАРОВ.

ИТЕЛЛЕКТУАЛ АРМИЯ – ТИНЧЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Курсантлигим – хурсандлигим

ОСОЙИШТАЛИКНИ АСРАШ – ЭНГ КАТТА САВОБ



Мардлик – юксак фазилат! У энг тоза юракларда, барҳаёт қалбларда яшовчан туйғу. Оилада ўғил фарзанд дунёга келар экан, барча бирдай қувонади ва албатта, ажиб бир қониқишдан, эртанги кунга ишонч, хотиржамлик ва осудалик суруридан қалблар энтикиб, фарахбахш ҳисларга тўлиб-тошади. Бу ўғлон эртага яқинларини қўриқлайди, юрти ва юртдошларининг сокинлигини асрайди, посбон туғилди, қўриқчи дунёга келди, дея гўдакни эъзозлашади. Ҳа, азизлар, эр йигитлар ҳар доим ҳам ўз элига ҳимоячи, суянчиқ, келажак умиди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак...

Бўлажак офицер Шуҳрат Наимов ҳақида шуни ишонч билан айта оламизки, бугун Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олаётган бу ўғлон эртанги кунга умид ва ишонч билан қараб, кўксида бир олам эзгу мақсадлар билан олға интилаётган оловқалб ёшлардан. Унинг танлаган йўли – мардлик ва шижоатли соҳа, яъни – офицерлик. Шу мақсадда бугун олий ҳарбий билим юртида таҳсил олаётган Шуҳрат буюк аждодлар анъанасига содиқ бўлишга астойдил ҳаракат қилиб, ҳарбу зарб санъатининг сир-асрорларини дилига мустаҳкам жо айламоқда.

Шуҳрат нимага интилаётганини, кўзлаган мақсад ва режалари, бунинг замирида қандай мазмун мужассамлигини жуда яхши билади. Олижаноблик туйғуси, миллатпарварлик, ғурур ва шараф ҳислари юрагида тўлиб тошган шунқор эл-юрт осойишталигини асрашдек улкан мақсадни кўзлаб, доимий масъулиятни елкасига олишдан, машаққату қийинчиликлардан асло чўчимади. Ҳарбий бўлишни, юрт посбони сифатида элу халққа хизмат қилишни устувор мақсад, ҳаёт мазмуни деб билди. Танлаган соҳасини чин дилдан севиб, эл тинчлигини асрашдек улуғвор вазифани беқиёс улкан савоб иш деб билди, танлаган йўлининг асл профессионали, чинакам билимдони бўлишга қатъий азму шижоат айлади. Шу мақсадда ўрта мактабни битиргач мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланиш, билим ва иқтидорини ошириш, маҳоратини юксалтириш ниятида олий ҳарбий билим юрти сари йўл олди. Пухта тайёргарликлар кўргани, интилишлари бесамар кетмади – у курсантликка муносиб топилди. Бу йўлда албатта, ўзига хос синовлар, қийинчиликлар ҳам бўлди-ю, бироқ қатъиятли ўғлон барчасини сабот билан енгиб ўтишга ўзида куч ва ирода топди. Интилганга толе ёр деганларидек, дастлабки довондан муваффақиятли ўтгач, ғайрат-шижоати янаям қайнаб тошди. Энди у жон-жаҳди билан ҳарбий билимларни эгаллашга киришганди.

Билим юрти унга катта ҳаёт йўлида улкан мактаб бўлди. Бу ерда ўғлон кўплаб дўстлар орттирди, илмий ва ҳаётий билимларини ўзлаштирди. Шунингдек, ўзи меҳр қўйган соҳаси – жанговар санъат илми сабоқларидан ҳам чуқур кўникмаларга эга бўлди. Малакали устозлардан қимматли маълумотлар, маслаҳатлар олди. Бундан ташқари ўзи ҳам қунт билан меҳнат қилиб, ўқиш ва изланишдан асло тўхтамади. Талабчанлиги, меҳнатсеварлиги ва ҳалоллиги боис тезда кўпчиликнинг назарига тушди. Шахсий таркиб орасида ўз ўрнига, ҳурматига эга бўлди ва ўзи каби аълочи курсантлар сафидан жой олди. Айниқса, илғор ва пешқадамлиги, ҳар жабҳада фаол, машғулотларда ўрнак, қўйилган топшириқларни виждонан, сифатли ado этишдек ибратли фазилатлари сабаб Мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирланган, йигитнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилди.

– Курсант Шуҳрат Наимов дилкаш ва самимий инсон, хизмат ва ҳаётда эса ишончли дўстдир, – дейди биз билан суҳбатда у ҳақида взвод командири капитан Содиқ Эшонқулов. – Уни ҳар доим нима биландир банд ҳолда кўрамиз. Бўш вақтларида ҳам ё китоб ўқиётган, ё жисмоний машқ қилаётган ёки бўлмаса компьютерда шуғулланиб билимини бойитаётган бўлади. Спорт айниқса, унинг хоббиси бўлса керак. Шунингдек, қолган машғулотларда ҳам доим фаол. Рости, ҳавас қилса арзигулик йигит. Бундай йигитлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Изланиш ва интилишларининг албатта, улкан фойдаси бор. Ҳадемай у офицерлар сафидан ўрин эгаллайди. Олган билимларини ҳақиқий ҳарбий хизматда билимдон командир сифатида қўл остидагиларга ҳам ўргатишини ўйласак, рости гап, қувонамиз. Чунки маҳоратли командир ва унинг бой малакасини ўрганган посбонлар билан сарҳадларимиз дахлсизлиги мустаҳкамроқ кафолатланади-да. Ҳа, Шуҳрат жанговар санъат илмининг моҳир билимдони. Унга фақат ва фақат омад, бундан ҳам ёрқинроқ толе ёр бўлишини тилайман.

Маълумки, бугун юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимизда ҳам Юртбошимиз раҳбарлигида кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Профессионал асосга ўтаётган миллий армиямизда хизмат қилаётган посбонлар, олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида таҳсил олаётган курсантлар, умуман, барчамиз учун ушбу жараённинг улкан аҳамияти бор. Янгича анъаналарга асос солинмоқда, қатор ўзгаришлар, ривожланишлар, хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятлар шулар жумласидандир.

– Ислоҳотлар сабаб, бугун биз курсантлар ҳарбий билимлар билан бирга халқ хўжалигида ҳам зарур бўлган бошқа қатор билимлардан ҳам хабардор бўляпмиз, – деди биз билан суҳбатда курсант Шуҳрат Наимов. – Давлатимиз раҳбариятига раҳмат, чуқур эътибор бермоқда, ғамхўрлик кўрсатмоқда. Профессионал армиянинг посбони ҳар томонлама ўз номига, чинакам профессионал деган номга муносиб бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинаяпти, шароитлар яратилган. Кенгайтирилган билимларнинг чуқурлаштирилган асосда ўргатилиши таҳсинга сазовор. Компьютер дейсизми, керакли китобларми, интернет – барчаси муҳайё. Масалан, мен жаҳон янгиликлари, жанговар техника, қуроллар, ҳарбий соҳага оид ихтироларга қизиқаман. Бўш вақтларимизда бундай қизиқишларимизни ошириб, батафсил маълумотлар олишимиз мумкин. Электрон кутубхонамиз ишлаб турибди. Билмаганларимизни устозлардан сўраб ўрганамиз. Тажрибали офицерлар Баҳодир Аҳмедов, Дилмурод Турсунматов каби устозлардан миннатдорман. Улар нима сўрасам, сидқидилдан ўргатишади. Шунингдек, Бухоро шаҳрида яшовчи ота-онамга ҳам салом йўллаб қоламан. Насиб этса, кўрсатилаётган ғамхўрликларга муносиб хизматларим билан, албатта, жавоб, қайтараман, деган умиддаман.

Капитан лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ЁНИМИЗДАГИ ОДАМ



Ёнимиздаги одам. У ким? Бу тизгинсиз ҳаёт сўқмоқларида унинг қувончу ташвишларига қанчалик шерик бўлаяпмиз? Лоақал уни нималар қувонтирадию, нималар изтиробга солишини биламизми? Ҳаммамиз ҳам ҳаёт тақозосига кўра ҳар куни ўқишда, ишда ёки хизматда турли инсонлар билан мулоқот қиламиз. Улар бир-бирларига сира ҳам ўхшамайдилар. Зеро атрофимиздаги инсонларнинг ҳар бири ўзига хос ташқи қиёфага, дунёқарашга ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга. Баъзи инсонлар билан бўладиган мулоқот дилингизни оғритса, бошқа бирлари эса оҳанрабодек сизни ўзига тортади. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси бошлиғи подполковник Алипоша Халисович Аҳмедов мана шундай инсонлар сирасига киради.

Мен бугун ҳар доимгидан ҳам эртароқ уйғониб, тезда нонушта қилдимда, хизматга ошиқдим. Чунки муҳим мавзу юзасидан маъруза ўқишим зарур. Охирги кунлар ичида мазкур машғулотга қанчалик тайёргарлик кўрган бўлмай, барибир кўнглим тўлмади. Мақсадим – ҳамма материалларни яна бир бор кўздан кечириш. Кафедра биносига кираётиб навбатчи курсантдан вақтни сўрайман, у соатига кўз ташлаб, олтидан қирқ дақиқа ўтганлигини айтади. Демак ҳали машғулот бошланишига бир соату йигирма дақиқа бор, шундай экан анча-мунча ишларни қилишга улгурса бўлади. Учинчи қаватга кўтарилиб, ўқув синфи томон бурилар эканман, кафедра бошлиғи хонасининг эшиги очиқ турганлигини пайқайман. Бундан заррача ҳайратланмайман – зеро бу одатий ҳол. Ҳузурига кириб борар эканман, бошлиғим менга пешвоз чиқади. Яхши дам олдингизми? – дейди у ҳар доимгидай самимий қарши олар экан. – Бугунги машғулотнинг баъзи бир томонларини сиз билан яна бир бор муҳокама қилиш учун салгина вақтлироқ келдим.

Шундан сўнг ишга шўнғиб кетамиз. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади – машғулот яхши ўтди. Бу ҳол мендан ҳам кўра Алипоша Халисовични кўпроқ севинтиради. У мени табриклар экан, ҳузурига киришимни илтимос қилди. – Мен, – дейди Алипоша Халисович, – кафедрамизнинг ўтган бир ой ичидаги фаолиятини таҳлил қилиб, шундай хулосага келдим: мазкур ойда асосий эътиборимизни ёш ўқитувчиларимизнинг дарс ўтиш услубиятини такомиллаштиришга ва фанларни ёмон ўзлаштираётган баъзи бир курсантларимизнинг ўқув ишларини яхшилаш муаммоларига қаратсак, яхши бўлар эди.

У менинг фикрим билан қизиқади. Биз ўзаро бир тўхтамга келгач, иш режасини тузиб, уни қоғозга туширамиз. Табиийки, бу режада бўлинма командирлари учун ҳам вазифалар белгиланади ва уни келишиб олиш учун командирларни бирин-кетин кафедрага таклиф қиламиз. Бу ишларни тугатгунимизча тушлик вақти ҳам бўлиб қолади. Тушдан кейин... Хуллас, кечки соат еттилар, баъзан эса ҳатто саккизлар атрофида кафедра бошлиғи ишларини якунлаб, уйига, оиласи бағрига ошиқади. Аммо шунда ҳам ўзи ҳар доим кўтариб юришни канда қилмайдиган жигарранг портфелига баъзи бир китоблар ва қоғозларни солишни унутмайди. Чунки бугунга режалаштирган ҳамма ишларини қилишга улгурмади, ҳар хил йиғилишлар ва телефон қўнғироқлари дегандай. Энди эса бу юмушларни уйда якунлаши керак.

Одатда бирон бир инсонга нисбатан таъриф ва тавсиф беришда унинг инсоний қиёфасини энг кўп даражада очиб бера оладиган сифатлардан фойдаланилади. Шу маънода унга хос бўлган «жигарранг портфель олиб юради», «сочларига ёшига нисбатан ҳийла кўпроқ оқ оралаган» ёки «доимо ўйчан бир қиёфада вазмин қадам ташлайди» каби ибораларга қараганда ҳам «ҳаммадан кўп ишлайди» деган жумла назаримда Алипоша Халисовичга кўпроқ мос келади. Шундай деяпману, лекин бундан кўнглим тўлмаяпти. Менимча, бу таърифу тавсифда яна нимадир етишмаяпти... Ҳа топдим! Хайрихоҳлик, айнан хайрихоҳлик, яъни ўзгалар тўғрисида қайғуриш. Демак юқоридаги чала таърифга яна «ўзгалар ташвиши билан яшайди» деган жумлани қўшсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Шоир айтмоқчи,

Хайрихоҳ инсонлар, бетаъма ҳамдам,
Олам бир бутундир шу иноқликдан.

Алипоша Халисович тўғрисида шу гапларни ёзаётганимда хаёлимга сўнгги вақтларда ўзим англаб етган бир фалсафа келди. Гап шундаки, ҳаётда фидойи инсонларнинг пайдо бўлишига бизнинг ўзимиз сабабчимиз, бошқача қилиб айтганда қаҳрамонларни ўзимиз яратамиз. Айтайлик, мен бугун ўнта юмушни бажаришни мўлжаллаган эдим, кун охиригача эса бор-йўғи уларнинг бештасини бажардим, холос. Ҳар хил кутилмаган воқеалар ёки бизгаги дангасаликми ёки лоқайдликми бунга имкон бермайди. Хуллас кўпчилик одамлар фаолиятида буни кузатиш мумкин. Охиригача етказилмаган, бажарилмаган юмушлар шунчаки изсиз кетмайди. Чунки ижтимоий ҳаёт қонунлари бунга имкон бермайди. Зеро улар ҳам табиат қонунлари сингари ўжар бўладилар. Натижада мену сиздан қолган юмушлар юки аста-секин йиғилиб бориб, кимнингдир елкасига «гурс» этиб тушади. Алипоша Халисовичнинг шундайлар тоифасидан эканлигига шубҳа қилмайман.

Мазкур мулоҳазаларимни қоғозга тушираётганимда телефон жиринглаб қолди. «Чори ака бу менман, безовта қилганим учун узр», – дейди таниш овоз. Ва афсус билан иккаламиз ҳам танийдиган бир инсоннинг бошига ташвиш тушганлигини айтиб, нима қилишимиз ҳақида менинг фикримни билишга қизиқади. Ўзаро қисқа маслаҳатлашувдан сўнг, эрталаб соат беш яримда – чунки хизматга кечикмасдан, ўз вақтида етиб келиш зарур – белгиланган жойда учрашишга келишиб, хайрлашамиз. Гўшакни жойига қўяр эканман, деворга осиғлиқ турган соатга қарайман – вақт тунги йигирма уч. У қанчалик ўзгалар дарди ва ташвиши билан яшамасин, лекин ҳеч қачон ўз муаммоларини бошқаларга дастурхон қилавермайди. Бу билан атрофдагиларни аяса ажаб эмас. Мен унинг изтироб чекканларини, ҳатто кўзларида ёш ғилтиллаганини кўрганман. У одатда адолатсизликни кўрганда шундай ҳолга тушади. Саодатли дамларда эса, қувончдан кўзлари порлаб, болалардай энтикиб кетади. Биз газета саҳифаларида бирон инсон ҳақида сўз юритилганда, унинг хизмат фаолиятида эришган ютуқлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни ўқишга кўникиб қолганмиз. Мен бугун қаҳрамонимиз ҳақида атайин шундай мулоҳаза ва баҳоларни айтмадим, чунки инсон ҳаётида ва фаолиятида унинг одамийлик сифатлари муҳимроқ роль ўйнайди, назаримда.

Яхши инсонлар ҳақида сўз юритиш ҳамиша қийин. Қолаверса, Алипоша Халисовичнинг ўзига нисбатан айтиладиган мақтов сўзларини – улар қанчалик рост бўлмасин – ёқтирмаслигини биламан.

Бугун ўзининг таваллуд кунини нишонлаётган бу яхши инсон ҳақида яна кўп гапириш мумкин, албатта. Аммо мен гапни мухтасар қилиб, ўз тилакларимни шундай ифодаломоқчиман: иним, қадрдоним, сафдошим! Чин инсоний самимият ҳамда оддий инсоний бахт сизни ҳеч қачон тарк этмасин! Мен сизга шундай қувончли кунда жамики эзгу тилакларимни йўллайман. Ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этишига ва ҳали яна кўплаб эзгу ишларни амалга оширишимизга ишонаман. Ёнимда сиздай сафдошим борлигидан эса чексиз фахр-ифтихор ҳиссини туяман.

Ҳар сафар шундай бўлади – бошқаларга ҳам муҳим бир гапни айтмоқчи бўламану, яна бу фикримдан қайтаман. Чунки шу истагимни айтсам, мендаги самимийликка дарз кетадигандай туюлаверади. Ўйлай-ўйлай, охири бу орзуимни севимли газетамиз орқали етказишга қарор қилдим: ҳув ана, сочларига ёшига нисбатан анчагина кўпроқ оқ оралаган бир инсон жигарранг портфелини кўтарганича, ўйчан бир қиёфада вазмин қадам ташлаб бораяпти. Уни асранг, яхшилар!

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.

Курсант мактабга келди

ИШТИЁҚ УЙҒОТИШДИ

Тошкент олий умумкўшин қўмондонлик билим юртининг биринчи курс курсантлари – Азиз Исроилов, Жаҳонгир Ҳасанов ва Фаррух Обрўевлар пойтахтимиздаги 300-301 – умумтаълим мактабида таълим олишган. Азиз билан Жаҳонгир мактабни тамомлаб ўқишга киришган бўлишса, Фаррух муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Тавсиянома билан қайтиб, ўқишга кирган. Улар қишки имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, яқинда таътилда бўлишди. Бундан хабар топган 301-мактаб раҳбарияти уларни юқори синф ўқувчилари билан учрашувга таклиф этдилар.

Курсант Азиз Исроилов ўзининг олий ҳарбий билим юртига қандай ўқишга кирганлиги борасида гапирар экан, жумладан шундай деди:

– Ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган кишига ҳарбий билим юртига ўқишга кириш қийин эмас. Бироқ шуни унутмаслик керакки, тайёргарлик кўриш осон деб ўйламанг. Қайсидир буюк саркарда айтганларидек, «машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади». Курсант бўлиш учун ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват ва чуқур билим, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиш зарур.

Курсант Жаҳонгир Ҳасанов билим юртида яратилган шароитлар тўғрисида сўзлаб, қуйидагича фикр билдирди:

– Биз таълим олаётган олий ҳарбий билим юрти узоқ тарихга эга. Билим юртимизни тамомлаб, бугунги кунда жанговар қисмларда фаолият юритаётган офицерлар орасида командирлар, қўмондонлар бор. Бир нечта офицер генерал ҳам бўлишган.

Билим юртимиз замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган. Айниқса, ётоқхоналаримизни айтмайсизми? Дарс тайёрлашимиз, дам олишимиз учун барча қулайликларга эга. Ораларингизда ҳарбий билим юртимизга ўқишга кирмоқчи бўлганлар бўлса, жиддий тайёргарлик кўрсангиз, албатта, бизга ўхшаб курсант бўлиш бахтига муяссар бўласизлар.

Курсант Фаррух Обрўев муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ўқишга кирган, шу боис аскарлик фаолияти ҳақида гапирди:

– Мен мактабни тамомлаганимдан сўнг, хизматга чақирилдим. Осонгина аскар бўлдим, десам унчалик тўғри бўлмайди. Соғлигим обдон текширилиб, хизматга яроқли деб топилганимдан кейин тест синовларидан ўтиб, аскарликка олиндим. Хизматим давомида ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарликлар бўйича аъло натижаларга эришганим ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтганлигим сабабли қўмондонлик ўқишга киришим учун Тавсиянома берди. Мен ўз олдимга офицер бўлишни мақсад қилиб қўйганман ва бунга эришаман

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдураззоқ Обрўев, Сирғали тумани мудофаа ишлари бўлими вакили Ҳасан Мирсултонов, истеъфодаги майор Жалолиддин Шамсиев мактаб ўқувчиларига Ватан ҳимоячилари куни байрами, Қуролли Кучларимиз ўн беш йиллиги, ҳарбий соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар тўғрисида сўзлаб беришди.

Абдураззоқ БАЙРАМОВ.



Илм муваффақиятга етаклайди

КЎҲНА ЗАМИН САДОСИ

– Инсон ўз тарихини мукаммал билиб, ота-боболаридан қолган моддий ва маънавий ёдгорликларидан фахр ҳиссасини туя олмас экан, у ҳеч қачон фидойи, юртпарвар бўла олмайди, – дейди биз билан суҳбатда Қуролли Кучлар марказий музейи илмий ходими Дилором Раҳимова. – Шу боис, биз юртимиз посбонларининг қалбида ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш мақсадида уларни шонли тарихимизга қизиқтиришни мақсад қилганмиз.

Ҳа, бугун биз истиқомат қилаётган жаннатмакон диёримиз тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан бири десак, хато қилмаймиз. Айни дамда бу ҳақиқатни кўпдан-кўп тарихий ва илмий далиллар исботлаб турибди.

Бетакрор заминимизнинг қайси ҳудудини олмайлик, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш мумкин. Бунга Фарғона водийсидаги Селдигур, Тошкент воҳасидаги Кўлбўлоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзод манзилгоҳларини ёки Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир «Авесто» китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни мисол келтиришимиз мумкин. Булар ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлар экансан, мўътабар заминимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шаҳристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар Ўзбекистон тупроғи қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Айни дамда археологларимиз томонидан йиллар мобайнида топилиб келинаётган буюк тарихимиздан гувоҳлик берувчи ашё ва ноёб экспонатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон тарихи давлат музейидан жой олган. Ушбу музейга ташриф буюриб экспонатдаги ноёб топилмаларни кўздан кечирар экансиз, дунё тамаддуни бешикларидан бири саналган кўҳна заминда бундан минг-минглаб йиллар бурун маданият ва санъат тараққий этганига амин бўласиз.

– Музейимиз экспонатларини археолог олимларимиз томонидан топилаётган янги-янги топилмалар билан бойитиб боришга ҳаракат қиламиз, – дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. – Ўтмишимизнинг буюклигидан гувоҳлик берувчи ҳар бир топилма бу ерга ташриф буюрувчиларни беэътибор қолдирмайди. Улар тарихимизга хос ашёларни кўздан кечириб кейинги пайтда топилган буюмлар билан ҳам қизиқишади. Уларнинг аксарияти мамлакатимиз келажаги ворислари ҳисобланмиш ёшлар эканлиги кишини хурсанд қилади. Кейинги пайтда музейимизга ҳарбийларнинг ҳам тез-тез ташриф буюришаётгани қувонарли ҳолдир. Улар бу ерда тарихимизга оид анчагина янги-янги билимларга эга бўлиш баробарида бир олам таассурот билан қайтиб кетишмоқда. Буларнинг барчаси музейимизнинг Қуролли Кучларимиз марказий музейи билан яқин ҳамкорлиги маҳсулидир.

Бугун ушбу музейлараро ўзаро яқин ҳамкорлик туфайли ҳарбийларимизнинг Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги ташрифи анъанага айланган. Яқинда офицер Мурод Солиев хизмат қилаётган ҳарбий қисмнинг сафарбарлик чақируви резерви ойлик йиғинида йигитлик бурчини адо этаётган фуқаролар Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёҳат уюштиришди.

СЧР хизматидаги фуқаро Абдурасул Абдукаримов:

– Мени қадим тарихимиз ҳамиша қизиқтириб келган. Айниқса, тарих ўқитувчимизнинг сабоқларидан сўнг бу қизиқишим янада ортди. Бугун музейда Фарғона вилоятининг Сўх туманида милоддан аввалги II минг йилликда яратилган икки илон кўринишидаги туморни ёки Навоий вилоятидан топилган эрамиздан аввалги V минг йилликка хос бўлган сопол идишни кўриб, бизнинг заминимизда маданият анча бурун тараққий этганлигини билиб олдим.

СЧР хизматидаги фуқаро Баҳодир Сатторов:

– Таассуротларим ниҳоятда чексиз. Бу ердаги экспонатларни кўриб аждодларимиз бизга улкан мерос қолдириб кетганлигига сира шубҳам қолмади. Аждодларимиз буюк маданият яратиб, дунёни лол қолдирган экан, демак биз ҳам уларга муносиб бўлмоғимиз лозим.

– Биз имкон қадар, ойлик йиғин иштирокчиларини бу ерга ҳар сафар олиб келишга ҳаракат қиламиз, – дейди катта лейтенант Ёлқин Қулонов. – Улар музейга келиб, тарихимизга оид янги-янги маълумотларга эга бўлишади.

– Тўғри, йигитлар тарихимиз ҳақида мактабда билим олишган, – дея суҳбатга қўшилди яна бир офицер Акром Абдуллаев. – Лекин бу музейда тарихдан гувоҳлик берувчи ноёб ашёларни кўриб, аждодларимиз яратган буюк маданиятдан фахрланиш баробарида уларнинг юртга бўлган садоқати янада ортади.

Комилжон ҲАСАНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



МУСТАҲКАМ СОҒЛИК – ЖАНГОВАР ШАЙЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Их наградила Родина

30 ЛЕТ НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ

Ровно 30 лет исполнилось, как ведущий хирург Центрального военно-клинического госпиталя Министерства обороны, кандидат медицинских наук полковник Шавкат Очилов начал свою практическую деятельность в области военной медицины. Указом Президента Республики Узбекистан в честь 15-летия Вооруженных Сил он награжден орденом «Мехнат шухрати».



Сказать, что офицер Ш.Очилов – трудолюбивый, настойчивый и целеустремленный, никогда не любит останавливаться на достигнутом, значит ничего о нем и не сказать. Одно то, что в 1993 году в ЦВКГ он пришел старшим ординатором отделения неотложной хирургии, а через год уже возглавил это отделение, а еще через четыре – был назначен ведущим хирургом Центрального военно-клинического госпиталя, говорит о многом. На такую должность просто так не назначают.

В том, что в ЦВКГ хирурги тринадцати отделений работают, как единый часовой механизм, конечно, немалая заслуга полковника Ш.Очилова, ведь именно он сыграл и играет немаловажную роль в планировании и организации введения в практику работы госпиталя наиболее современных методов диагностики и лечения, подборе кадров, врачебного консилиума. По его инициативе в 1998 году в ЦВКГ создана школа военных хирургов. А сейчас здесь проводятся самые сложные оперативные вмешательства с применением новых современных медицинских технологий.

Полковника Шавката Очилова знают как ученого и наставника не только в нашей стране, но и за рубежом. Кандидат медицинских наук регулярно публикует актуальные научно-методические статьи в медицинских журналах и газетах Узбекистана и России, им выпущена методическая разработка по вопросам военно-полевой хирургии. Во всех военных округах служат и трудятся воспитанники ведущего хирурга. Достаточно назвать имена его учеников – отличных специалистов, начальников отделений ЦВКГ офицеров медицинской службы Акбарали Саттарова, Орифа Инамова, Бахрома Мурадова, Жахонгира Сабирова, начальника хирургического отделения Термезского военного госпиталя майора медицинской службы Хусана Худенова, Ферганского – майора медицинской службы Атхама Эргашева.

В 1999 году полковнику медицинской службы Шавкату Очилову было присвоено звание заслуженный работник здравоохранения Республики Узбекистан.

О том, сколько жизней спас, скольких больных поставил на ноги, сам врач не любит говорить. Отвечает просто: «Я выполнял и выполняю свой врачебный долг». Только за несколько последних дней Шавкат Очилов провел сложные операции многим своим пациентам. Сейчас все они себя чувствуют хорошо, и недалек тот день, когда их выпишут.

А вот служащая Вооруженных Сил Нурсулу Бекмурзаева, проходящая лечение в ЦВКГ, уже готовится к выписке домой.

– Наверное, я выражу общее мнение, если скажу, что у полковника медицинской службы Шавката Очилова легкая рука, – говорит она. – Я очень благодарна, как и все лечащиеся, ему. Обычно после такой операции больные лежат 14 – 15 дней, а я вот уже через 4 дня уезжаю домой. Помог передовой опыт – лапароскопическая операция. Я еще должна сказать, что одним из важных черт характера доктора Очилова и его коллег является умение подбодрить больного, найти те нужные теплые слова, в которых он сейчас нуждается больше, чем в высокоэффективных лекарствах.

Думается, ведущий хирург ЦВКГ полковник медицинской службы Шавкат Очилов еще много лет прослужит во славу военной медицины.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ПОСБОНЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Тиббиёт соҳасининг ўта нозиклиги, шифокорлик касбини масъулияти ҳақида кўп гапирамиз. Бўлажак врачларни тиббиёт соҳасини мукаммал эгаллаш учун ўн, ўн икки йиллаб таълим олишлари бежиз эмас. Зеро, инсоният учун саломатликдан зиёдроқ улуқ неъмат бўлмаса керак.



Тиббий хизмат майори Салом Ҳамидовни ушбу соҳага кириб келганига ўн уч йил бўлаяпти. Ҳар бир ўтган йил шифокор учун ўзига хос тажриба мактаби бўлган десак янглишмаймиз. Бемор ҳаёти устида кечган бедор тунлар, унинг оёққа туриши, саломатлигини тиклаш йўлидаги интилиш ва ҳаракатларнинг барчаси шифокордан катта масъулият, ўткир билим, зиммасидаги бурчга ўта эътибор билан ёндашишни талаб этади. Айниқса ҳарбий шифокорлар ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда аъло даражада хизмат кўрсата олиши шарт.

Навоий ҳарбий госпиталида анестезиолог-реаниматолог вазифасида хизмат қилиб келаётган лавҳамиз қаҳрамони ҳам ўз тажриба мактабига эга бўлгунга қадар бир қатор довонлардан ўтишига тўғри келди. Самарқанд медицина институтини битирган ёш мутахассис дастлаб Термиз вилояти шифохонасида соҳаси бўйича хизмат бошлади. Орадан маълум вақт ўтгач, унинг иқтидори ҳисобга олиниб Термиз ҳарбий госпиталига ишга таклиф этилди. Вазифасига масъулият билан ёндашган йигит 1997 йилдан ҳарбий шифокорлар сафидан жой эгаллади. Ўтган йиллар давомида тажрибали тиббиёт ходими посбонлар саломатлигини тиклаш йўлида бор билим ва маҳоратини юзага чиқара олди. Шу ўринда шифокор танлаган мутахассислик хусусида икки оғиз сўз. Тиббиётнинг анестезиология йўналиши ўта мураккаб бўлиб, бу беморга жарроҳлик муолажасидан аввал қўлланилади. Яъни бемор операциядан олдин сунъий уйқу холатига келтирилади. Бунинг учун анестезиолог врач аввало унинг ёши, тана тузилиши, ички органлари фаолияти каби бир қатор жиҳатлари билан яқиндан танишиб чиқиши шарт. Салгина беэътиборлик ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

– Касбини севган инсон уни мукаммал эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилади, – дейди биз билан суҳбатда Салом Ҳамидов. – Ўқиш, ўрганиш, тажриба алмашиш, устозлар сабоғидан унумли фойдаланиш каби ҳаракат ва интилишлар тажрибали шифокор бўлишнинг муҳим шартларидир. Менинг ҳар бир эришган ютуғимда устозларим – тиббий хизмат подполковниклари Акбар Сатторов ва Алишер Алламурадовларнинг хизмати катта. Шунингдек акам тиббий хизмат подполковниги Эркин Ҳамидовни ҳам бу борада менга ҳар томонлама ўрнак бўлган десам янглишмайман. Биз ҳарбий шифокорларнинг асосий вазифаси Ватан посбонлари саломатлигини тиклаш. Бунинг учун давлатимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилган, шароитлар яратилган. Шу билан бирга бизда нафақат шифокорлик масъулияти, балки ҳарбий либос мажбуриятлари ҳам мавжуд. Мен хизматим давомида ўз бурчимга лойиқ бўлишга доимо ҳаракат қиламан. Ва албатта Ватан ҳимоячилари хизматида бўлганимдан хурсандман.

Биз Навоий ҳарбий госпиталида бўлганимизда бир қатор тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашдик. Уларнинг хизмат фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Госпитал бошлиғи тиббий хизмат майори Серик Қорабеков Салом Ҳамидовнинг шифокорлик иқтидори ҳақида алоҳида тўхталиб, ўз фикрларини билдириб ўтди:

– Беморларга жарроҳлик усулини қўллаш жараёнида анестезиолог врачнинг ўрни жуда катта. У сунъий уйқу келтирувчи муолажани қўллашдан аввал беморнинг асаб системасидан тортиб, ички органлари холатини мукаммал ўрганиб чиқади. Шунингдек, бемор ўзига келгунга қадар жарроҳ билан бир сафда тунларни тонгга улашига тўғри келади. Тиббий хизмат майори Ҳамидовни бу борада тажрибали, иқтидорли врач дейишга хақлимиз. У нафақат хизмат фаолияти, балки ҳарбий шифокор зиммасидаги бурч ва масъулиятга эътибор ила ёндашиши билан ҳам барчага ўрнак.

Тинчлик ва сиҳатлик инсон тилагининг мезони ҳисобланади. Ҳаётнинг шу икки неъмати йўлдош бўлсагина ўзга орзуларга йўл очилади. Шундай экан, юрт тинчлигини асраш йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз саломатлигига масъул бўлган тиббий хизмат майори Салом Ҳамидовдек шифокорлар бор бўлсин. Уларнинг фидойилик ила бажараётган хизматлари доимо элу юрт олдида эътироф топаверсин, дейміз юракдан.

Зулфия НОСИРОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Шифокор маслаҳати

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРДАН САҚЛАНИНГ!



Вирусли гепатит ўткир юқумли касаллик бўлиб, у жигар фаолиятининг бузилиши ва организмда умумий интоксикация аломатлари билан кечади.

Ҳозирги кунда вирусли гепатитларнинг А, В, С, Д, Е, F ва G турлари мавжуд бўлиб, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ер юзида 500 млн.кишида вирус ташувчиси борлиғи аниқланган.

Кейинги йилларда республикамизда ушбу касалликнинг «А», «В», «С» турлари кўп қайд этилмоқда. Тўғри, 2006 йилда аҳолининг вирусли гепатитлар билан касалланиши анча камайди, аммо касаллик фаоллиги сақланиб қолмоқда.

Қисқача вирусли гепатит «А» ҳақида тўхталадиган бўлсак, у қадим замонлардан маълум бўлиб, халқ орасида сариқ касаллиги номи билан юритилган.

Касаллик эт увишиши, боши оғриши, тана ҳароратининг кўтарилиши, иштаҳа бўғилиши билан бошланади ва бир неча кундан сўнг беморнинг кўзлари ва бадани сарғаяди. Қонда ва ахлатда вирус сарғайиш давридан 3-4 ҳафта олдинроқ пайдо бўлади ва уни сарғайиш давридан сўнг 3-куни қонда, 8-куни нажасда аниқлаш мумкин.

Вирусли гепатит «А»нинг яширин даври 14 кундан 50 кунгача. Ўртача 20-25 кун кечади. Вирус танадан яширин даврнинг иккинчи ярмида ажралиб чиқа бошлайди.

Инфекция манбаи касал одам ҳисобланади. Кўпинча касаллик енгил, ўртача оғирликда ва оғир кечади. (Касаллик айрим беморларда белгисиз (сариқсиз) субклиник, нотипик ҳам кечиши мумкин).

Клиник ташхис нотўғри қўйилиши сабабли гоҳо бемор касалликни оёқда ўтказиб соғлом одамлар ўртасида кенг кўламда гепатит вирусларини тарқатади ва касалликни юқтиради. Эпидемиологик нуқтаи назардан бундай бемор жуда хавфли ҳисобланади.

Белгиланган талабларга мувофиқ сувни тайёрлаш ва зарарсизлантириш ишлари олиб борилмаслиги, аҳолига узатиладиган ичимлик суви қувурларидан фойдаланишда санитария-техника қоидаларининг бузилиши, коммунал ободонлаштириш ишларининг етарли даражада олиб борилмаслиги, ифлосланган ҳавзаларда чўмилиш ҳам сув орқали инфекция юқишига олиб келади.

Озиқ-овқат корхоналари, умумий овқатланиш ва савдо-сотиқ корхоналарида маҳсулотларни тайёрлаш учун сифатсиз сув ишлатилганда ҳам касаллик юзага келиши мумкин.

Хулосага қилиб айтганда, вирусли гепатит касаллигига чалинмаслик учун қуйидаги маслаҳатларига қатъий риоя қилиш зарур:

– мева ва сабзавотларни фақат қайнатилган сувда ювиб, сўнг истеъмол қилинг;

– ҳар доим, айниқса овқатланишдан олдин қўлингизни совунлаб ювинг;

– ичимлик сувини фақатгина қайнатиб истеъмол қилинг;

– ётоқхона ҳамда умумий яшаш жойларингизни доимо озода тутинг;

– овқатланиш объектлари ҳамда умумий фойдаланиш жойларини ифлосланишига йўл қўйманг;

– озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, ташиш ҳамда уларни тарқатишда санитария қоидаларига риоя қилинг;

– очиқ сув ҳавзаларидан сув ичманг, ман этилган жойларда чўмилманг;

– вирусли гепатитнинг илк белгилари пайдо бўлганда ёки касаллик аниқланган заҳоти, беморни юқумли касалликлар шифохонасига жойлаштириш, у билан мулоқотда бўлган кишиларни тиббий назоратга олиш ва уларга нисбатан шошилинч профилактика чораларини кўриш керак.

Тиббий хизмат капитани Бобомурод ТЎРАЕВ.

ТАЛАБА ҚИЗЛАРНИНГ «ЙИГИТЧА» БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сергели тиббиёт коллежида «Шунқор қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Оқ либосли талабаларнинг билим ва топқирлик, куч ва заковат борасидаги «йигитча» беллашуви ҳар бир иштирокчининг ғалабага, зафар қучишга қатъий интилиши ва жон куйдириши сабаб, кескин кураш ва муросасиз баҳсларга бой бўлди.

Бўлғуси ҳамшираларнинг ўзаро мусобақага тайёргарлик даражасини туман мудофаа ишлари бўлими масъул офицери Ҳусан Усмонов ва бўлинма бошлиғи Ҳасан Мирсултонов, ҳарбий қисм вакили майор Воҳид Эргашев, Сергели туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиясининг масъул котибаси Фаина Сотниковалардан иборат ҳайъат аъзолари холислик билан баҳоладилар. Тадбирни билим даргоҳининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар муовини, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Абдунаби Орипов олиб борди.

Тиббиёт коллежи талабалари Умида Ибрагимова ва Маҳбуба Орифжонова сардорлигидаги «Тўмарис» ва «Барчиной» жамоалари кўрик-танлов давомида олти шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Масалан, «Сирли саволлар» шартида қизларнинг билим ва зеҳни синовдан ўтган бўлса, арқон тортиш мусобақасида жисмоний тайёргарлик, ирода намоён бўлди. Оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш воситаси – газниқобни кийиш (барча қоидаларга амал қилган ҳолда, албатта) шарти ҳамда Ватан ҳимоячилари ҳаётини акс эттирувчи саҳна кўринишларида эса иштирокчиларининг «ҳарбий» тайёргарлиги баҳоланди.

Умумий натижаларга кўра, «Барчиной» жамоаси анъанавий «Шунқор қизлар» кўрик-танловининг ғолиби деб топилди.

Қизиқарли мусобақа сўнггида барча қатнашчилар Сергели тиббиёт коллежи, туман мудофаа ишлари бўлими ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлимининг махсус мукофотлари билан тақдирландилар.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЎҒЛИМ ХИЗМАТГА ҚАЙТДИ

Фарзандим Санъатжон Санақулов мана бир неча йилдан буён ҳарбий қисмда кичик сержант лавозимида хизмат қилиб келяпти. Мен ўғлимнинг ҳарбий соҳани танлаб юртимиз тинчлиги, ҳаётимиз осойишталигини сақлашда озгина бўлса-да ҳиссасини қўшаётганидан жудаям хурсандман. Чунки Ватан ҳимояси, эр йигит учун муқаддас бурч. Шу билан бирга шарафли ва маъсулиятли вазифа.

Ўтган йили ўғлим тўсатдан оғир формали сариқ касалига чалиниб Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий госпиталга ётқизилди. Санъатжоннинг аҳволи жудаям оғир эди. Қувончлиси госпиталдаги қўли енгил шифокорлар шарофати билан ўғлимнинг аҳволи етти кунда яхшиланди. Биз оила аъзоларимиз билан Мудофаа вазирлиги раҳбариятига, ҳарбий шифокорлар Б. Раҳимов, А. Азимов, Н. Саидқулов ҳамда госпиталда хизмат қилаётган барча шифокор ва ҳамшираларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Шунингдек, ўғлимнинг ҳолидан хабар олиб уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган ҳарбий қисм офицерлари – В. Мўминов, Ф. Кенжаев, М. Ғафуров, Н. Баиров, Ш. Эргашевларга ҳам ташаккур изҳор этамиз. Мен бу инсонлар олдида доим қўлим кўксимда. Уларга фақат соғлик-саломатлик, хизматларида омадлар тилайман. Ўзбекистонимизнинг шундай ғамхўр, куюнчак, зиммасидаги юксак масъулиятни ҳис қиладиган ўғлонлари, ҳарбий шифокорлари борлиғидан фахрланаман. Яна шу нарсага амин бўлдимки, мамлакатимизда ҳарбийлар соғлиғига эътибор жуда кучли экан. Мен буни ўғлим мисолида кўрдим.

Шаҳодат ая РАҲИМОВА.
Каттақўрғон шаҳри.

В солдатской столовой

ПОВАРА ГОТОВЯТ ВКУСНО

Здание солдатской столовой, коллектив которой возглавляет служащий Вооруженных Сил Ш.Шукуров, привлекает внимание оригинальной внешней отделкой. Сами воины постарались сделать его нарядным, красивым, чтобы оно радовало глаз каждого входящего сюда. В ходе подготовки к зиме группа специалистов под руководством сержанта А.Азимджанова занималась реконструкцией, выполнив все работы с большой любовью. Многие из них уволились в резерв, оставив о себе добрую память в коллективе.

Восхищает и внутренняя отделка. На стенах – натюрморты, искусно выполненные рядовым М.Джуманиязовым. Комнатные цветы на окнах придают обеденному залу домашний уют. Приятно в такой обстановке позавтракать, пообедать и поужинать.

Чистота, порядок на кухне, в раздаточной, в подсобных помещениях. По всему видно, что работники столовой строго соблюдают санитарные нормы и правила.

– А как вкусно они готовят! – восторженно говорит рядовой Д.Абдурахманов.

Много внимания уделяют работники столовой качеству приготовления пищи. Они заботятся о том, чтобы солдаты не просто могли пообедать, а чтобы обед был сытным и вкусным. Регулярно проводятся кулинарные советы, совещания по повышению качества блюд. Общими усилиями повара разрабатывают разнообразное меню, стремясь к тому, чтобы воины ежедневно получали необходимые и в то же время разнообразные витамины.

– Наш заведующий Шавкат-ака, – рассказывает повар М.Джурабаев, – прекрасный руководитель и специалист. Он совершенно справедливо считает, что высокого качества приготовления пищи невозможно добиться без повышения квалификации и мастерства поваров. Поэтому постоянно проводит с ними занятия, знакомит с технологией приготовления тех или иных блюд, указывает на недостатки в нашей работе, не забывает отметить тех, кто относится к делу творчески, с душой.

Впрочем, здесь все работники столовой добросовестно выполняют свои обязанности. Многие из них не раз поощрялись командованием. Это А.Ибрагимов, М.Асоев и другие.

– Рано приходится вставать нашим поварам, – говорит рядовой Ш.Раджабов, – чтобы приготовить для нас завтрак. Но мы никогда не видели их в плохом настроении. Они всегда стараются нас хорошо встретить, вкусно и быстро накормить. Работники столовой внимательны к воинам, прислушиваются к их замечаниям и пожеланиям. И главное – не скупятся не только на добрые слова, но и на добавку!

Мне довелось услышать восторженные отзывы о работе столовой и от других солдат. Все говорили о том, что работники этого предприятия общественного питания проявляют большую заботу о воинах, делают все для того, чтобы они были довольны и обслуживанием и качеством приготовленных блюд.

– Но эти благодарности и теплые отзывы, – констатирует Ш.Шукуров, – ни в коей мере не должны успокаивать нас. Наоборот, они обязывают коллектив солдатской столовой работать еще лучше. Ведь от нашего отношения к делу зависит и настроение и отношение солдат к службе. Мы и в дальнейшем будем делать все от нас зависящее, чтобы воины всегда были довольны!

Александр СЕРГЕЕВ.



Фото из архива редакции.

ОТКРЫТЫЙ ДИАЛОГ... О ХЛЕБЕ



Дильноза, увидев подружку, подбежала к ней.

– Сурайе, может, сегодня я пойду с вами в садик, – сказала она. – Я тоже хочу рассказать моим сестренкам и братишкам о пользе обогащенного хлеба. Ты, как депутат Детского парламента из нашего города, ведь должна вовлекать в свою работу таких, как я.

– Хорошо, – согласилась Сурайе, – только я сначала предупрежу Дильбарапу, нашу школьную медсестру. Мы поставим сценку в садике, а она расскажет, как все это начиналось.

Воспитанники, воспитатели детского сада № 32 города Джизака и родители, приглашенные на «Открытый диалог», с восторгом посмотрели сказку о героических и забавных похождениях Нон-полвона. А на многочисленные вопросы воспитательниц о пользе хлеба, выпеченного из обогащенной муки, ответила медсестра школы №14 Дильбар Мурадова.

– Сегодня руководством страны уделяется особое внимание решению проблемы дефицита питательных микроэлементов, – рассказывала она. – С 2001 года в Узбекистане совместно с Азиатским банком развития внедрялся региональный пилотный проект JFPR-9005, в рамках которого 14 мукомольных предприятий по стране были оснащены дозаторами для фортификации муки и смесью витаминов и минералов. Национальная программа по фортификации муки была разработана в 2003 году по инициативе правительства Узбекистана, и в 2004 году Узбекистан одним из первых получил грант на 2,8 миллиона долларов на ее осуществление. 11 августа 2005 года было принято Постановление Президента Республики Узбекистан № 153 «О мерах по реализации проекта «Национальная программа по фортификации муки». Настоящая программа сегодня внедряется совместно с Министерством здравоохранения республики, АК «Уздонмахсулот», ЮНИСЕФ и Всемирным банком. Цель проекта – снижение на 20% уровня железодефицитной анемии, в основном, у женщин и детей, создание эффективной и надежной базы для фортификации муки и создание новой культуры питания в пользу потребления обогащенных продуктов. Обогащенная мука имеет на этикетке логотип «Sog'lom Mahsulotlar» и при покупке хлеба следует обращать на это внимание. У потребителей может возникнуть вопрос: чем, все-таки, обогащается мука? Прежде всего, она обогащается комплексом витаминов, специально разработанных для Центральной Азии. Помимо железа в премиксе есть фолиевая кислота, цинк и витамины группы Б1 и Б2. При выпечке и приготовлении продуктов из обогащенной муки некоторое количество витаминов теряется, однако большая часть необходимых микроэлементов сохраняется в достаточном для организма количестве. При обогащении муки витаминами и железом стоимость 1 кг муки дорожает всего на 1 сум 20 тийин.

– Значит, хлеб из обогащенной муки будет дороже, чем обычный? – спросила одна из воспитательниц.

– Конечно, нет. Обогащение муки является довольно эффективным и дешевым способом улучшения здоровья. Специалисты подсчитали, что стоимость обогащения муки на душу населения в год составляет приблизительно 120 сумов. Разве не выгодней есть обогащенный хлеб и муку, чем покупать дорогие железосодержащие препараты и витамины? Сегодня многие из нас, особенно женщины и дети, страдают анемией. Врачи называют ее «скрытым голодом», когда в организме человека не хватает необходимых микроэлементов, особенно железа. По данным Всемирной организации здравоохранения на сегодняшний день 40% населения мира страдает от анемии, 75 % которой вызваны дефицитом железа. Последствия анемии известны всем. Это низкие показатели в учебе, снижение работоспособности, подверженность различным заболеваниям не только детей, но и взрослых. Естественно, все это оказывает влияние и на социально-экономическое развитие. Следует учесть, что при потреблении пищи из обогащенной муки эффект наступит не сразу. Для этого необходимо ее постоянное потребление, чтобы уровень гемоглобина в организме пришел в норму. Надо помнить, что чай и кофе препятствуют усвоению железа из пищи на 70%. Пить чай надо после еды, подождав 20–30 минут, и тогда вы достаточно в полной мере сможете сохранить в вашем организме микроэлементы, поступившие вместе с едой, приготовленной из обогащенной муки. Если вам не безразлично ваше здоровье и здоровье ваших близких и детей, следует употреблять только обогащенную муку!

Подобные встречи не раз проводятся учениками школы №14 г.Джизака, которые очень хотят, чтобы в Узбекистане дети всегда улыбались.

Наргис СУННАТОВА.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА ШАРҲИ

КАТАПУЛЬТА ЁРДАМИДА



«Луна» Х-200 русумли тактик разведкачи учувчисиз учиш аппарати Германиянинг EMT фирмаси томонидан 1997 йилда ишлаб чиқилган ва мамлакат армиясининг қуруқликдаги қўшинлари ҳарбий техникаси таркибига 2002 йилда киритилган. Мазкур аппаратнинг асосий тавсифлари эса қўйидагилардан иборат: узунлиги 2,28 м, қанот кўлами 4,17 м, кўтарилиш оғирлиги 30 кг, фойдали юк оғирлиги 3 кг, максимал ҳаракатланиш радиуси 80 км, максимал учиш тезлиги 160 км/соат (крейсерлик тезлиги 70 км/соат), энг юқори кўтарилиш нуқтаси 3000 м, максимал учиш давомийлиги 4 соат. Кучланиш қурилмаси битта 5,0 кВт қувватга эга бўлган поршенли двигателдан иборат. Бажариладиган вазифаларга мос равишда унинг бортига рангли рақамли видеокамера, рақамли фотоаппарат, ИК-камера, радиацион ва кимёвий разведка узаткичлари (датчиклари) ўрнатилиши мумкин. Учиш катапульта қурилмаси ёрдамида, қўниш эса парашют тизими ёки қўниш тўри ёрдамида амалга оширилади. Аппаратни 15 дақиқа ичида қайта учиш учун тайёрлаш мумкин. **Суратда: «Луна» Х-200 учиш вақтида.**

ЭКСПОРТ ВАРИАНТИ



Маълумки, ҳарбий техника ва қурол-яроғлар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, уларнинг янги-янги турлари яратилмоқда. Бунга мисол қилиб Корея Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг «Страйк игл» F-15K тактик қирувчи самолётини олиш мумкин. Мазкур самолёт «Боинг» фирмасида ишлаб чиқилган F-15E самолётининг экспорт вариантидир. Самолётнинг асосий тавсифлари: экипаж икки кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 36740 кг (юксиз – 14380 кг), максимал учиш тезлиги М-2,5 (11000 м баландликда), энг юқори амалий кўтарилиш нуқтаси 18300 м, ҳаракатланиш радиуси 1270 км, бошқа жойга учиб ўтиш узоқлиги 4500 км. Самолётнинг кучланиш қурилмаси таркибига ҳар бирининг форсажда максимал тортиш кучи 13200 кгс бўлган иккита турбореактив икки контурли F100-PW-229 двигателлари киради. Самолётдаги қуроллар: 20 мм.ли олти стволли «Вулқон» тўпи (жанговар комплекти 512 та патрон), «ҳаво-ҳаво» русумидаги AIM-9 «Сайдвиндер», AIM-7 «Спарроу» ва AIM-20 AMRAAM бошқарилувчи ракеталари, «ҳаво-ер» русумидаги бошқарилувчи AGM-65 «Мейверик» ракетаси, бошқарилувчи ва бошқарилмайдиган бомбалар (самолётнинг максимал қурол олиш оғирлиги 11100 кг). F-15K «Страйк игл» ўлчамлари: узунлиги 19,43 м, баландлиги 5,63 м, қанот кўлами 13,05 м, қанот майдони 56,5 кв.м.

«ОСТИН»НИ АЛМАШТИРАДИ



АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарашли десантчи кемаларнинг янги сериясидаги етакчи кема – «Сан-Антонио» десант-вертолёт кема-доки қурилиши 2000 йил декабрида бошланган, 2003 йилнинг 12 июлида сувга туширилган ва 2006 йилнинг 14 январида жанговар таркибга киритилган. Кеманинг асосий тактик-техник тавсифлари: тўлиқ сув сиғими 25300 т, узунлиги 208,4 м, эни 31,9 м, сувга ботиб туриш даражаси 7 м. Икки валли бош энергетик қурилмаси умумий қуввати 41600 от кучига тенг бўлган тўртта ўрта айланмали дизел двигателидан иборат бўлиб, энг юқори юриш тезлигини 22 узелгача ошириш иконини беради. Кемага ўрнатилган қуроллар: иккита 1 RAM моделидаги Mk 31 русумли ишга солиш қурилмаси, иккита 30 мм.ли Mk 46 артиллерия қурилмаси, тўртта 12,7 мм.ли пулемёт. Кема ангарида битта CH-53E «Си Стэльен» ёки иккита CH-46E «Си Найт» вертолётлари, ёхуд битта MV-22 «Оспри» самолёти жойлашиши мумкин. Кема экипажи 360 киши (шу жумладан 28 офицер)дан иборат. Десант олиш – 800 киши, иккита десант катери ва 14 та сузувчи пиёдалар жанговар машинаси (БМП). 2014 йилгача мазкур кемадан 12 тасини қуриш режалаштирилмоқда. Улар ҳозирда жанговар таркибда бўлган «Остин» русумидаги десант-вертолёт кема-докларини алмаштиради.

ЖАҲОНГА МАШҲУР ЧАПАҚАЙЛАР

Кўпчилик одамлар чапақайликни айб деб ҳисоблайдилар. Баъзан мактабда ҳам ўқитувчилар, оилада эса ота-оналар фарзандларини:

– Ўнг қўлингда қошиқни ушла, ўнг қўлингда ёз, – деб танбеҳ берадилар. Лекин чапақайлик одамнинг ўзига боғлиқмикан?

Жаҳонга машҳур олим, невропатолог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, Наби Мажидов чапақайларни ўрганиб, ўнг қўл ҳаракати бош миянинг чап ярим шари билан, чап қўл ҳаракати эса, ўнг ярим шар билан узвий боғлиқ эканлигини исботлаган. Қизиғи шуки, чапақайларнинг фақат ўн беш фоизидагина нутқни миянинг ўнг ярим шари, ўн беш фоиз чапақайларнинг нутқ марказларини эса ҳар икки ярим шар бошқарар экан.

Жаҳон неврожарроҳ олимларининг илмий асосда кузатишларига қараганда, бош миянинг чап ярим мантиққа, ўнг ярим шари эса ҳисҳаяжонга,яхши-ёмон кашфиётга «жавобгар» экан. Қизиғи шундаки, ўнг қўлда иш қиладиганларга қараганда чапақайларда касалликлар, негадир, оғирроқ кечар экан.

Дунёнинг ҳамма мамлакатларида чапақайлар бор. Жаҳоннинг машҳур кишилари чапақай бўлиб, дунё халқларига танилганлар. Чунончи, ярим дунёни забт этган Искандар Зулқарнайн, доимо зафарга эришган Наполеон Бонапарт, оқ мармарга жон киритиб, аёл жасорати ва гўзаллигини яратган, жаҳон санъат шинавандаларини ҳалигача лол қолдириб келаётган Леонардо да Винчи, Микеланжело Буарнаротти нафосат оламида гўзаллик тимсолини яратган чапақайлар бўлса, мусиқа оламининг ёрқин юлдузи бўлиб қолган Роберт Шуман, шартли рефлекс ижодкори Иван Павлов, нафақат Шарқ, балки жаҳон мумтоз адабиётида масалчилик отаси деб эъироф этиладиган Гулханий, эрк, озодлик, қадриятларимиз учун курашган фидойи адиб ва шоирлар Абдулҳамид Мажидий, Усмон Носир, замондошларимиздан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий ҳам чапдаст чапақайлардан бўлишган.

Дарвоқе, машҳур давлат арбоби Юлий Цезар, Буюк Карл ва исёнкор Жанна Д'Арклар ҳам чапақай бўлишган. Шунақа, чапақайларда мия фаолияти ўнақайларга қараганда жуда яхши ишлар экан. Балки шу боис машҳур кишиларнинг кўпчилигини чапақайлар ташкил этаётгандир.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

Сирли олам

РАҚАМЛАР ГАПИРГАНДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Етти рақамига эътибор қачон ва қай тарзда юзага келган бўлиши мумкин? Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, қадимги хоразмликлар юлдуз буржларини араблардан кўра яхшироқ билганлар. Балки шу боисдандир, улар тақвим яратиш учун ойни асос қилиб олганлар. Маълумки, ой фазалари 28 кун давом этади. Бунда тунги ёритқичимиз тўртта босқични босиб ўтади, янги ой, биринчи чорак, тўлин ой, охирги чорак фазалари бир-бири билан ҳар етти кунда алмашиниб туради. Етти рақамининг муқаддас бўлиб қолишидаги асосий сабаблардан бири эҳтимол шу эмасмикин?

Қадимги Рим астрономлари осмон ёритқичларига қараб иш кўрганлар. Улар сайёраларни Рим худолари – Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатурн номи билан атаб муқаддаслаштиришган. Месопотамияда яшаган халдейлар бу қаторга Қуёш ва Ойни ҳам қўшиб сайёралар сонини еттитага етказишган. Шу тариқа етти рақамини муқаддас деб эълон қилишган.

Қоракўл туманининг Жиғачи қишлоғида яшовчи 70 яшар Хайрулло бобо Файзулло ўғлининг қуйидаги маълумоти ҳам қизиқарли: «Етти кун аҳман-даҳман, етти кун айёми азиз, бир кун наврўз, ҳаммаси ўн беш кун бўлади. Кейин янги йил киради. Аҳман-даҳман – етти қишнинг бириман дермиш». Ўрта Осиё халқлари чиндан ҳам қишни еттига бўлишган: катта чилла, кичик чилла, қақрайла, сариқсумалак, ҳут-ют, аҳман-даҳман айёми азиз (аямажуз).

Қадим замонларданоқ одамлар етти сонини хайрли рақам деб билишган. Наврўз байрамида деҳқонлар ерга етти дона буғдой экиб, уларнинг униб чиқишига қараб, кузда олинадиган ҳосил чўғини чамалашган: агар донлар бир текис, бехато униб чиқса, бу баракали куздан нишона, якқам-дуккам кўкарган майса эса камҳосил куз белгиси деб ҳисобланган. Халқимизда наврўз кунлари ёмғирдан сўнг пайдо бўладиган камалакка қараб сув сепиш одати айрим жойларда ҳанузгача сақланиб қолган. Шундай қилинса, етти хил рангли камалак омад кетираркан. Манбаларда кўрсатилишича, Шарқий Туркистонда ой тақвими бўйича етти ойнинг биринчи-еттинчи кунларида махсус рақс ижро этилган ва одамлар бир-бирларининг устларига, йўлларга сув сепишган. Фикримизча, бу маросим орқали одамлар табиатдан сув, қулай об-ҳаво тилашган бўлса керак.

Халқимиз удумига биноан, етти пуштини билиш – савоб. Бу шунчаки диний мулоҳаза эмас, балки аждодларга эҳтиром, ота-боболар хотирасига таъзимнинг бир кўринишидир. Етти бобони билган эр, етти юртнинг ғамини ер, дейди донолар. Бахшиларни ҳам етти пушти шоир ўтган деб таърифлайдилар. Ҳатто авлод ҳам еттита: фарзанд, невара, эвара, чевара, кавара, овора, бегона.

Етти рақамининг халқ орасида бунчалик анъанавийлашиб қолишида фольклорнинг ўрни, айниқса, катта бўлган. Масалан, «Гўрўғли» туркум достонларда етти рақами билан боғлиқ далилларни кўплаб учратиш мумкин: Гўрўғли етти ёшида така-ёвмит элига келади. Самандар дев етти ёшида душман лашкарларини ер тишлатади, Бозиргондан етти йиллик бож талаб қилинади ва ҳоказо.

Халқимизда «Етти оғайни ботирлар» ҳақида турли хил ривоятлар учраса, Япониянинг Тарама оролида «Етти оғайни қароқчилар» эртаги жуда машҳур.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар ўтиши билан халқдаги анъана ва урф-одатларнинг баъзилари йўқолиб, бошқалари ўзгариб, янгиланиб боравераради. Халқ ҳаётига, руҳига сингиб кетган удумлар авлоддан авлодга ўтиб бизнинг кунларгача етиб келганки, «сеҳрли» етти рақами ҳам ана шу хил урф- одатларнинг оддий бир кўриниши, холос.

Аҳрор ОЧИЛОВ тайёрлади.

(Давоми бор).



СОВМЕСТИМЫ ЛИ ХАРАКТЕРЫ?

Ответьте на вопросы и предложите своей жене (мужу) сделать то же самое. Если вы согласны с высказыванием, начислите себе по 2 балла, если нет – 0.

ТЕСТ

1. Для меня легче спросить дорогу у прохожего, чем искать ее на схеме.
2. Я люблю выбирать и покупать цветы.
3. Меня раздражает неряшливый почерк или плохо сделанная работа.
4. По-моему, лучше действовать, чем размышлять.
5. Думаю, близкому человеку можно рассказать обо всем.
6. Лучше смена горестей и радостей, чем однообразная жизнь.
7. Мне нравится подшучивать над тем, кто кажется не очень умным.
8. Чистая совесть важнее, чем материальная выгода.
9. Для меня важно, что обо мне думают близкие, а мнение остальных не имеет такого значения.
10. Мне нравится обсуждать прочитанную книгу или фильм.

Просуммируйте отдельно баллы, набранные вами по четным и нечетным высказываниям. Сопоставьте свою полученную сумму по четным номерам с аналогичной суммой своей жене (мужа). Вычтите из большего значения меньшее. То же самое проделайте с нечетными номерами.

Если разность между вашими четными и нечетными суммами не превышает 4, вы – гармоничная пара и схожи характерами.

Если разность между четными превышает 4, а между нечетными колеблется от 6 до 10, вы – гармоничная пара, но между вами неизбежны выяснения отношений из-за разности характеров.

Если разность между вашими четными и нечетными суммами от 6 до 10, вам необходимо длительное время и большое желание, чтобы достичь гармонии.

Если разность между четными суммами от 6 до 10, а между нечетными не превышает 4, вас спасет ваше умение находить компромисс и быстро приходить к согласию.

СКАНВОРД



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

29 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ-анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.05 «Олам ва одам» дастури: «Ҳаёт учун кураш».
«Болалар сайёраси»:
9.30 «Қизил гул». Мультфильм.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Оналар мактаби».
10.35 «Одами эрсанг»
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Дил таронаси».
11.25 У. Умарбеков. «Фотима ва Зуҳра». Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.40 ТВ-анонс.
12.45 «Фотима ва Зуҳра». Спектакль. 2-қисм.
13.40 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Самовий археология».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Рангин дунё».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
17.40 «Инсон ва саломатлик».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Муқаддас қадамжолар».
18.30 «Ошин». Телесериал.
19.00 «Аъло уйинчи». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Ҳиндистон).
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 Тафаккур нури.
18.05 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Мурувват».
18.15 Хазина.
18.30 Дилрабо.
18.45 UzEX.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 UzEX.
20.15 Наво-SMS.
20.35 Давр мавзуси.
20.50 Тасвир ва таассурот.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Янги наволар.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 «Футбол тарихи».
Ҳужжатли фильм.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 Жаҳон киноси дурдонаси: «Капитан».
00.30 Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Болалар спорти».
8.50 Мультфильм.
9.05 «Малахов +».
10.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
10.30 «Детективлар».
11.00 «Мониторинг».
11.20 «Жиянлар». Бадиий фильм.
12.30 Бобслей. Жаҳон чемпионати. Эркаклар.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Ким нимага қодир?»
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Футбол шарҳи.
19.10 «Мени кутгил».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.35 ПрофРИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Спорт кинозали: «Тезлика ташналик». Бадиий фильм.
23.30 Футбол. МДХ кубоги.
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.55 1. «Уйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Бахтли болалик».
10.05 «Ватан туйғуси».
10.25 «Замона ёшлари».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 ТВ-анонс.
12.15 «Бу менинг Ватаним!»
12.40 «Қишлоқ ҳаёти».
13.00 ТВ-анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Заковат».
15.20 «Муқаддас қадамжолар». Шоҳизинда.
16.00 Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева қуйлайди.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Эски албом.
17.20 «Фарз ва қарз».
17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Одамлардан бири».
18.30 ТВ-анонс.
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Миллат келажагини ўйлаб».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 «Янги тонг».
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Ватаним!
8.40 Journal.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Биз табиатни севамиз!
9.30 Эврика.
9.45 Нафосат олами.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси».
11.00 Ватанпарвар.
12.00 «Муҳаббат дардлари».
12.35 Тараққиёт сари.
12.55 Иқлим.
13.00 Давр.
13.15 Ҳаёт қадри.
13.30 «Навоий». Видеофильм.
14.30 «Янги кун».
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Жаҳон операси дурдоналари: «Эрнани» ва «Вертер».
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.20 Ушалган орзулар.
16.45 Миллий кино: «Тоҳир ва Зуҳра».
18.15 Истиқбол тимсоллари.
18.30 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.15 Наво-SMS.
20.35 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Матонат».
20.50 Ватаним!
21.00 Юртим ҳуррияти бўлсин бардавом!
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Янги наволар.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами».
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Аёл қалби».
10.25 «Саломат бўлинг».
10.35 «Интервью».
10.50 «Капитан».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Йиртқич айиқ».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 Cinema Bolliwod.
22.50 «Тўртта такси ҳайдовчиси ва ит».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультсериал.
9.05 «Малахов +».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективлар».
10.50 Теннис. Австралия очиқ чемпионати.
12.20 Фигурали учиш. Европа чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
19.40 «Спорт — менинг ҳаётим».
20.00 «Вести».
20.20 «Менинг севгилимсан». Сериал.
21.10 «Баҳодирлар ўйини».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Горио ота». Бадиий фильм.
23.30 Еврофутбол. Англия кубоги. «Арсенал» — «Болтон».
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

31 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Винни Пухнинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.20 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Олтин бешик».
12.25 Навоий ривоятлари. «Навоий билан ўтинчи чол».
12.45 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Патагония — жануб ери».
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «50х50». Ток-шоу.
16.10 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Оҳанглар оғушида».
17.50 «Автоҳамрох».
18.10 «Яхшилар ёди».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Омад зарлари». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Гутуртта кетиб». Бадиий фильм.
00.30 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 «Янги тонг».
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Давр мавзуси.
8.50 Мурувват.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Биз табиатни севамиз!
9.30 Шум болалар.
9.40 Болалар табассуми.
9.45 Юртим ҳуррияти бўлсин бардавом!
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси».
11.00 А. Қаҳҳор. Ҳажвий ҳикоялар.
12.00 «Муҳаббат дардлари».
12.40 «Айланай».
12.55 Иқлим.
13.00 Давр.
13.15 Ҳаёт қадри.
13.30 «Навоий». Видеофильм.
14.25 Ватаним!
14.30 «Янги кун».
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Жаҳон операси дурдоналари: «Марварид изловчилар» ва «Кармен».
16.00 Давр.
16.20 Таъсир ва таассурот.
16.40 Телетеатр. «Чимилдиқ».
18.30 Дилрабо.
18.45 Каталог.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар».
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.30 Автопатруль.
20.50 Бу шундай бўлган эди.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Янги наволар.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами».
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Ҳимоя».
9.55 «Репортаж».
10.30 «Тўртта такси ҳайдовчиси ва ит».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Йиртқич айиқ».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Фаровонлик бекати».
22.50 «Клеопатра режаси».
00.30 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультсериал.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективлар».
10.50 Теннис. Австралия очиқ чемпионати.
12.20 «Тенгдош».
12.40 «Кучли бешлик».
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 Улоқ кўпкари.
19.10 «Олам бўйлаб».
20.00 «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Менинг севгилимсан». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Мен роботман».
23.30 Еврофутбол. Италия чемпионати.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
2. «Винни Пухнинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.30 «Автоҳамрох».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Танбур».
12.30 Навоий ривоятлари. «Ҳиммат».
12.45 «Бир асар тарихи».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Патагония — жануб ери».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 А. Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан.
16.00 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Имконият».
17.35 «Шифокор қабулида».
18.00 «Сиёсат оламида».
18.20 «Сени севаман ҳаёт». 1-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23, 5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 «Янги тонг».
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.30 Ватаним!
8.35 Ушалган орзулар.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Биз табиатни севамиз!
9.30 Полапон.
9.45 Болалар табассуми.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Ҳинд киноси: «Ишонч». 1-қисм.
12.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
12.35 Автопатруль.
12.55 Иқлим.
13.00 Давр.
13.15 Ҳаёт қадри.
13.30 «Навоий». Видеофильм.
14.30 «Янги кун».
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Жаҳон операси дурдоналари: «Норма» ва «Трубадур».
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.20 Ватанпарвар.
17.20 Чемпион сирлари.
17.40 Болалар табассуми.
17.50 Нафосат олами.
18.00 ДаврА.
18.30 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 Наво-SMS.
20.35 Рўзғор мактаби.
20.55 Радиодан кўрсатамиз.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Янги наволар.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами».
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Анонс».
9.45 «Муқаддас қадамжолар».
9.55 «Фаровонлик бекати».
10.35 «Интервью».
10.50 «Клеопатра режаси».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Дунёнинг энг гаройиб жонзодлари».
22.50 «Элизабеттоун».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультсериал.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективлар».
10.50 Шинкиокушинкай каратэ. Мавсум режалари.
11.10 «Кучли бешлик».
12.00 Фигурали учиш. Европа чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 АВТОграф.
19.10 «Табиатшунос саёҳати».
19.40 «Шарқ яккакуранлари».
20.00 «Вести».
20.20 «Менинг севгилимсан». Сериал.
21.05 Футбол мундиал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Беллашув».
Дам олиш дастури.
22.40 «Рим империясининг қулаши». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.40 Еврофутбол. Испания чемпионати.
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

2 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Шахзода ва гадо». Мультфильм.
2. «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Диёр оҳанглари». Республика телевизион фестивали.
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Ҳажвия бисотидан».
12.15 Навоий ривоятлари. «Армон».
12.40 «Одамлардан бири».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Зилол».
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Патагония — жануб ери».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 «Меҳр кўзда».
17.00 «Ахборот».
17.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик» дастури.
17.35 «Заковат» фестивали.
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.20 «Сени севаман ҳаёт». 2-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Хонадон».
22.10 «Икки тақдир». Телесериал.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Олам ва одам» дастури: «23, 5 даража бурчак остида».
23.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 «Янги тонг».
8.00 «Қиш сонатаси». Сериал.
8.35 Ватаним!
8.40 Чемпион сирлари.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.25 Хазина.
9.40 Матонат.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Ҳинд киноси: «Ишонч». 2-қисм.
12.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
12.35 Бу шундай бўлган эди.
12.55 Иқлим.
13.00 Давр.
13.15 Ҳаёт қадри.
13.30 «Навоий». Видеофильм.
14.30 «Янги кун».
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Жаҳон операси дурдоналари: «Севги шароби» ва «Кармен».
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.20 ДаврА.
16.50 Интерфутбол.
18.20 Давр-репортаж.
18.30 Дилрабо.
18.45 Сифат белгиси.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.40 Дунё таомлари.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Янги наволар.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами».
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 Мультфильм.
10.15 «Иқтисод-ревю».
10.30 «Элизабеттоун».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Чексиз чангалзорлар». Илмий-оммабоп фильм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 «Узуклар ҳукмдори».
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультсериал.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.15 «Смак».
10.50 «Ҳайвонот».
11.25 «Билишни истайман».
12.00 «Хабарлар».
12.10 «Аралаш».
12.30 «Соғлом оила».
13.00 Хоккей. МХЛ юлдузлари учрашуви.
14.30 Бобслей. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
19.05 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Вести».
20.20 «Менинг севгилимсан». Сериал.
21.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дорихона эшитади».
22.35 Кинонинг олтин асри: «Рим империясининг қулаши». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

3 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Симсала Грим». Мультфильм.
9.50 ТВ-анонс.
9.55 «Ҳидоят сари».
10.15 «Шифокор қабулида».
10.35 «Маврид».
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Янги оҳанглар».
12.15 «Интеллектуал ринг».
13.00 ТВ анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
15.00 «Меҳр кўзда».
15.40 «Болалар сайёраси»:
1. «Уйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 ТВ-анонс.
16.45 «Одами эрсанг».
17.05 «Шахсий фикр».
17.40 «Минг бир маслаҳат».
18.00 ТВ-анонс.
18.05 «Саломатлик сирлари».
18.25 «Дам бу дамдир».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «КиноТеатр».
22.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.30 «Тати Даниэль». Бадиий фильм.
00.15 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 «Янги тонг».
8.00 «Қиш сонатаси». Сериал.
8.35 Истиқбол тимсоллари.
8.50 Нафосат олами.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Бола тилидан.
9.45 Давр-репортаж.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Радиодан кўрсатамиз.
11.15 Қилни қирқ ёриб.
12.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
12.35 Таъсир ва таассурот.
12.55 Иқлим.
13.00 Давр.
13.15 Ватаним!
13.20 Шарқ оҳанглари.
14.30 «Янги кун».
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Жаҳон операси дурдоналари: «Севилья сартароши» ва «Фауст».
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.20 «Гарфилд». Мультфильм.
18.00 Дунё таомлари.
18.30 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.45 Миллий кино: «Алишер Навоий».
21.25 Эрта сўнган юлдузлар.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 «Ҳаёт пульти».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами».
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Дилкаш наволар».
10.10 «Маърифат фидойилари».
10.25 «Саломат бўлинг».
10.35 «Антиқа томоша».
11.05 Болалар учун фильм.
13.05 «Репортаж».
13.15 «Узуклар ҳукмдори».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «ИИВ хабарлари».
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Камин олдида суҳбат».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.50 «Узуклар ҳукмдори».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Сувости сайёраси». Ҳужжатли сериал.
8.40 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бардам бўлинг».
10.00 Мультфильм.
10.15 «Смак».
10.50 «Ҳайвонот».
11.25 «Билишни истайман».
12.00 «Хабарлар».
12.10 «Аралаш».
12.30 «Соғлом оила».
13.00 Хоккей. МХЛ юлдузлари учрашуви.
14.30 Бобслей. Жаҳон чемпионати. Жамоалар.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.10 «Сергей Дроботенконинг бенефиси».
20.00 «Вести».
20.20 «Иқтидор». Интеллектуал шоу дастури.
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Кулгули кино: «Уддабурон йигитлар». Бадиий фильм.
23.05 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Ливерпуль» — «Эвертон».
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

4 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Алёша паҳлавон ва Тугарин илонбош». Мультфильм.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Оила ришталари». Телесериал.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Ҳамон ёлимда». 1-қисм.
11.20 ТВ-анонс.
11.25 «Ҳамон ёлимда». 2-қисм.
11.45 «Семурғ». Бадиий фильм.
12.55 «Янги оҳанглар».
Н. Саидова.
13.20 «CINEMA.UZ».
13.45 «Жумбоқ». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
14.55 ТВ-анонс.
15.00 «Жумбоқ». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Ажойиб гилам». Мультфильм.
17.40 ТВ-анонс.
17.45 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50х50». Ток-шоу.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Заковат».
23.00 «Қора рицарь».
Бадиий фильм.
00.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастур очилиши.
7.00 «Севишганлар». Сериал.
8.30 Жаҳон киноси: «Қўнғироқсоч Сью».
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Санъат усталари. Ҳ. Наримонов.
12.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Рўзғор мактаби.
14.50 Ёшлик наволари.
15.00 Ринг қироллари.
15.50 Чемпион сирлари.
16.10 Жаҳон киноси: «Кариб денгизи қароқчилари».
18.30 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 «Дилроз». Отабек Муҳаммадзоҳид.
20.00 KINOMANIYA.
20.30 «Қувноқ оёқчалар». Мультфильм премьераси.
22.20 Эълонлар.
22.30 Жаҳон киноси: «Илдам қадам».
00.15 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами».
9.20, 12.40 «Телекурьер-маркет».
9.45 «ИИВ хабарлари».
10.00 «Шум бола».
11.30 «Интервью».
11.55 «Истеъдод».
13.00 «Дорихона эшитади».
13.45 Мультфильм.
15.10 «Камин олдида суҳбат».
15.40 «Узуклар ҳукмдори».
17.00 «Жозиба».
17.20 «Телекурьер-маркет».
17.40 «Анонс».
17.45 «Саргузаштлар ороли».
18.10 «Емғир одами».
20.10 «Нима учун».
20.50 «Дилкаш наволар».
Н.Абдуллаева.
21.20 «Авиасоз».
24.00 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

Биатлон. Эркаклар

ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ – ШАРАФЛИ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ойлик доирасида ҳарбий қисм ва билим юртлари ҳамда ҳарбий округларнинг сержантлар тайёрлаш мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим даргоҳларида Президентимиз Ислом Каримовнинг ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳарбийлик касбининг ўрни ва аҳамиятини оширишга бағишланган асарлари, жумладан, «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи асосида суҳбатлар ўтказилди.

Ташкилотимизнинг Жиззах вилояти кенгаши, маҳалла фаоллари, ота-оналар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирокида Фориш туманида бўлиб ўтган учрашувда ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўлажак эл-юрт посбонларини ҳарбий хизматга тайёрлашга оид масалалар хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида ўтказилган тадбирда эса Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси вакили полковник Р.Арамов ва бошқалар Қуролли Кучларимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида тўхталди.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлажак офицерлар билан “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув муассасаларида таҳсил олаётган курсантлар ўртасида спортнинг ўқ отиш, югуриш, тош кўтариш каби турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

Талаба ва ўқувчилар, курсант ва аскарлар пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий, Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи давлат музейлари ҳамда «Шонли Ватан тарихи» музейига бориб, миллий давлатчилигимиз, армиямиз тарихига доир экспонатлар билан танишдилар. Шунингдек, Қуролли Кучлар қўмондонлиги вакиллари, фахрийлар, таниқли олимлар, машҳур жамоат ва маданият арбоблари, ижодий жамоалар иштирокида “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон”, “Ҳушёрлик ва сергаклик – замон талаби”, “Тинчлик ва осойишталик учун курашиш керак” мавзуларида кечалар, жасорат дарслари уюштирилди.

Ташкилотимизнинг Мудофаа вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатгани ойлик доирасидаги тадбирларнинг янада қизиқарли ва мазмунли ўтишини таъминлади. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ўтган йиғилишда “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларининг 2006 йилги натижалари таҳлил этилиб, 2007 йилги мусобақаларни ташкил этиш бўйича қўшма Қарор қабул қилинди.

“Ватанпарвар” ташкилоти мутасаддилари ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда миллий армиямиз сафига ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашнинг таркибий қисми бўлган спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Олмалиқ автомобиль мактабида усталар, йўриқчи ва мураббийлар малакасини ошириш ўқув марказлари ташкил этилгани “Ватанпарвар” ўқув муассасаларида таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Шу кунгача уларда минг нафарга яқин ходим тажриба орттирди.

РЕСПУБЛИКА ТЕХНИК ВА АМАЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИ МАРКАЗИ ҲАМДА ОЛМАЛИҚ АВТОМОБИЛЬ МАКТАБИДА УСТАЛАР, ЙЎРИҚЧИ ВА МУРАББИЙЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИ “ВАТАНПАРВАР” ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Ташкилотнинг Наманган, Самарқанд, Фарғона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ўқув муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун беш турдаги янги ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда мазкур тизим спорт клубларида тарбияланаётган ёшлар Осиё ва жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Мисол учун Хорватиянинг Дубровник шаҳрида спортнинг кемамодель тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Шавкат Исматиллаев, Алишер Мирзаев ҳамда Наил ва Марат Ҳакимзяновлар совринли ўринларни қўлга киритди. Ўтган йиллари самарқандлик Руслан Носиров ёзги биатлон бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони бўлди.

Курсантларнинг спортга фаол жалб этилаётгани уларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошираётган бўлса, кун тартибининг ҳарбий низом талабларига яқинлаштирилгани эса уларда ҳарбий хизматга оид дастлабки кўникмаларни шакллантиришда муҳим омил бўляпти.

Пойтахтимизда мерганлар ўртасида ўқ отиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаси жорий йилдаги спорт мавсумини бошлаб берди. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллик байрами арафасида эса мамлакатимизнинг 32 нафар етакчи спортчиси иштирокида “Супермотокросс” бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақаси ўтказилди. Унда йўналишлар бўйича юқори натижа кўрсатган навоийлик спортчилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

Оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойлиги якунланди. Аммо ташкилотимиз муассасаларида байрамона муҳитни яратишга қаратилган бундай тадбирлар «Ижтимоий ҳимоя йили»да изчил давом этади. Зеро, мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни муносиб ҳимоя қила оладиган мард, кучли ва эпчил юрт посбонларини тарбиялашдек шарафли вазифага муносиб ҳисса қўшиш «Ватанпарвар»нинг бош вазифасидир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.





Суратлар таҳририят фотоархивидан олинди.

МАЪНАВИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак».

Ҳа, айни дамда халқимиз эътиқод қиладиган ислом дини доимо жамият эътиборида. Бу борада мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларини адо этишлари учун ҳам кенг шароит яратиб берилган. Муқаддас саналмиш Ҳаж сафари минглаб ватандошларимизга насиб этаётганига гувоҳмиз. Биз ушбу мавзуда маълумотлар олиш, мамлакатимизда ислом динини ривожлантиришга қаратилган хайрли амаллар хусусида суҳбатлашиш учун Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раисининг нашриёт, таълим ва фатво бўйича ўринбосари шайх Абдулазиз Мансур ҳузурида бўлдик.

– 1300 йилдан бери ҳар бир замон, ҳар бир асрга жавоб бериб келаётган, барча динларнинг якунловчи дини ҳисобланган ислом дини ўзининг мукаммаллиги билан ҳам улуғдир, – дея фикрларини баён қила бошлади шайх ҳазратлари. – У асрлар давомида ўз аҳком ва арконларини бирдек сақлаб келаяпти. Шўролар даврида ҳам қай даражада тазйиққа учрамасин, эзгу амалларга йўрилган хақ динлиги сабаб унга эътиқод қилувчилар камаймади. 1943 йили Тошкентда бешта республика учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасини очишга рухсат этилган бўлиб, Ўзбекистон бўйича 84 та масжид фаолият юритган. Шубҳасизки, буларнинг ҳар бир ҳаракати қатъий назорат остида турган. Ҳаж сафарларига эса Иттифоқ бўйича кўпи билан 15-20 кишигагина рухсат этилган. Беадад шукрки, ҳурлигимиз динимизга бўлган қадр ва эътиборни тиклади. Ҳозирда юртимизда икки минглаб жомий масжидлари мусулмонлар ихтиёрида. Республикамизда нафақат ислом дини, балки барча диний уюшма ва жамоаларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди. Мусулмонларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ислом дунёсининг муқаддас ёдгорликлари, тарихий обидалари диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказдирилди. Дин арбоблари ва руҳонийлар учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Шунингдек, диний ташкилотлар ўз даврий нашрлари ва кўрсатувларига эга бўлдилар. Ҳозирда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасида «Мовароуннаҳр» нашриёти фаолият юритади. «Ислом нури» ҳафталик газетаси ва «Ҳидоят» журнали чоп этилмоқда. Ойнаи жаҳонга узатилаётган «Ҳидоят сари» ва «Зиё» кўрсатувларидан халқимиз баҳраманд бўлишаяпти. Энг қувонарлиси, истибдод даврида мусулмон аҳли учун армон бўлган муқаддас Ҳаж сафари ҳозирда минглаб ватандошларимизга насиб этаяпти. Мустақиллигимизнинг илк йилиданоқ 500 та юртдошимиз бу улуғ ибодатни адо этишган бўлса, бу йил беш минг нафар фуқароларимизга ҳожилик унвони насиб этди.

Шу ўринда Мовароуннаҳрда етишиб чиққан, ислом динининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, исломий илмлар хазинасини бойитган улуғ алломаларимиз меросини халққа етказишда, динимизнинг инсоният тамаддуни тарихидаги аҳамиятини оммага тушунтиришда Эшон Бобохон Абдумажидхон ўғли, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, Алихон тўра Соғуний, шайх Исмоил Маҳдум, шайх Абдуғани Абдулло, Юсуфхон Шокиров, шайх Муҳаммад Содиқ, муфти Усмонхон Темурхон ўғли каби бир қатор ислом дини фидойиларининг номларини келтириб ўтишни истардим.

Мана, яқинда Ислом конференцияси ташкилотининг тузилмаларидан бири бўлган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Бу Ўзбекистон, хусусан, унинг пойтахти ислом цивилизацияси тарихида юксак мақомга, ўринга эга эканлигидан яна бир далолатдир. Ушбу оламшумул воқеа республикамизда ва хорижда катта қизиқиш уйғотди. Шубҳасизки, бу эътироф барчамиз учун шарафли. Шу муносабат билан мамлакатимизда йил бўйи давом этадиган илмий-амалий, маданий, маънавий ва маърифий тадбирлар бошланди. Умуман олганда, бизнинг юртимиз асрлар давомида ислом маданияти ривожида муҳим ўрин тутган ва шундай бўлиб қолади.

БИЗНИНГ ЮРТИМИЗ АСРЛАР ДАВОМИДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТГАН ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

Ҳа, шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари таъкидлаганларидек, миллатимиз ўзининг бетакрор маданияти, улуғвор маънавияти, эзгуликка йўғрилган дини билан юз йилдан зиёд давом этган истибдод даврида ҳам ўзлигини унутган эмас. Бу ҳақиқат ҳар қадамда исботини топмоқда ва ҳар қадамда эътироф топаверади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



МИР И МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ – НАШЕ ГЛАВНОЕ БОГАТСТВО

(Продолжение. Начало на 1-й стр.).

Сложившееся в нашей стране национально-культурное, религиозное, языковое разнообразие имеет поистине общечеловеческую ценность. Гарантии широкого и свободного участия представителей всех наций и народностей во всех сферах жизни страны закреплены в Конституции. В ней отмечено, что народ Узбекистана составляют граждане Республики Узбекистан независимо от их национальности.

Все они имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения.

Государство гарантирует неукоснительное соблюдение конституционных прав граждан в повседневной жизни. Так, ярким примером реализации права на развитие национальной культуры является то, что в образовательных учреждениях республики обучение ведется на 7 языках, теле- и радиопередачи транслируются на 10 языках. По первому каналу УзТВ еженедельно выходит в эфир популярная передача «Ягона оилада» («В семье единой»), рассказывающая о жизни различных диаспор страны и деятельности их общественных объединений – культурных центров.

Созданный в 1992 году по инициативе Президента Ислама Каримова Республиканский интернациональный культурный центр способствует расширению деятельности национальных центров, оказывая им всестороннюю практическую и методическую помощь в сохранении и развитии присущих каждой нации культуры, самобытных обычаев и традиций, языка. Кроме того, РИКЦ ведет многоплановую работу по стимулированию и поощрению общественных инициатив, направленных на утверждение в нашем обществе принципов толерантности, развитие межнациональных отношений в духе любви к Родине, взаимопонимания и согласия.

К показателям эффективности работы РИКЦ можно отнести тот факт, что со времени его создания в несколько раз увеличилось количество действующих в республике национальных культурных центров, сегодня их число приближается к 150. Главное, однако, что их работа улучшилась качественно, они стали по-настоящему авторитетными общественными организациями. Сегодня национальные культурные центры участвуют не только в проведении культурно-просветительских акций, но и в решении многих образовательных, духовных, социальных задач. За свой благородный труд на благо Родины руководители ряда центров были удостоены высоких государственных наград.

На счету культурных центров – немало масштабных акций, организованных в целях укрепления межнационального согласия, мира и стабильности в стране. Росту их авторитета в нашем обществе способствовало проведение в 2003 и 2005 годах республиканских фестивалей «Узбекистан – наш общий дом», а в 2006 году – фестивалей «Наша сила в единстве и сплоченности», «Родина – единственная, Родина – одна», посвященных 15-летию независимости Узбекистана. Они прошли более чем в 70 городах и населенных пунктах страны и стали праздниками единства и дружбы многонационального народа Узбекистана, ярко продемонстрировали патриотизм и ответственность за судьбу Родины, свойственные представителям всех национальных диаспор республики. В то же время эти фестивали наглядно доказали, какое внимание уделяется в нашей стране возрождению и развитию национальных культур, фольклора, обычаев и традиций, привлечению к участию в подобном творчестве молодежи и детей.

Форм деятельности в арсенале каждого центра много. Примечательно, что они тесно сотрудничают друг с другом, делятся опытом, организуют совместные мероприятия – тематические конференции, концерты, выставки, конкурсы.

Эффективно участвуют центры и в реализации государственных программ. Благотворительность всегда была важным аспектом их деятельности, и она особенно активизировалась в прошлом году в рамках выполнения программы «Год благотворительства и медицинских работников». Традиционно многие акции были приурочены к таким общенародным праздникам, как Навруз, День Памяти и почестей, День независимости. Но надо отметить также, что малообеспеченные семьи, пожилые люди, воспитанники домов милосердия, дети-инвалиды и другие категории населения, нуждающиеся в поддержке, постоянно находятся в сфере заботы национальных культурных центров.

Так, республиканский Русский культурный центр проводит большую благотворительную работу по оздоровлению ветеранов войны и труда, ежемесячно обеспечивая их путевками в санатории, организует праздники для детей-сирот. Уже традиционной для этого центра стала и декада добрых дел. Кроме того, Русский и Польский центры шефствуют над ташкентским Домом милосердия № 21, Украинский – постоянно помогает Дому милосердия № 31. Их воспитанники получают подарки, для них проводят концерты, другие интересные мероприятия. Например, к Международному дню защиты детей РИКЦ и культурные центры разных диаспор организовали праздник в Национальном парке Узбекистана, для детей бесплатно работали все аттракционы.

Ассоциации корейских и азербайджанских культурных центров постоянно проводят благотворительные акции, перед каждым праздником выделяют подарки малообеспеченным семьям. Армянский культурный центр передал Республиканскому пансионату ветеранов войны и труда товары народного потребления, обеспечил ташкентскую городскую больницу № 1 строительными материалами для ремонта. Совместно с медико-социальными станциями Общества Красного Полумесяца Узбекистана активисты Немецкого культурного центра ухаживают за одинокими больными, участвуют в мероприятиях по профилактике наркомании и СПИДа. Подобную благотворительную помощь оказывают также Турецкий, Туркменский, другие национальные культурные центры нашей республики. Эту работу все они продолжат и в 2007 году, объявленном в нашей стране Годом социальной защиты.

Время доказало, что деятельность национальных культурных центров способствует дальнейшей гармонизации межнациональных отношений в нашей стране, укреплению дружбы и взаимопонимания между представителями разных диаспор, воспитанию в этом духе молодежи. С этой целью они намерены расширять сотрудничество с государственными, а также другими общественными организациями, в том числе с молодежными, женскими объединениями, органами самоуправления граждан. Все это необходимо для того, чтобы еще активнее участвовать в реализации политики межнационального согласия в процессе формирования в Узбекистане гражданского общества. Ведь, как отмечал Президент Ислам Каримов, развитие каждой страны, ее авторитет на международной арене в огромной степени зависят от того, насколько прочны в ней мир, стабильность, межнациональное и гражданское согласие.

Анна ИВАНОВА, корр.УзА.



Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида минтақавий кенгашлар раислари ҳамда Марказий кенгаш бошқарув ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбир ташкилотнинг бир гуруҳ фаол, жамоатчи ва фидойи ходимларига давлат мукофотлари топширилиши билан бошланди. Жумладан, Нукус автомобиль мактабининг амалий машқ устаси Б.Қутлимуратовга Юртбошимизнинг 2007 йил 12 январдаги Фармонига асосан «Шуҳрат» медали, ташкилот Марказий кенгаш раисининг ўринбосари Қ.Мамедов, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори Ш.Мўминжонов, Қашқадарё вилоят кенгаши раиси З.Раҳматов, Тошкент вилоят кенгаши раисининг ўринбосари В.Азамов ҳамда Андижон бирлашган техника мактаби бошлиғи Т.Жалоловларга «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг кун тартибида турган асосий масалаларга ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 ноябрдаги «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 15 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини ташкилот миқёсида таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, режада кўрсатилган тадбирларни йил давомида ўтказиш борасида тегишли кўрсатма ва йўриқлар берилди. Ташкилот тизимида ташкил этилган танловларнинг Республика босқичини ўтказиш ташкилий қўмитаси томонидан минтақавий босқичлар натижаси атрофлича таҳлил этилиб, барча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Айрим номинацияларни аниқлашда ташкилотларнинг йиллик кўрсаткичлари инобатга олиниши зарурлиги муносабати билан ғолибларни тақдирлаш тантаналарини ташкилот Марказий кенгаши Раёсатининг 2006 йил натижалари таҳлилига бағишланган йиғилиш доирасида амалга оширишга келишиб олинди.

Тадбир давомида ташкилотнинг 2006 йилги фаолият натижалари таҳлил этилиб, ҳисобот йилида Наманган, Самарқанд, Фарғона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ўқув муассасаларида Қуролли Кучлар учун 5 та янги йўналишда ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги, ўқув дастурига қўшимча «Информатика асослари» фани киритилгани, Қуролли Кучларга ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашнинг таркибий қисми бўлган спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида тизимда 13312 нафар иккинчи ва учинчи оммавий разрядли спортчилар, 219 нафар биринчи разрядли, 52 нафар спорт усталигига номзодлар, 9 нафар спорт устаси ва 3 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, жами 13597 нафар спортчилар тайёрланиб, спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланувчилар умумий сони 77118 нафарга етгани, мамлакат терма жамоаси сафидаги спортчилар халқаро мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатишга муваффақ бўлгани 2006 йилдаги муваффақиятлар сифатида қайд этилди.

Шунингдек, Хорватиянинг Дубровник шаҳрида ўтказилган кемамодель бўйича Жаҳон чемпионатида совринли ўринларни қўлга киритган Ш.Исматиллаев, А.Мирзаев, Н.Ҳакимзянов ва М.Ҳакимзяновлар Юртбошимизнинг 2006 йил 24 ноябрдаги Фармойишларига асосан валюта ҳисобида пул мукофоти билан тақдирлангани, миллий терма жамоалар таркиби географик жиҳатдан кенгайишига эришилгани, сўнгги йилларда Тошкент шаҳри ва вилояти спортчилари қатори Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Жиззах ва Сирдарё вилояти спортчилари Халқаро мусобақаларда юрт шарафини ҳимоя қилишаётгани мамлакатимизда Президентимизнинг раҳнамоликлари билан баркамол авлодни вояга етказишнинг бош омили сифатида спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида қаратилган эътиборнинг самараси дея эътироф этилди.

Йиғилишда ютуқлар билан бир қаторда айрим ташкилотларнинг камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди ва 2007 йилда камчиликларни бартараф этиш ҳамда ички имкониятлар ҳисобидан умумий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.

Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш – ҳаётимиз хавфсизлиги асосидир

050 ЗИЛЗИЛА ҲОДИСАЛАРИ ВА УНДА АҲОЛИНИНГ ҲАРАКАТИ

Илм-фан, техника ва тараққиёт тезкор ривожланаётган бугунги даврда жамиятнинг ҳар бир аъзоси олдида замон билан ҳамнафас қадам ташлаш, бунинг учун ўз билим, тажриба ва малакасини ошириб бориш вазифаси устувор аҳамият касб этади. Яъни у мавжуд ўзгаришлардан, янги билимлардан хабардор бўлсин. Ана шундай вазифалардан бири аҳолини турли фавқулодда ҳолатларда тўғри ҳаракат қилиш ва техноген тусдаги офатлардан талафотсиз чиқиш ва оқибатларини бартараф этишга ўргатишдир. Бугун ўта кескин фавқулодда ҳодисалардан ҳисобланган, вақт ҳам, жой ҳам танламайдиган табиий офат - зилзила ҳақида муштарийларга маълумот берамиз.

Энг аввало ҳар биримизда фавқулодда вазиятлар, умуман, табиий офатлар тўғрисида билим ва тушунчалар, бу вақтда тўғри ҳаракат қилиш тасаввури бўлиши керак. Бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, саросимага тушмаслик учун ер силкиниш ҳодисаси тўғрисида маълумотга эга бўлишнинг аҳамияти катта.

Ернинг силкиниш даври бир неча сониядан 2-3 дақиқагача бўлиши мумкин. Бу вақтда ақл билан иш кўриб, ҳотиржамликни сақлай билиш – бу вазиятдан талафотсиз чиқишга кўпроқ имконият яратади. Аввало, кўп қаватли биноларнинг ўзига яраша сейсмик белбоғлари, хавфсиз бурчаклари қаерда жойлашганлиги тўғрисидаги эслатмаларни ҳар бир хонадон соҳиби, масъулиятни ҳис қиладиган ҳар бир муассаса раҳбари билиши зарур.

Ер силкиниши бир неча сонияда тугаши мумкин, аммо одамларнинг ваҳималари ва қўрқишлари одатда давом этади. Бундай вазиятда энг муҳими ваҳима қилмай, ҳотиржамликни сақлаб иш кўришдир. Зудлик билан жабрланганлар, жароҳатланганларга ёрдам беришга ҳаракат қилиш муҳим. Руҳан «жароҳатланган» болалар, беморлар, кексаларга маънан ёрдам бериш керак. Ёнғин чиқиш хавфининг олдини олиш, агар ёнғин содир бўлса, уни ўчиришга ҳаракат қилиш ва дарҳол ўт ўчирувчиларга хабар бериш зарур. Телефон алоқаларини банд қилмасдан, фақат заруратда фойдаланиш тавсия этилади. Бошқа ёрдамга муҳтож инсонлар борлигини ҳам унутмаслик керак. Ҳар қандай норасмий гапларга ва хабарларга ишониш мумкин эмас. Ўзингиз ҳам ўйлаб топманг. Фақат расмий маълумотлардан фойдаланинг.

Зилзила куннинг исталган вақтида рўй беришини унутмаган ҳолда, хонанинг асосий девор бурчаги, эшик ромларининг ўрни, кроват, стол таги каби хавфсиз жойларини белгилаб қўйиш ҳамда болаларга бу вақтда нима қилиш кераклигини ўргатиш, ногиронлар ва қариялар нинг ҳам зилзила вақтидаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Уй жиҳозларини, мебелларни жойлаштирганда хонадан чиқиш эшигини беркитиб қўймаслигига эътибор қаратиш лозим. Тоғли ва тоғолди ҳудудларда яшайдиган аҳоли ер силкиниши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган кўчки, сув тошқини, сел келиши хавфи мавжудлигини унутмасликлари, олдиндан профилактика чора-тадбирларини кўришлари керак.

Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида ёки шахсий уйларда яшовчилар ер силкиниши бошлангандан 15-20 сония ичида дарҳол уйнинг ичидан ташқари ҳовлига чиқиб кетиши мумкин. Бинодан ташқарига чиққач, электр узатгич, газ қувурлари, баланд бинолар, кўприклардан узоқроқ жойга бориш талаб этилади. Кўп қаватли уйларда ёки иморатларнинг биринчи қаватидан юқорида яшовчилар зилзила вақтида лифт ёки зинапоялардан фойдаланиш маън этилишини унутмасинлар, чунки кўп ҳолларда зилзила пайтида бу қурилмаларнинг биринчи навбатда қулаш ҳоллари кузатилган. Бу вақтда тўғри ҳаракат – уйнинг эшигини очиб ташлаб, эшикнинг ўрнида туриш ёки хонанинг асосий девор бурчагида туришдир. Иморатнинг ойнабанд жойларидан, осма анжомлар ва реклама тахталаридан узоқроқда туришга ҳаракат қилиш керак. Ўқув муассасаларида ўқувчилар стол, парталарнинг тагига кириб олиб, бош қисмини ва юзини қўллари билан беркитиб олишлари мумкин. Зилзила пайтида бино ташқарисидагилар зилзила натижасида биноларнинг шикастланиши ва бузилиши эҳтимоли мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, улардан узоқроқ, очиқ жойга ўтишга ҳаракат қилиши лозим. Автоулов воситалари ҳайдовчилари зилзила вақтида кўп қаватли иморат, ёқилғи қуйиш шохобчалари, электр узатгичлари, тик қиялик, дарё ўзанининг ёни хавфли эканлигини ёдларида сақласин.

Маълумки, бинолар қурилиши аввало лойиҳадан бошланади. Сейсмик фаол ҳудудларда қурилишни зилзилага бардошли қилиб лойиҳалаштириш ва мавжуд эски, заиф бино, иншоотларни мустаҳкамлаш ишлари мунтазам олиб борилиши муҳим. Ҳудудлари сейсмик жиҳатдан юқори бўлган майдонларда қурилиш ишларини олиб бориш қатъиян маън этилади. Табиий офатга тайёргарлик ишлари мунтазам бўлиши керак. Шунингдек, қутқарув хизматларининг тайёргарлиги, аҳолига мунтазам таълим бериш ва машқ қилдириш тадбирлари доимий ва самарали бўлиши зарур.

Қолаверса, аҳолининг уй-жойдан фойдаланишда ўзбилармонлик билан, мутахассисларни жалб қилмаган ҳолда иш юритишига ҳам йўл қўймаслик керак. Баъзан бинолар аҳолига яшаш учун топширилгандан сўнг айримлар билганларича хоналарни ўзгартиришга ҳаракат қилишади, деворлар, бурчаклар олиб ташланади. Натижада, бино заиф бўлиб қолиб, зилзилабардошлиги камайиб кетишига сабабчи бўламиз.

Вайрон бўлган жойда қутқарувчилар, тиббиёт ходимлари, ўт ўчирувчилар ва бошқа тегишли соҳа вакиллари иш олиб боришади. Ёрдам бера олмайдиган одамларнинг у ерда бўлиши қутқарувчиларнинг ишларига халал беради. Вайронагарчиликлар остида қолганлар шароитни тўғри баҳолаб, ташқарида қутқариш учун юрган одамлар билан товуш ва тақиллатиш йўли билан алоқа қилиши, кучларини тежаши муҳимдир. Қутқарувчилар келишини доимо ёдда тутиш керак ва улар албатта ёрдамга келади.

Бизда ҳам қайси ҳудудларда ер силкинишлари мумкинлиги аниқланиб, сейсмик районлаштириш хариталарига туширилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоизи 7-9 баллгача зилзила содир бўлган сейсмик фаол ҳудудларда яшайди. Зилзилаларнинг қачон содир бўлишини олдиндан аниқ айтиб бериш ҳозирча дунё олимларининг олдида турган муаммодир. Зилзилаларни содир бўлиш эҳтимолини олдиндан айтиб беришнинг усуллари мавжуд. Бу масалалар билан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Сейсмология Институти шуғулланади. Халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси сейсмик олимлари фаол иштирок этадилар. Табиий офатлар билан шуғулланувчи Халқаро ташкилотлардан бири «ADRC» табиий офатларни олдини олиш Осиё маркази Япония давлатининг Кобе шаҳрида жойлашган. Бу марказга кўпгина мамлакатлар аъзодир. Марказнинг асосий вазифалари табиий офатлар содир бўлишининг олдини олиш усуллари, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш, табиий офатлар билан курашиш тизимини яратишда аъзо мамлакатларга техник ва моддий ёрдам кўрсатишдир. Ўзбекистон Республикаси ҳам «Табиий офатларнинг олдини олиш Осиё маркази»га аъзо.

Полковник Эргаш ИКРОМОВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи. Ҳусниҳон ТОЖИБОЕВА.

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

«ПРОРОКИ ЗАЗЕРКАЛЬЯ» – СЛУЧАЙНОСТЬ ИЛИ ЗАКОНОМЕРНОСТЬ?

(Продолжение.
Начало в предыдущих номерах).

Здесь мне не обойтись без упоминания еще одной параллели. Речь идет об Акраме Юлдашеве, главном идеологе созданного им же в 1992 году движения Акромия. Мне трудно исключить, что и он не испытывал зуд удовлетворения параноидальных амбиций, но он ориентировался не только на пример Пророка, но и на своего духовного идола Набхани. Напоминаю об этом оттого, что первые азы «теоретика-устроителя нового халифата» А.Юлдашев познал в качестве рядового члена регионального движения ХТ.

Незадолго до 1992 года, после полного разрыва с хизбами, он принял решение создать собственное религиозное движение, впоследствии именуемое Акромия. Первым, кто узнал о его «озарении», были члены его семьи. По словам А.Юлдашева (мат.следствия), происходило это «ранней осенью 1992 года».

Не берусь судить, были ли похожи те осенние дни на дни сентября 622 г.н.э, – просто предлагаю читателям самостоятельно провести арифметическое действие, сложив дату 1992 г. с тринадцатью годами. В итоге получается тот самый 2005 год, ознаменованный майскими событиями в городе Андижане, которые вдохновлял из ташкентской тюрьмы сам Акрам Юлдашев.

И пусть уже никого не смущает еще одна параллель – А.Юлдашеву (1963 г.р.) только 25 июня 2005 года исполнилось сорок два года. Смущать должно то, что незадолго до 13 мая он, не имея на то права, написал фетву-обращение, назвав ее «Сура Саф».

Почему это должно смущать? Название фетвы идентично названию 61 кораническ кой суры Саф (Ряды). Фетва адресована акрамистам – духовным братьям и приверженцам, – исполнителям андижанской вооруженной акции 13 мая 2005 года, которые были ориентированы А.Юлдашевым на свержение конституционного строя в Узбекистане и последующее провозглашение новой формы государственности. Как бы именовалось это государство? Если исходить из идеологической направленности и неудовлетворенных амбиций А. Юлдашева, то халифат. И любые утверждения о том, что акция, совершенная акрамистами 13 мая, основывалась на демократических идеалах, – не более чем «детский лепет». О демократическом устройстве Узбекистана А.Юлдашев не думал никогда. Говорить о демократии он не мог, к примеру, и оттого, что еще в 1992 году вписал в свою брошюру строку: «Религия существует с начала человечества и на сегодняшний день религией истины является ислам».

Даже если бы и «заикнулся» о демократии, чего стоили бы его мечты стать в 2005 году в новом государственном образовании одним из амиров халифата. Именно так и не иначе. И только провозглашение халифата давало ему этот шанс. Вопрос: «Кто был бы халифом?», – оставим до поры без ответа.

Решение дать рукотворной фетве название «Сура Саф» достаточно рискованно. Даже при оговорке, что фетва – самостоятельный документ, в котором ссылки на все 14 аятов 61 суры и некоторые аяты других сур Корана использованы автором для напутствия своих приверженцев.

Конечно же, ссылки на аяты Корана, сунну Пророка и хадисы не осуждаемы исламской традицией составления текстов любой тематики. Но и эта оговорка уместна до поры, пока документ (в нашем случае фетва) не именован названием какой-либо из сур Корана. Здесь уж, извините, амбиции автора, решившегося на это, квалифицируются несколько иначе. В исламских странах подобная вольность заканчивается ощутимым наказанием по решению шариатского суда.

Но в случае с Акрамом Юлдашевым все внешние комментаторы андижанских событий были настолько увлечены самолюбованием в тиражировании через СМИ собственных тенденциозных оценок законного пресечения государством действий вооруженных преступников, что на фетву, составившую основу психологического поощрения акрамистов к действию, никто внимания не обратил.

> И ЛЮБЫЕ УТВЕРЖДЕНИЯ О ТОМ, ЧТО АКЦИЯ, СОВЕРШЕННАЯ АКРАМИСТАМИ 13 МАЯ, ОСНОВЫВАЛАСЬ НА ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ ИДЕАЛАХ, – НЕ БОЛЕЕ ЧЕМ «ДЕТСКИЙ ЛЕПЕТ».

Амбициозное решение написать фетву и назвать ее именно так, как она названа, – результат безграмотности А.Юлдашева, тесно переплетенной с его внутренним стремлением реализовать собственное амбициозное желание стать одним из «сильных мира сего». В годы отрочества и юношества это стремление фокусировалось на вожде пролетариата «товарище В.И.Ленине». По утверждению старшего брата Акрама Юлдашева, «бюст вождя долгие годы стоял на письменном столе в их доме, вплоть до периода, когда братишка принял решение посвятить себя исламской религии».

Потом появился новый идол – Набхани. Его А.Юлдашев чтил так высоко, что решил по его же примеру взять за основу идеологии своего движения все ту же ориентацию на тринадцать лет религиозно-политической практики Пророка Мухаммада. Удобно, не правда ли? И ничего не надо выдумывать.

Но даже при этих условиях А.Юлдашеву нужно было что-то свое – написанное, изданное и распространенное. Иначе какое же это религиозно-политическое движение, без растиражированного в подполье даже не призыва (давах), а поучения, из которого среднестатистический житель Ферганской долины должен был узнать – как организовать индивидуальный исламский образ жизни.

Общее «литературное наследие» андижанского лжепосланника, очерчено текстом брошюры «Иймонга йул» («Путь к вере» 1992 – 1993 гг.) и фетвой, появившейся через тринадцать лет в 2005 году.

В факте появления брошюры есть одна особенность. Период ее написания совпал с периодом перевода с арабского на узбекский язык текста книги «Система ислама», исполненного тогда уже бывшим наставником А.Юлдашева А.Касымовым – первым региональным руководителем ячеек Хизб ут-Тахрир в Узбекистане (Мыътамадмасъули-ом).

Напомню, что причиной своего ухода из движения Хизб ут-Тахрир А.Юлдашев назвал (материалы следствия весны 2005 г.) «неверие в возможность воплощения в Узбекистане хизбуттахрировской тактики и методики, разработанной Набхани для мусульман арабского мира».

Айдын ГУДАРЗИ.
(Продолжение следует).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Хотел привлечь внимание

Воздушный пират, вооруженный АК-47, захвативший накануне в небе над Суданом самолет Boeing-737 суданских авиалиний и направивший его в столицу Чада Нджамену, намеревался своей акцией привлечь внимание мирового сообщества к гражданской войне в Дарфуре. Об этом, как сообщают арабские СМИ, угонщик заявил журналистам после своего ареста в столице Чада.



Отказ от встреч

В настоящее время не планируется проведение встречи на высшем уровне с КНДР, заявил президент Южной Кореи Но Му Хен. По его словам, такую встречу можно провести «только после завершения шестисторонних переговоров» по северокорейской атомной программе, передает Интерфакс.



Столкнулись два вертолета

В Эквадоре столкнулись два военных вертолета. В результате авиакатастрофы погибла министр обороны этой страны Гуадалупе Ларрива, ее дочь, несколько высоких армейских чинов и двое пилотов. При подлете к базе вертолет, в котором находились Гуадалупе Ларрива, ее маленькая дочь и несколько высокопоставленных армейских офицеров и чиновников министерства, столкнулся с другим вертолетом, только что взлетевшим с базы, передает РИА Новости.



Обстрелян патруль

Под Хасавюртом (Дагестан) неизвестные обстреляли патрульный автомобиль ГИБДД, один милиционер ранен. В настоящее время в районе, где произошел инцидент, ведется прочесывание местности, принимаются меры к обнаружению и задержанию бандитов.



«Коза ностра» поредела

Итальянская полиция провела на Сицилии крупную операцию против мафии. Как сообщили представители правоохранительных органов, в ходе операции, которая проходила под кодовым названием «Запад», арестованы 48 главарей мафиозного клана «Коза ностра». В результате обысков у мафиози конфисковано собственности на 16 миллионов евро, сообщает РИА Новости.



Оружие против толпы

Пентагон впервые устроил публичную демонстрацию электронно-лучевого оружия, которое, по словам военных специалистов, способно отражать атаки противника или рассеивать враждебно настроенные толпы. Электронно-лучевой излучатель, названный «Бесшумным стражем», проецирует невидимый луч высокой энергии, который создает у человека ощущение резкого ожога, хотя на самом деле не причиняет организму никакого вреда. Дальнобойность нового оружия – 500 метров, сообщает Би-би-си.



Котрафакт на 500 млрд. долларов

Мировой ежегодный оборот фальсифицированных товаров составляет на начало 2007 года около 500 млрд. долларов, сообщила Всемирная таможенная организация накануне Международного дня таможенника, который отмечается 26 января. Чаще всего, по информации Всемирной таможенной организации, нарушения допускаются при производстве аудио- и видеозаписей, одежды и обуви, кондитерских изделий, парфюмерии и бытовой химии.



Что необходимо до 40-летия

Популярный женский журнал «Marie Claire», создавший целую империю моды, опубликовал список 20 вещей, которые должны появиться у каждой женщины прежде, чем она отпразднует 40-летие. Согласно изданию, в первую очередь, зрелая дама должна обзавестись солидным гардеробом, стилем, заняться коллекционированием, а потом уже думать о муже и детях и всем остальном.

(www.NEWSru.com).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Офицерские династии

В СООТВЕТСТВИИ С «ВОЕННЫМИ» ИМЕНАМИ

Одной из отличительных особенностей нашей национальной армии является растущее количество военных династий. Независимость страны возродила воинский дух узбекского народа, многие отважные сыны которого считают профессию защитника Родины делом семейным.

Солижон-ака и Донохон-ая Абдураззаковы, проживающие в Балыкчинском районе Андижанской области, вырастили восьмерых детей. Двоим из сыновей родители дали звучные «военные» имена – Аскарбек и Сардорбек, что в переводе с узбекского означает «воин» и «полководец».

Тягу к знаниям дети унаследовали от родителей, ведь отец преподавал в сельской школе физику и математику, а мама учила детей в начальных классах.

Желание Аскарбека пойти служить в авиацию было воспринято односельчанами с пониманием: парень показал превосходные способности к точным наукам, да и здоровьем, как говорится, не подкачал. Окончив в 1990 году военное авиационное техническое училище, Аскарбек приступил к самостоятельной офицерской службе.

После обретения Узбекистаном независимости молодой офицер сразу же перевелся в наши Военно-Воздушные Силы. С годами его опыт и знания нашли свое достойное применение на ответственной должности в стенах Джизакского высшего военного авиационного училища (ДВВАУ), где в настоящее время и проходит службу подполковник Аскарбек Абдураззаков.

Пример старшего брата давно привлекал и одного из его младших братьев, Сардорбека. Однако ни о каких «поблажках» при поступлении и думать не приходилось. Чтобы не подвести брата, Сардорбек прошел курс подготовки в Мархаматском аэроклубе ОСО «Ватанпарвар», где не только освоил азы летного дела, но и научился прыгать с парашютом. Вот и сейчас, учась уже на втором курсе, курсант Сардорбек Абдураззаков во всем – в успеваемости по учебным предметам, воинской дисциплине, общественной активности, поведении – является примером для сослуживцев.

– В нашем учебном заведении зародилось несколько офицерских династий, – говорит заместитель начальника училища по воспитательной работе подполковник Абдугани Хамидов. – Отрадно, что за годы независимости немало наших соотечественников избрали полную романтики и героизма профессию военного летчика. Образно говоря, именно независимость дала им крылья для полета, искреннее стремление защитить мирное небо нашей Отчизны позвало их в ряды авиаторов. Нельзя не вспомнить в связи с этим высказывание Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова о том, что «узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть». В первые годы независимости находилось немало пессимистов, предрекавших скорый крах нашей военной авиации. Однако время показало, что «соколы независимости» с достоинством и честью подхватили славные традиции военных летчиков, приумножили их, а сегодня духовно-нравственное воспитание защитников Родины прочно стоит на национальных традициях узбекского народа.

В ходе посещения воинских частей Военно-Воздушных Сил не раз доводилось слышать добрые отзывы командиров различного ранга о ратном труде выпускников ДВВАУ – первого учебного заведения такого профиля во всей Центральной Азии. Вот и курсант второго курса Сардорбек Абдураззаков в эти дни прилагает все силы к тому, чтобы со временем в полном соответствии со своим именем стать настоящим полководцем.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

ДУО БИЛАН ЭЛ КЎКАРАДИ



Оила тилсими мураккаб. Унга беклигу бекалик қилишнинг ўз шартлари, синовлари бор. Сиз қайси вазифада ишламанг, қандай масъулиятли касб эгаси бўлманг, оиладаги бурчингизни унутмаслигингиз шарт. Ҳарбий либос эгалари ҳам худди шундай. Бироқ ойлаб дала-ўқув машғулотларида юрадиган, хизмат бурчи сабаб юртимизнинг турли чеккаларида, турли шароитларда истиқомат қиладиган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг бекаларига бу борада тасанно дейишга ҳақлимиз.

Шимоли-ғарбий ҳудудларимизда Ватан ҳимоясида турган ҳарбийларимиз ҳузурида бўлганимизда ҳам уларнинг оилалари, яшаш шароитлари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Одатда ҳарбий шаҳарча вакиллари деярли ёшлардан иборат бўлади. Бу ердаги қайноқ ҳаёт ҳам шунга мос. Кечга томон мактаб ва боғчадан қайтган болакайларнинг ҳовлидаги шодон қийқириқлари хаёлингизни тортади. Уларни бирин-кетин хизматдан қайтаётган дадаларига чопқиллаб пешвоз чиқиб, бўйнига осилишларини кузатишнинг ўзи бир завқли. Кўп қаватли уйларнинг деразаларидан гоҳ ўйинқароқ болаларига назар ташлаб, гоҳо турмуш ўртоқларининг йўлига кўз тикиб, кечки таомни тайёрлаётган бекаларнинг жонсараклигини сезиш қийин эмас. Бу пайт ҳарбий шаҳарчада хилма-хил таомлар ҳиди димоғингизга урилади. Масъулиятли хизматдан ҳориб қайтган ҳарбийларимизнинг рафиқаси меҳр билан тутган бир пиёла қайноқ чойдан чарчоғи ёзилганини беихтиёр ҳис қиласиз. Мана шунинг ўзини оила бахти десалар, ажабмас.

Биз капитан Муҳаммад Боймуродов хонадонида бўлганимизда яна бир туйғуни дилдан англадик. Яъни оилага нур бағишлаб ўтирган фаришталари онахоннинг муродбахш дуолари ёқимли сеҳрини. Ушбу оилага кириб борганимизда дастлаб бизни Хурсаной ая қарши олдилар. Етмиш ёшдан ошган онахоннинг атрофини ўраб олган набираларига меҳрибон буви, доно тарбиячи, дуогўй момо эканлигини сезиш қийин эмасди. Келинг, момо билан бўлган суҳбатимизни келтиришдан аввал ушбу ҳарбий оиланинг бек ва бекаси, фарзандлари ҳақида тўхталиб ўтайлик.

Муҳаммаджон Мамадмурод ака ва Хурсаной ая ҳамда олти опа-сингилсининг ишонган тоғи бўлиб вояга етди. Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманига қарашли Ҳайитобод қишлоғида ўсган йигит ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилганида ота-онаси қаршилик қилишмади. Ёлғизгина ўғиллари танлаган касби сабаб бағрларидан узоқларда хизмат қилишини билсалар-да, унинг эзгу мақсади армонга айланишни асло истамадилар.

Ҳарбий либос кийишга иштиёқи баланд ўғлон Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетига ўқишга кирди. Энди пойтахтда таълим олаётган йигитнинг йўлига бир ота-онасию яқинлари эмас, балки қўнгил қўйган ёри ҳам кўз тута бошлади. Дарвоқе, сизга бу муҳаббат тарихи ҳақида тўхталмагандик. Ёшликда берган кўнгил, деганларидек Муҳаммаджоннинг кўнгли ёнма-ён маҳаллада ўсган синфдош қизга мойил эди. Ўн йил бир синфда ўқиб, гап-сўзу феъл атвори синашта бўлган Гуласал гўзал хулқу одоби билан йигит кўнглидан мустаҳкам жой эгаллаб улгурди. Қизни Муҳаммаджоннинг ота-онасига ҳам манзурлиги эса уларнинг тақдир йўлларини бирлаштирди. Мана, шунга ҳам ўн икки йил бўлаяпти. Бу йиллар ичида ёш офицер Самарқанд гарнизони ҳарбий қисмда, ҳозирда эса шимоли-ғарбий ҳудудларимиздаги ҳарбий жамоалардан бирида алоқа хизмати бошлиғи сифатида хизмат қилаяпти. Айни дамда икки ёш беш фарзанднинг ота-онаси, ҳарбий шаҳарчадаги энг намунали оиланинг эгасидирлар. Оила фарзандлари Соҳиба, Шарофиддин мактабда таҳсил олишаяпти. Сабина, Сарвиноз, Севинчлар эса боғча тарбияланувчилари.

Биз ушбу оилада бўлганимизда жамоат жам экан. Хизматдан қайтган дадаларини соғиниб қолган болалар атрофида парвона. Айниқса, шўх-шаддод Сабина дадасига бағишлаб шеър айтишдан чарчамасди. Ўғлининг тўкин бахтидан Хурсаной момонинг мамнунлигини сезиш қийин эмасди.

– Ёлғиз ўғлим ўзидан кўпайганидан хурсандман, – дейди онахон биз билан суҳбатда. – Қаерда хизматда бўлмасин, чиройли уй-жойлар билан таъминлашди. Мана, ҳозир ҳам уч хонали кенг-мўл уйда яшаяпти, егани олдида, емагани кетида. Гарчи туғилиб ўсган уйидан йироқларда бўлса ҳам элу юрт хизматида эканлиги кўнглимни тоғдек кўтаради. Биз оналар бахтига юртимиз тинч, фарзандларимиз доимо соғ-омон бўлишсин.

Момонинг сўзлари дуога уланди. Ёмғир билан ер кўкаради, дуо билан эл кўкаради, деганларидек кексаларнинг ҳар бир дуоси олтинга тенг.

Шарқона одоб-ахлоқни ҳар бир ҳаракатида мужассам этган хонадон бекаси Гуласал ва қатъиятли, вазмин Муҳаммаджон билан бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашдик.

Ҳар бир ўзбек оиласида бўлгани каби бу хонадон эгалари ҳам болажон ва орзу-умидли. Ўзаро меҳр-оқибатли даргоҳда улғайган фарзандлар эса шубҳасизки, ота-оналари сингари юртга садоқатли, камтар ва фидойи инсонлар бўлиб етишади. Биз капитан Боймуродовлар хонадонини мамнунлик ила тарк этдик. Ортимиздан момонинг тилаклари эргашди: «Яхшилик йўлида асло кам бўлманглар, болаларим».

Зулфия ЮНУСОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Меҳр ила кўз
очар дунё,
Меҳр ила яшнайди
замин.
Оқибатли фарзандлар
илло,
Юртга кўрғон бўлмоғи
тайин.

Зеро, меҳр жой олган
юрак,
Эзгуликни ҳис қилар
теран.
Бу улуғ ҳис садоқат
демак,
Садоқат-ла юксалар
Ватан!

Bolajonlar, sizlar uchun!

BARCHASIDAN KIM CHIROYLI?

(Hikoyalar)



Bir o‘ylanib ko‘rgin-a... Dunyoda barcha narsadan kim chiroyli, nima go‘zal? Menimcha, hammasidan shu yorug‘ dunyoga o‘z nurini sochib turgan quyosh chiroyli!

Keyin o‘sha oftobdan nur emgan gul suluv. Yuzlari o‘sha gulga o‘xshab yashnab turgan baxtli bolalar go‘zal, keyin jajji go‘dagini emizib turgan ona chiroyli.

To‘g‘ri, dunyoda suluvlar ko‘p. Temir qanot polapon, sariq tumshuq jo‘jalar, jo‘jalarini erchitib olgan ona tovuq, ulog‘i bilan ko‘zlarini erchitib olgan echki va qo‘ylar, buzog‘i bilan qulunlarini o‘ynatib yurgan mollar, yilqilar o‘ta go‘zal...

Endigina ko‘zini ochgan kuchuk, uyquchi mushukning bolasi...

Hozirgina gullagan olcha, gilos, olma, o‘rik qanday chiroyli. Yerdan bosh ko‘targan ko‘katlar, yaproqlar... Hammasidan yangi tug‘ilgan oy go‘zal.

Biroq, barchasidan nima suluv, bolajonlar? Kim biladi?

Biz yoqorida sanab o‘tgan narsalarning orasidan kim nimani yaxshi ko‘rsa, – o‘sha chiroyli. Menga qolsa, barchasidan jajji jujuq va uni erkalatib o‘tirgan ona ko‘rkam.

– Xo‘sh, nima deysizlar? Gapim to‘g‘rimi?

Men ana shu ikkovidan ham go‘zalrog‘ini hozircha ko‘rganim yo‘q.

Sizlar-chi?..

BOLANING QANOTI

Yusuf osmonda uchib yurgan qaldirg‘ochlarni zavq-shavq bilan kuzatar ekan, ularning qaychi qanotlari uning hayolini olis-olislarga olib ketdi. U qaldirg‘ochlardan ko‘zlarini uzmagan holda otasining yoniga kelib, shunday dedi:

– Ota, menga qanot olib bering!

– Bo‘pti, ertaga olib kelaman.

Yusuf otasining «ertaga qanot sotib olib kelishini» o‘ylab juda quvondi. Ko‘kda parvoz qilib yurgan o‘sha qaychi qaldirg‘ochlardan ham yuksaklarda uchib yurishini ko‘z oldiga keltirib, o‘zicha rosa quvondi.

Ertasiga otasi Yusufga «Alifbe» kitobini sovg‘a qildi.

«Bolalarning qanoti shunday bo‘ladimi» degan ma’noda u otasiga tikildi.

– O‘glim, mana shu «Alifbe» kitobi bolalarning qanoti bo‘ladi. Bu kitobni qancha yaxshi o‘qisang, qaldirg‘ochlardan ham baland, zarur bo‘lsa, samolyotlardan ham yuksaklarga uchasan. Tushunding-mi, bo‘tam?!!

Yusuf boshini irg‘ab, kitobini bag‘rida bosib, osmonda parvoz qilib yurgan qaldirg‘ochlarga qarab, o‘ylanib qoldi...

«САНВИКТ» – ПОБЕДА В ИСКУССТВЕ

Гулсара Раджапова хорошо понимает обездоленных детей. Мать Гулсары Раджаповой в пятидесятые годы приютила и воспитала 10 детей-сирот. Много лет назад она пошла по стопам родителей и удочерила девочку, которая была «ненужной» в семье. Укоры соседей не действовали на бессердечную мать.

– Эта девочка сейчас живет в Кашкадарьинской области, она мать пятерых детей. Так что я уже бабушка, – говорит, улыбаясь, Гулсара Раджапова. Но, по ее словам, у нее сегодня не пять, а больше ста внуков и внучек. И к каждому она старается найти индивидуальный подход.

– Все они мои дети, – говорит она, с любовью глядя на детей, которые занимаются в Центре адаптации к жизни детей-инвалидов «Санвикт». – Наш творческий центр был открыт в 2000 году, – продолжает свой рассказ директор центра Г.Раджапова. – Нам дали маленькое помещение. Тогда у нас было всего 5 ребят. После о нас узнали. Родители сами начали приводить своих детей. Мы решили не ограничиваться только детьми-инвалидами, и сегодня к нам ходят дети и из малообеспеченных семей. У нас в настоящее время обучаются больше ста детей. Здесь они как единая семья. Несколько раз мы организовывали творческие выставки. Хотя и маленький, но у нас есть свой зоопарк. Дети сами ухаживают за животными – козой, кроликами, курами. Рисуют их. Это тоже один из способов лечения детей-инвалидов. Этот опыт я привезла из поездки во Францию.

– **Существуют ли какие-либо условия приема детей в центр?**

– Никаких условий нет. Каждого, кто желает у нас учиться, мы принимаем с распростертыми объятиями. Дети уже через несколько дней начинают проявлять себя.

– **Кто им преподает?**

– Здесь много учителей. Они, в основном, приходят в свое свободное время и обучают детей безвозмездно.

– **С какими организациями вы сотрудничаете?**

– Нам очень помогает руководство Ташкентского масложиркомбината, кроме этого сотрудничаем с Общественным движением молодежи «Камолот», с Фондом «Сен ёлғиз эмассан», с Международной организацией ЮНИСЕФ. В знаменательные дни стараемся устраивать праздники для детей. Накрываем стол, организуем выставки, концерты.

Самая главная наша проблема – это транспорт. Ведь многие наши дети – воспитанники домов милосердия. Если не находим транспорт, то мы обучаем их там, где они проживают.

Еще многое надо сделать. Крыша местами протекает, полы в плохом состоянии, нужны спонсоры. Очень хотим открыть здесь музей, и все наши выставки и конкурсы проводить тут же.

Беседовала Наргис КАСЫМОВА.

ЁНҒОҚЛИ ЎРАМА

Масаллиқлар: 1 л сут, 4 дона тухум, 1 стакан шакар, бир чимдим туз, бир бўлак хамиртуруш (дрожжи), ун, 1 стакан ёнғоқ мағизи.

Тайёрланиши: Сут, тухум, шакар қўшиб хамир қоринг. Хамиртурушни илғарироқ ярим стакан сут ёки шакарли сувда эритиб оласиз. Уни ҳам хамирга аралаштиринг ва хамирни бир соатлар чамаси дам едиринг. Бу вақт ичида ёнғоқ мағизини гўштқиймалагичдан ўтказиб, озгина (2-3 қошиқ) шакар аралаштиринг. Хамирни газ печига мослаб ёйинг, майдаланган ёнғоқ мағизини бир текисда сепиб чиқинг. Сўнг уни рулет шаклида ўраб, юзига тухум сариғи сурасиз ва қизиган газ печига қўйиб, ўртача оловда пишириб олинг. Ўрама чиройли сариғиш тусга кирса, демак у пишган. Сал совутач, ўткир пичоқда кесиб, гул шаклида ликопчаларга терилади.



БАҚЛАЖОНЛИ ТАОМ

Масаллиқлар: иккита катта бақлажон, 100 г қийма, битта пиёз, кўкат, икки ошқошиқ ўсимлик мойи, 2 ошқошиқ қирғичдан ўтказилган пишлоқ, мурч ва туз таъбга кўра.

Тайёрланиши: бақлажонларни ювиб тозалайсиз. Икки бўлакка бўлиб, ўртасини қошиқ билан олиб, 5-8 дақиқа шўр сувга солиб қўйилади. Майда тўғралган пиёз, қийма ва бақлажоннинг ўртаси аралаштирилади. Тайёр бўлган қийма бақлажонларнинг ичига солинади. Чуқурроқ идишга жойлаштирилиб, устига қирғичдан ўтказилган пишлоқ сепиб, газ печида пишириб олинади. Тайёр таом кўкатлар билан безатилади. Бу таомга таъбга кўра саримсоқ ҳам қўшиш мумкин. Пишлоқ ўрнига эса майонез ишлатса ҳам бўлади.



КИЧИК ХОНИМЛАРГА

14-15 ёшдаги ўсмир қизларимизда катта-роқ кўриниш истаги ва журнал муқоваларидаги гўзалларга тақлид қилиш турли хил пардоз воситаларини меъёридан ортиқ қўллашига сабаб бўлмоқда. Лекин эсда тутиш керакки, бу пардоз воситалари ёш хонимлар учун ортиқча ва ҳаттоки зарарлидир. Бу ёшдаги қизлар териси шундоқ ҳам майин, дуркун ва эластиклиги билан гўзалдир. Крем, пудра ва лаб бўёғи терининг табиий фаолиятини бузиб, уни эрта қаритади. Ўсмир қизлар юзи одатий гигиеник тадбирлар (мунтазам ювиниш, терини парваришлаш ва бошқалар)дан ўзга бирон-бир парваришга муҳтож эмас. Кичик хонимларга маслаҳатимиз, ёшликдан устунроқ гўзаллик мавжуд эмаслигини ёдда тутинг!



ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



Севара Абдусаматова – учащаяся второго курса юридического колледжа, мечтает стать хорошим специалистом в области юриспруденции.

Серьезные занятия спортом, в частности теннисом, помогают девушке сохранять бодрый дух и прекрасное настроение.

Севара пользуется авторитетом в коллективе и уважением среди друзей.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»! Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем). Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

АВТОБУСЫ САМАРКАНДА

В обществе с ограниченной ответственностью «СамАвто» в сотрудничестве с японской компанией «Исудзу Моторс Лимитед» налажено производство автобусов и грузовых автомашин на базе «Исудзу».

– Грузовики и автобусы, производимые нашей компанией, экспортируются в более чем сто стран мира, – сказал заместитель президента компании «Исудзу Моторс Лимитед» Горо Шинтано. – Теперь мы наладили совместное производство с Узбекистаном. Наша цель – выход на рынки стран Азии и СНГ.

Коллектив ООО «СамАвто» намеревается в текущем году произвести полторы тысячи автобусов и грузовых автомобилей «Исудзу». Накануне 2750-летнего юбилея Самарканда предусмотрено обеспечить городские маршруты 200 современными автобусами.

Г.ХАСАНОВ.

КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Юртини куйламаган, унинг кенгликларига руҳиятини «чайиб», беғубор туйғуларни бошдан кечирмаган шоир топилмаса керак. Ҳассос куйчи, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг «Юрт қўшиғи» деб номланган шеърида ҳам ана шундай покиза туйғулар туғёни мужассам.

ЮРТ ҚЎШИҒИ

Бобомнинг байти бор япроқларингда,
Момомнинг тафти бор чорбоғларингда.
Онамни эслатар райҳонинг, юртим,
Дадамнинг ҳиди бор тупроқларингда.
Сўлим Хоноддан Кийиксойгача,
Қутлуғ остонадан суюк ойгача
Чироқлар юлдуздек порлар ҳар кеча,
Мудом ўт гурласин ўчоқларингда!
Тоғларинг бағрида лиммо-лим тилсим,
Минг йилким, мўйсафид
Шоҳимардон жим.
Бир куйчи ўғлингман, баётим ўзинг,
Тилимнинг остида новвотим ўзинг,
Бағрим, жоним ўзинг, ҳаётим ўзинг,
Дил торим қалампирмунчоқларингда.
Қизғалдоқларингда кўмилиб ётдим,
Дунёни унутдим, ўзни йўқотдим,
Мен ҳам Ватан бўлдим қучоқларингда!

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Футбол. МДҲ чемпионлари кубоги

«ПАХТАКОР» – ЯРИМ ФИНАЛДА



Айни кунларда Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари иштирокида ўтадиган анъанавий турнир давом этмоқда. Мазкур мусобақанинг аввалги йиллардагилардан фарқли жиҳати шундаки, бу йилги баҳсларда илк маротаба Сербиянинг ОФК футбол жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

Сўнгги бир неча йиллар давомида мазкур турнирда республикамиз шарафини амалдаги мамлакат чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳимоя қилмоқда. Вакилларимиз жой олган «С» гуруҳида, шунингдек, Латвиянинг «Вентспилс», Арманистоннинг «Бананц» ва Украина чемпиони «Шахтёр» жамоалари ҳам иштирок этишмоқда. Дастлабки учрашувни Латвия чемпионига қарши ўтказган «Пахтакор» кутилмаганда рақибларига 2:0 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. «Шахтёр» ва «Бананц» жамоалари ўйинида эса 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Иккинчи турда «Бананц» жамоасига қарши тўп сурган пахтакорчилар аввалги турдаги мағлубиятдан тўғри хулоса чиқариб олганликларини амалда намойиш этиб, рақибларини йирик – 3:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Футболчиларимизнинг тўлиқ устунлиги остида ўтган ушбу учрашувда С.Жепаров (иккита) ва А.Клецковлар киритилган тўплар муаллифи бўлишди. Ушбу гуруҳнинг «Вентспилс» ва «Шахтёр» жамоалари ўртасидаги баҳсда эса дуранг – 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Турнирнинг кейинги босқичига чиқиш учун вакилларимиз Украина чемпиони «Шахтёр» жамоаси устидан ғалаба қозонишлари зарур эди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, «Шахтёр» жамоаси мазкур турнирда ўзининг иккинчи жамоаси билан иштирок этмоқда. Шунга қарамай, украиналиклар вакилларимизга жиддий қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилишди. Аммо тажрибали пахтакорчилар ўз устунликларини чиройли ўйин билан исботлаб, 4:0 ҳисобидаги йирик ғалабани қўлга киритишди ва ўз гуруҳларида 1-ўринни эгаллаб, чорак финал йўлланмаси соҳибига айланишди.

«Пахтакор» футболчилари чорак финалда «Д» гуруҳида 2-ўринни эгаллаган, илк бора мазкур турнирда қатнашаётган Сербиянинг ОФК жамоаси билан баҳс олиб боришди. Куни-кеча бўлиб ўтган мазкур учрашув ҳам кескин курашларга бой бўлди. Турнирда бош совринни қўлга киритишга аҳд қилган футболчиларимиз анча тер тўкишларига тўғри келди. Ўйиннинг асосий ва қўшимча вақти 1:1 ҳисобида якунланди. Пенальтилар тепиш борасида эса омад «Пахтакор»га кулиб боқди – 5:4. Энди ярим финалда вакилларимиз Молдова чемпиони «Шериф» жамоаси билан учрашишади.

VI зимние Азиатские игры

ПОЖЕЛАЕМ УСПЕХОВ УЗБЕКИСТАНЦАМ!

28 января – 4 февраля 2007 года в городе Чанчуне (Китай) пройдут очередные зимние Азиатские игры. Соревнования пройдут по 10 видам спорта: скоростной бег на коньках, шорт-трек, хоккей на льду, биатлон, горнолыжный спорт, сноуборд, лыжные гонки, фристайл, фигурное катание и керлинг. 22 января, перед вылетом в Китай, состоялись официальные проводы спортивной делегации Узбекистана, в ходе которых члены делегации возложили цветы к памятнику Гуманизма и милосердия. Спортсмены нашей страны принимали участие в трех последних зимних Азиатских играх в Харбине (Китай, 1996 г.), в Кангвоне (Корея, 1999 г.) и в Аомори (Япония, 2003 г.). А на этих зимних Азиатских играх в городе Чанчуне спортсмены Узбекистана примут участие в двух видах спорта: фигурном катании и горнолыжном спорте.

В фигурном катании в одиночном разряде будет выступать Анастасия Гимазетдинова, а в парном разряде – Марина Аганина и Артем Князев. В горнолыжном спорте (слалом и гигантский слалом) примут участие Мадина Расулева, Эльвира Налиулина, Ксения Григорева, Гулиза Гаюпова, Кайрат Эрметов, Наиль Шириазданов, Денис Григорев и Олег Шамаев.

Министерством по делам культуры и спорта Узбекистана и Национальным олимпийским комитетом (НОК) Узбекистана, а также при содействии спонсоров (фигурное катание) и других министерств и ведомств была проделана подготовительная работа, благодаря которой своевременно проведены учебно-тренировочные сборы, а также решен целый ряд важных организационных, технических, материальных и других вопросов по аккредитации, перелету и размещению делегации, обеспечению спортивной экипировкой.

Бадминтон

С ТУРНИРА – С МЕДАЛЯМИ

Успешно начала свою работу в наступившем году Федерация бадминтона Узбекистана. Не так давно спортивная делегация вернулась из первого заграничного турне с большим количеством наград. В Алматы прошел Международный турнир, в котором принимали участие, помимо казахстанцев, россияне и наши соотечественники.



В одиночном и парном разрядах спорстмены-узбекистанцы завоевали все призовые места. В «одиночке» победителем стал Рафаэль Закиров. С Андреем Битиевым они также поднялись на высшую ступень пьедестала в парном разряде. В женском одиночном разряде «серебро» у Анны Смирновой. А с Юлией Медведь (Казахстан) в интернациональном составе они стали лучшими среди женских пар.

В смешанном парном разряде на первой ступени также интернациональный дуэт – Андрей Битиев и Вероника Сорокина (Казахстан).

Удачным стал дебют в основном составе сборной страны для Сухроба Косимова, который в этом году перешел из дублеров. На его счету две бронзовые награды – в одиночном и парном разрядах.

Отличились и ряд других спортсменов, которые также завоевали медали различного достоинства на прошедших в Алматы соревнованиях. В целом успех команды спортивная общественность восприняла как серьезную заявку наших бадминтонистов на новые победы регионального и международного масштаба.

Параллельно этим соревнованиям проводился и турнир среди ветеранов. Несмотря на солидный возраст, они продемонстрировали высокое спортивное мастерство. Шесть человек отстаивали честь страны, вернувшись с девятью наградами различного достоинства. Лучший результат в возрастной группе 50 лет и старше показал неоднократный чемпион страны Олег Кузаев. Он стал победителем в одиночном, парном и смешанном разрядах. Еще два «золота» у дуэта Асхат Хисамутдинов и Билал Агзамов в возрастной категории 40 – 50 лет.

В феврале состоится открытый чемпионат Республики Узбекистан по бадминтону, который пройдет в Ташкенте.

Олег САВАТЮГИН.

Тош кўтариш спорти

ЮРТИМ ПАҲЛАВОНЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, оммавий спортни тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш борасидаги қарорларини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, бу билан уларнинг маҳорати ва жисмоний баркамоллигини ошириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида турли чемпионатлар, мусобақалар, Умумармия ўйинларини ўтказиш анъанага айланган. Яқинда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида бошланган тош кўтариш спорти бўйича Мудофаа вазирлиги қўшинларининг чемпионати ҳам устувор мақсадларимизнинг узвий давомидир.

Чемпионатда 13 та жамоа вакиллари ўзаро беллашишмоқда. Олинган маълумотларга кўра, 65 килограммгача бўлган вазн тоифасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Хурсанд Танрибердиганов барча рақибларидан устун келиб, мусобақа чемпиони бўлди.

90 килограммгача бўлган вазн тоифасида ҳам беллашувлар қизғин кечди. Бу тош билакли полвонларимизнинг жисмоний тайёргарликлари юксак эканлигини кўрсатди. Айниқса, офицер Равшан Мадаминов мураббийлик қилаётган спортчилар жамоасининг вакилларини – алп ўғлонларини бу борада алоҳида эътироф этиш мумкин. Негаки, тилга олинаётган вазн тоифасида жамоа спортчиси лейтенант Фозилжон Темиров ғолиб чиққан бўлса, 90 килограммдан юқори бўлган вазн тоифасида ҳам унинг жамоадоши лейтенант Миркомил Ҳамдамов шоҳсупанинг юқорисидан ўрин эгаллади.

Капитан Мансур Мамадаминов бош ҳакамлигида қизғин, беллашувларга бой кечаётган мусобақа – ҳарбийларимизнинг ўзига хос спорт байрами янги-янги чемпионларни, рекордларни кашф этишига ишончимиз комил.

Бокс

ЧАГАЕВНИНГ РАҚИБИ АНИҚЛАНДИ



Куни-кеча Швейцариянинг Базель шаҳрида ўта оғир вазнли боксчилар – WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуев ва америкалик Жамил Маклайн ўртасида чемпионлик камари учун баҳс бўлиб ўтди. Бокс мухлислари ва мутахассислар томонидан қизиқиш билан кутилган ушбу жанг кутилмаганда жуда тез якун топди. Учрашувнинг биринчи раунди деярли тенг курашлар остида ўтди. Иккинчисида эса бўй ва оғирлик борасида устунликка эга бўлган Н.Валуев рақибига қараганда фаолроқ ҳаракат қилди. Аммо Ж.Маклайн ҳам рақибига бир қанча сезиларли зарбалар беришга муваффақ бўлди. Учинчи раундни ҳам тезкор ҳаракатлар билан бошлаган Жамил раунд ўрталарида кутилмаганда ўз мувозанатини йўқотиб, рингга йиқилди. Бу вақтда Н.Валуев унга ҳеч қандай зарба бермаган эди. Шифокорлар тезда Ж.Маклайнга ёрдам кўрсатишди. Маълум бўлишича, жангнинг ўша сонияларида қилинган нотўғри ҳаракат натижасида Маклайннинг чап оёғи тизза «қалпоғи» қаттиқ жароҳатланган экан. Оқибатда жанг тўхтатилди ва техник нокаут ҳисобида ғалаба Н.Валуевга берилди.

– Бундай бўлишини ҳеч кутмаган эдим, жуда афсусдаман. Бунақа воқеани ҳеч кимга раво кўрмасдим, – деди Ж.Маклайн мухбирларга берган интервьюсида.

Н.Валуев ҳам бу борада ўз фикрини билдириб:

– Ғалабанинг ҳақиқий бўлгани маъқул. Жанг бундай тугашини ҳеч ким кутмаган эди. Мен ноқулай аҳволда қолдим. Чунки мухлислар чиройли жанг кўриш истагида эдилар. Начора, буни спорт дейдилар. Энди навбатдаги жангга тайёргарлик кўраман, – деди. Ушбу ғалабадан сўнг Валуев ҳисобидаги мағлубиятсиз жанглар сони қирқ олтитага етди.

Мазкур йўналиш бўйича ўтказиладиган навбатдаги чемпионлик жанги эса юртимиз бокс мухлислари учун айниқса қизиқарли бўлади. Чунки унда Н.Валуевга қарши ҳамюртимиз, жаҳон чемпионлигига асосий даъвогар Руслан Чагаев рингга кўтарилади. Ҳозирда бокчимиз ушбу жангга Германияда тайёргарлик кўрмоқда. Эслатиб ўтамиз, Р.Чагаев ҳам шу давргача профессионал рингда ўтказган жангларида бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган. Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) раҳбарияти томонидан Н.Валуев – Р.Чагаев жанги 15 апрелдан кечиктирмай ўтказилиши эълон қилинган.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Енгил атлетика

ОДДИЙ АСКАРЛАР МАҲОРАТИ

Яқинда енгил атлетика бўйича Тошкент кубоги очиқ чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда ташкиллаштирилиб келинаётган бу йилги беллашувларда армия спорти вакиллари ҳам муносиб иштирок этишди. Узунликка сакраш мусобақаларида Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клуби шарафини ҳимоя қилган оддий аскар Никита Холодов чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди. Муросасиз курашлар остида кечган ядро улоқтириш баҳсларида қатнашган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакили оддий аскар Александр Шевченко анча тер тўкишига тўғри келди. Шундай бўлса-да, у ушбу баҳсларда ўз имкониятини намоиш қилиб, 3-ўрин билан кифояланди.

ГДЕ ЖЕ БУДЕТ ОЛИМПИАДА-2014?

Кандидаты на проведение зимних Олимпийских игр 2014 года подали в МОК свои заявочные книги. Международный олимпийский комитет объявил о получении заявочных книг трех городов – кандидатов на проведение зимних Олимпийских игр 2014 года. Кандидатуры – Сочи (Россия), Зальцбург (Австрия) и Пхенчанг (Корея) – были отобраны на заседании Исполнительного комитета МОК 22 июня 2006 года из семи претендентов, среди которых также были Хака (Испания), Алматы (Казахстан), София (Болгария) и Боржоми (Грузия). Теперь оценочная комиссия МОК, возглавляемая вице-президентом МОК господином Чихару Игая, ознакомится с заявочными книгами и посетит сами города-кандидаты. После этого комиссия подготовит свой доклад и представит его на рассмотрение в МОК не позже, чем за один месяц до выборов города 4 июля 2007 года на 119-й сессии МОК в Гватемале.

Подготовил майор Нуритдин ХАЙРИТДИНОВ.

Кўнгилга ташриф

ОЗОДБЕКНИНГ ЙЎЛЛАРИ ОЙДИН



«Ёмғир ёғар, чақмоқ чақар, мени севганим … мени куйганим… кимга боқар?» Автобусда ширингина хиргойи қилиб кетаётган тўрт-беш ёшлардаги қизалоқ ёнида ўтирган ойисига хушнуд термулди: «Ойижон! Озодбекнинг концертига менам бораман-а?» Йўловчилар қизалоқнинг гапларига кулиб қўйишди. Ёши улуғроқ аёл ажабланди: «Шугиналар ҳам Озодбекни билишади-я!»

Ҳа, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Озодбек Назарбековнинг қўшиқларини санъат ихлосмандларининг севиб тинглашлари ҳақиқат. Чунки унинг қўшиқлари содда, равон, халқона ва дардчиллиги билан ёшу қарининг кўнглидан жой олган. «Озодбекдан бўлсин!» деган хитобларни давраларда бот-бот эшитиб қоламиз.

Санъаткор… бу сўзнинг залвори юксак. Унинг юкини мардларча елкасида кўтариб юриш эса бугун хусусан, ўзбек эстрадаси хонандалари зиммасига ҳам улкан масъулият юкини ортганлигини четдан кузатамиз ва турфа мулоҳазалар гирдобида қоламиз. Баъзи хонандаларни кўриб ажабланасиз, бир хил қўшиқчи-шоирлар атрофида айланиб қолишади. «Буюртма» шеърларни «оддий халқ қабул қилса бўлди» деган ишонч билан жўн қўшиқлар саноғини кўпайтиради. Бундай енгил-елпи матнлару, куйлар ижод эмас, ўз-ўзини алдаш, мухлисларининг эътиборидан четда қолиш билан баробар. Буни тинглаш жараёнида дарров илғайсиз. Куй билан сўзлар бир-бирига қовушмайди. Айрим хонандалар сўзни тўғри талаффуз қилолмайди, тил тоза чиқмайди.

«Йилнинг энг яхши эстрада қўшиқчиси» номинациясига сазовор бўлган истеъдодли хонанда Озодбек Назарбеков бутун диққат-эътиборини санъатга, ижодга ва шу йўл билан халққа сидқидилдан хизмат қилишга қаратган. Шу боис кейинги уч йил мобайнида мухлислари эътиборига фақат янги қўшиқлардан иборат учта концерт дастурини ҳавола этди. Айниқса, «Сенинг дардинг» деб номланган концерт дастуридан жой олган «Ватан», «Кўринмасанг», «Шўх боламан», «Чақмоқ-2», «У бошқа» каби қўшиқларидан унинг кейинги репертуари анча сермаҳсул ва пишиқ-пухта бўлиб бораётганлигини билса бўлади. Миллий йўналишда ижод қилаётган хонанданинг мухлислари кун сайин ортмоқда. Унинг халқона, шўх қўшиқлари ҳар қандай одамни рақсга чорлайди. Ана шу жўшқинлик аро дард ҳам кезинади гоҳо. «Сенинг дардинг» дастуридаги кўпгина қўшиқлар ана шундай дард билан йўғрилган.

– Нолимоқчи эмасману, бироқ ҳаётда кўп азият чекканман. Онамдан жуда эрта жудо бўлганим энг аччиқ армонимдир, балки буларнинг барчаси менга синов сифатида юборилгандир. Шунинг учунми, бошқа мавзуда ёки шўх қўшиқ куйламоқчи бўлсам ҳам дардли чиқиб кетаверади, – дейди Озодбек.

Бу дардлар ортда қолди, бугун санъатнинг сермашаққат йўлидан шиддат билан илгарилаб бораётган хонанда минглаб мухлисларининг ишончини оқлаган, унинг қўшиқлари дил мулкимизга айланган. Қайси қўшиқни қандай куйлаш ижодкорнинг қалбига, руҳий тарбиясига боғлиқ. У қўшиқ воситасида кўнглини, ҳис-туйғуларини, бир сўз билан айтганда, Ўзлигини очиб беради. Шундагина санъаткор ҳодисага айланиши мумкин. Қўшиқлари соғинчга айланган Ботир Зокировнинг оҳанги бетакрорлиги, йиллар ўтса-да, юракларимиз тубига сингиб бораверишишундан эмасми? «Ишқ куйи эмас бозор, Севгидан кўрдим озор. Муҳаббатнинг боғлари, Наҳот бўлса тиканзор?» дея шикаста қалбини очаётган хонанданинг гўзал қўшиқларига кенг тафаккурли бастакор Мусахон Нурматов ўйноқи мусиқалар яратиб, уни халқона оҳанглар билан уйғунлаштиради. Озодбекнинг қўшиқлари аксарият ана шу фидойи инсон мусиқаси билан айтилади. Бастакор битта бўлгани билан унинг қўшиқлари мавзуси ҳам, ижроси ҳам ранг-барангдир. Унинг қўшиқларига ишланган клиплар савияси ҳам анча юксак, чунки ғояни асосан хонанданинг ўзи беради.

– Концерт дастурингизда сиз хизмат қилаётган Қуролли Кучларимиз Марказий ашула ва рақс ансамбли раққоса қизларини кўриб, рости, қувондик. Чунки санъатингизни ҳурмат қиладиган ва қадрлайдиган, тушунадиган инсонлар билан ишлаш истеъдодингизнинг қулоч ёйишига ёрдам беради. Шундай эмасми?

– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадраҳимова саҳналаштирган рақслар ғоят жозибали чиққан. Аслида рақс энг нафосатли санъат. Томошабин қўшиқ тинглабгина қолмай, гўзал рақслар оғушида дам олади. Ўзингизга маълум, бир неча йилдан бери мазкур ансамбль таркибида фаолият юритаяпман. Ҳарбий санъаткорлар билан бир сафда хизмат қилаётганимдан, ҳар бир байрам ва тантаналарда юртимиз посбонларининг қувончига қувонч, ғururига ғурур қўшаётган инсонлар билан елкадош эканлигимдан жуда фахрланаман. Ватан посбонларига хизмат қилишдан сира-сира чарчамасам керак.

Озодбек Назарбеков авжи меҳнат қилиб толмайдиган, шижоати қайнаган ёшда. Унинг ижодий изланишлари кўлами кенгайиб бораяпти. Ҳар йили мухлисларига жонли ижрода янгидан-янги қўшиқлар тақдим этишга интилаётган хонанданинг парвози юксак эканлигига ишонамиз. Негаки, у бу поғонага осонлик билан эришмади. Умид билан суқилган таёқ, меваю япроғини бераётганлигини кўриб турибмиз. Йиллар ўтса-да, ўз оҳорини йўқотмай, қалбимиз мулкига айланиб бораётган қўшиқлари билан юракларимиздан жой олиб бораверади. Чунки бугунги ўзбек эстрада санъатида Озодбек Назарбековнинг ўз ўрни, ўз ижод йўли бор. Бу йўлнинг янада ойдин ва нурафшон бўлишига астойдил тилакдошмиз.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.

Выставки

ГЕРОИ РАТНЫХ БУДНЕЙ

В череде праздничных мероприятий, посвященных Дню защитников Родины и 15-й годовщине со дня образования Вооруженных Сил нашей страны, в Ташкентском Доме фотографии состоялось открытие и проходит художественно-документальная фотовыставка «Достойные защитники Родины». Ее организаторами выступили секция фотографии творческого объединения Академии художеств Узбекистана и Ташкентский Дом фотографии.

Авторами работ стали фотографы Владимир Ковреин, Камолиддин Тураев, Сергей Спиридонов, Тимур Каримов. Они представили на суд зрителей художественные, репортажные, жанровые, пейзажные фотографии. Но на каждом снимке перед нами предстает многогранный образ защитников Родины, их патриотизм, напряженный ритм жизни, готовность выполнить свой священный долг.

На фотографиях (выставка включает более 100 работ) отражены служебно-боевая деятельность военнослужащих самых разных воинских профессий, их готовность быть всегда на страже суверенитета независимой Родины. Герои на фотографиях заняты своим ратным трудом, они на досуге и во время спортивного праздника, с мамой, приехавшей навестить сына, и в момент своих раздумий. Одним словом, здесь представлена широкая палитра жизни большого армейского коллектива – Вооруженных Сил Республики Узбекистан, небольших по численности, современных, мобильных, хорошо вооруженных, способных решать все стоящие перед ними задачи.

Выставка продолжит свою работу до 28 января.

Соб. инф.



АДАБИЁТ • САНЪАТ • МАДАНИЯТ

Машҳур саркардалар ҳаётидан

ШОҲНИНГ ШОҲ ЎҒЛИ

Эрон шоҳи Гистаспнинг ўғли Дороявуш ахамонийлар сулоласининг кичик шажарасидан эди. Дороявуш Қадим Шарқ тарихига Доро I номи билан кирди. У катта ҳарбий тажрибага эга, чунки ўша замонларда уруш барча давлатлар, халқлар ва қабилалар учун табиий бир ҳолат, ҳаёт тарзи ҳисобланарди.

Доро Эрон шоҳи бўлганидан сўнг, Вавилонда, Эронда, Мидияда, Марғиёнда, Мисрда ахамонийлар сулоласига қарши кўтарилган исёнларни, Ўрта Осиёдаги кўчманчи қабилаларнинг қўзғолонларини қурол кучи билан бостирди.

Исёнларни бостириш катта ҳарбий юришлар, кўплаб аскарларни йиғиш, иттифоқчи қабилаларнинг қўшинларини жалб қилиш билан, исёнкор шаҳар ва қалъаларни олиш, ўлпонларни йиғиш, давлат жиноятчиларини жазолаш билан олиб борилар эди.

Форс ҳукмдорлари ўз нигоҳларини шоҳ ғазнасини тўлдириши мумкин бўлган бой ерларга қаратардилар. Айнан шунинг учун ҳам Доро I қўшни ҳинд давлатларига эътиборини қаратди. Ҳиндлар орасида келишувлар бўлмаганлиги сабабли, улар ўлжага айландилар.

Тахминан 518 йили Доро Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмларини – Инд дарёсининг ғарбий соҳилларини, сўнгра Панжобнинг шимоли-ғарбий қисмларини босиб олди.

Шу даврларда саклар қабиласидан чиққан оддий бир чўпон ўзига хос ҳарбий ҳийла ишлатиб, Доро I қўшинларини чексиз чўлларда енгишга муваффақ бўлган. Йирик саркарда устидан устунликка эришган Широқнинг бу жасорати ўзбек халқининг ватанпарварлиги ва фидойилиги намунаси сифатида тарихга кирди.

Доро I даврида (милоддан аввалги 500-449 йиллар) давомли юнон-форс урушлари (ҳаммаси бўлиб учта) бошланди. Бунда галма-гал ютуққа эришилди. Афина ва баъзи юнон шаҳар-давлатлари форсларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар.

Эгей денгизи соҳиллари бўйидаги исёнкор шаҳарларнинг ўзаро алоқасини узиш мақсадида, Доро I катта флот тўплади. Кичик Осиёдаги юнон шаҳарларининг қўзғолонлари шафқатсизлик билан бостирилди.

490 йили Доро I қўшинларини Юнонистонга қарши юборди. Ушбу қўшинларни Европа ҳудудига улкан флот етказди. Форслар Эритрея шаҳрини вайрон қилдилар ва Афинадан атиги 28 километр узоқликда бўлган Марафон қишлоғи яқинида тўпландилар.

Айнан шу ерда – машҳур Марафон жангида юнонлар (милоддан аввалги 490 йилнинг 13 сентябрида) форсларга оғир талафот етказдилар. Марафон қишлоғи нафақат ҳарбий тарихга, шу билан бирга халқаро Олимпия ҳаракати тарихига кирди.

Марафон жангида форслар тўлиқ тор-мор қилинди. Ярадор ва асирга олинганларни ҳисобга олмаганда улар 6400 кишини йўқотдилар. Доро I йирик давлат арбоби, сиёсатчи ва ҳарбий ислоҳотчи сифатида танилди. Унинг даврида улкан Эрон давлати сатрапларга – маъмурий-бўйсунувчи округларга бўлинган, уларга шоҳнинг ноиблари – сатраплар бошчилик қиларди. Шу билан бирга ноиблар шу ҳудуддаги ҳарбий кучларнинг лашкарбошиси ҳам ҳисобланарди. Уларнинг мажбуриятларига умумий бошқарув ишларидан ташқари давлат чегараларини қўшнилар ҳужумларидан ҳимоялаш, ҳарбий разведка олиб бориш, алоқа йўллари хавфсизлигини таъминлаш ҳам кирарди.

Доро I даврида солиқ тизими такомиллаштирилди, бу эса иқтисодий барқарорликни оширди, шоҳ ғазнаси эса сатраплардаги молиявий ўзлаштиришларнинг камайиши ҳисобига тўлиб борди.

Доро I давлат қудратини ошириш мақсадида ҳарбий ислоҳотлар ўтказди. Биринчи галда шоҳ армияси ислоҳ қилинди. Яъни фақат форслардан иборат бўлган пиёдалар ва отлиқлар ташкил этилди.

Шоҳ қўшинларини сатрапларга боғлиқ бўлмаган ва фақат Доро I га бўйсунувчи лашкарбошилар бошқардилар. Бу эса мамлакатнинг йирик исёнлар хавфидан халос бўлишига ёрдам берди. Лашкарбошилар фавқулодда вазиятларда мустақил ҳаракат қилишга ҳақли эдилар ва улар фақат Эрон давлати манфаатларига хизмат қилдилар.

Доро I даврида эски савдо йўллари сақланди, янгилари қурилди. Нилдан Суэцга қатновчи кемалар канали тикланди. Бу канал бой Миср билан Эронни боғлади. Тилла тангаларнинг чиқарилиши Эрон давлати молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлади.

Бироқ Доронинг шунча саъй-ҳаракатларига қарамасдан унинг давлати барқарор бўлмади. Ўлимидан сўнг давлат пароканадаликка учради. Авлодлари на ҳарбий, на дипломатик, на ташқи сиёсатда ўзларини кўрсата олдилар.

Подполковник Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.

Қадрият

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

Чўпон кеч кирганидан кейин қўйларини қўрага қамади. Гулхан ёқиб қумғонни энди оловга қўймоқчи бўлиб турганида қўйлари маъраб юборди. Қўра тарафдан эса аллақандай овоз эшитилди. «Нега қўйлар безовталаниб қолди?» деб, яхшилаб разм солган чўпон, турган жойида қотиб қолди. Чунки қўра олдида бошига оқ салла ўраган, қадди дароз бир киши турарди. У қўйларнинг устига қўлини чўзди. Шу пайт укки қичқириб юборди-ю, ҳалиги шарпа ғойиб бўлди. Шу воқеадан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмасдан қўй ва отлари ўз-ўзидан кўпайиб чўпон бой-бадавлат бўлиб кетади. Кунларнинг бирида чўпон ўзининг ақлилиги ва донолиги билан донг таратган бир Шайхни учратиб қолиб, кўрганларини унга ҳикоя қилиб беради:

– Шундай қилиб қўй ва отларимни икки баравар кўпайтириб олдим, денг? – сўради Шайх чўпоннинг ҳикоясини эшитиб. – Сиз Занги отанинг арвоҳларини кўргансиз. Шундай экан, эртагаёқ ҳазратимнинг руҳларига қўй аташингиз керак.

Ҳалқ орасида кенг тарқалган яна бир ривоятда шундай дейилади: Занги ота устози Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний)нинг вафотидан сўнг унинг аёли Анбар бибига уйланади. Бу никоҳга Ҳаким Шайхнинг катта ўғли қаршилик кўрсатади. Бошқа илож тополмаган Занги ота ва Анбар биби унинг тазйиқидан қочиб, Тошкент яқинига келиб ўрнашади. Бир неча фарзандлар кўришади. Шундан сўнг Занги ота маҳаллий аҳолининг молларини боқиш билан шуғилланади. Занги ота подачи бўлганидан кейин чорва ҳеч қандай касалликка учрамай, борган сари кўпайиб бораверади. Бундан маҳаллий аҳоли хурсанд бўлиб Занги отага атаб зиёфатлар уюштиришади.Уни жуда хурмат қилиб, кўкларга кўтаришади…

Мана шу каби ривоятлар Занги отанинг подачилар пири дейилишига асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Аҳли мусулмон, айниқса, чорвачилик билан шуғулланаётган кишилар руҳан тавоф этадиган зот бўлган Занги ота номини эшитмаган кишилар камдан-кам топилади.

Занги ота ҳақида ёзилган манбаларда унинг туғилган йили номаълум дейилади. Баъзиларида эса Тошкентда дунёга келган, деган маълумотлар мавжуд. Араб наслидан, қора танли бўлгани учун Занги (занжи) деб аташган. У Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбобнинг авлодидан бўлган. Занги ота ёшлик чоғларида Ҳаким ота (Сулаймон Бақирғоний)нинг хизматида бўлиб, яссавийлик тариқати сир-асрорларини ўрганади ва бу тариқатнинг етук намояндаси бўлиб етишади. Занги отанинг бутун ҳаёти Мовароуннаҳр халқларининг оғир ва даҳшатли даврига тўғри келади. Мўғул истилочилари мамлакатни хонавайрон қилиб, халқни қуллик исканжасига солган бир пайтда Занги ота ва унинг издошлари халқ орасида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, яхшилик, меҳр-шафқат каби умуминсоний ғояларни тарғиб қилади.

Халқ ичида кенг тарқалган бир ривоятда айтилишича, Амир Темурнинг буйруғига биноан Туркистонда машҳур ислом сўфийси, тасаввуф намояндаси Аҳмад Яссавийга мақбара қурилиши бошланганда не кўз билан кўрсинки, қурилаётган мақбара биноси эртасига бузилиб қолаверади. Бу ҳол бир неча бор такрорланади. Шундан сўнг қурилиш жойига қоровул қўядилар. Қоровул эса тунда қандайдир бир ҳўкиз келиб бинони бузаётганини кўради. Шунда ғойибдан: «Аҳмад Яссавий Занги ота туғилган жойда мендан аввал Занги отага мақбара қурилсин, деб васият қилганлар» деган овоз келади. Шу воқеадан сўнг Соҳибқирон Занги отага атаб ҳозирги жойида мақбара қурдиради.

Тошкент вилояти Зангиота қишлоғидаги катта йўл ёқасида Занги ота меъморий ёдгорлиги ўрин олган. У дастлаб тўрт хонадан (зиёратхона , гўрхона ва икки ҳужра) иборат бўлган. Ҳозир эса у пештоқли айвон, зиёрат хоналари ва кичик-кичик хужралардан иборат. Пештоқ ва хона ташқи деворлари, зиёратхона ва гўрхона пойгумбази сайқалланган. Гўрхонага эса оқ мармар қабртош қўйилган бўлиб, нафис ўйма нақш ва арабча хатлар битилган.

Ўз навбатида, азиз қадамжога айланган Занги ота мақбарасига эътибор ва эъзоз кучайганлигини ифтихор билан таъкидлагимиз келди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.



МУҲАББАТ АЛЛАСИ

Севги, муҳаббат ҳақида кўплаб асарлар битилган, кинолар суратга олинган. Уларнинг барчасида инсон орзулари, ҳаётда етишолмаган бахтга эришиш орзуси маълум маънода акс эттирилади. Аммо ҳаёт бошқа, хаёл бошқа. Кўпинча чин севгини фақат кино ёки китобларда деб ўйлаймиз. Аслида-чи?..

Чекка қишлоқлардан биридаги оддий деҳқон хонадонида ўғил фарзанд дунёга келди. Туғуруқхонагача етиб боришга имкони бўлмаган она уйида, маҳалланинг кайвони онахонларидан бири бўлган Шарбат доя кўмагида кўзи ёриди. Чақалоққа Шерзод деб ном қўйдилар. Эндигина туғилган чақалоқ инга-инга қиларкан, уйга файз киргандек бўлди. Гўдакни энди йўргаклаб бўлишганди ҳамки, сал нарироқдаги яна бир хонадондан дояни сўраб ўпкасини қўлтиқлаб чопар келиб қолди. У ёқда яна бир аёл она бўлиш арафасида экан. Доя ўша ёққа шошилди.

Бу хонадонда қиз фарзанд туғилди. Унга Чарос деб ном бердилар. Гўдакларнинг ҳар иккаласига доялик қилган Шарбат момо кечқурун уйига келиб дам олишга ётаркан, бугунги куни, одамларга ёрдами тегиб савоб қозонгани учун Яратганга шукр қилди. Кейин ўғил ва қиз фарзанд кўрган ҳар иккала оила бошлиқларининг келажакда фарзандлари бахтини кўришини тилаб фотиҳа ўқиди.

Тетапоя бўла бошлаган ҳар иккала гўдак ёшлигидан қадрдон Шарбат момони ҳам ўз бувиларидек кўриб улғайдилар. Айниқса, момонинг қизлари тўй бўлиб кетгач, ҳайҳотдек ҳовли ҳувиллаб қолганда, кампирни ёлғиз қўймаслик учун Шерзодни ҳам, Чаросни ҳам ота-онаси кампирнинг ёнига юбориб туришди. Гоҳида иккаласи биргаликда у ерда қолиб, момонинг икки ёнида тунаб қоладиган болалар бир-бири билан қалин дўстлашиб олдилар. Бола қизга, қизалоқ эса болага меҳр қўйиб улғайди. Улар боғчада, кейин мактабда ҳам доим бирга, аҳил эдилар. Шерзод Чаросни ҳамиша ҳимоя қилиб юрар, қизалоқ унга акасидек суянарди. Ҳаётларида камолот палласи бошлангач, улар ўртасидаги дўстлик муҳаббатга айланди. Энди улар бир-бирисиз туролмас, ўзаро кўринмас ип билан боғланган қалб ришталари ҳар нафас олганида бир-бирини эслатиб турарди. Қалблари муҳаббат куёшининг тафти билан илиб, гўзал орзулар оғушида тепаётган юракларида севгилисининг номини асраб яшаркан, иккаласи гўё ўзини самовий юлдузлар силсиласи аро учиб юргандек сезарди. Бу муҳаббат эди. Уни тил билан айтишга ёхуд мактуб билан изҳор қилишга-да ҳеч қандай ҳожат йўқ, юраклар аллақачон сирлашиб улгурган, гўё бир дарахтнинг икки шохидек маҳкам боғлангандилар. Худди шу сабаб уларни ажратишнинг ҳам имкони йўқ эди. Аммо кўпинча ёшларнинг, айниқса қиз болаларнинг севишиши катталарга эриш туюлади. Айниқса, қишлоқ жойларда бу худди айб ишдек қаралиб, ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлади. Миш-мишлар уларни ҳам четлаб ўтмади. Қишлоқ аро фалончининг қизи билан фалончи йигит юрармиш, деган паст-баланд иғволар ўралади. Кимдир уларни хилватда кўрганини бичиб-тўқиса, бошқаси эшитганини ундан ошириб қолганларга етказди. Гап-сўзлардан чарчаган қизнинг ота-онаси Чаросни тўққизинчи синфдан кейин ўқитмай қўйди. Қизни кўриб турмаслик Шерзодга оғир эди. Худди у каби Чарос ҳам ҳижрон азобида қолганди. Кўчада учрашолмай қолган йигит-қиз фақат Шарбат момоникидан тинчлик топиб юрдилар. Бу орада кампир ҳам ўтиб кетди-ю, бу илинж ҳам барҳам топди. Энди улар фақат тунлари, гоҳида дераза орқалигина дардлашишар, биров кўриб қолмасин деган минг ҳадикда озгина суҳбатлашиб хайрлаша қоларди. Бир куни ана шундай суҳбатлар чоғида шўрлик ошиқларни тутиб олган қизнинг отаси Дамин ака роса жаҳли чиқди. Қизини уришиб бераркан, Шерзодни савалай кетди. Йигит мард эди, қочмай, калтак ва ҳақоратларга мардларча туриб берди. Икки хонадон ўртасида жанжал чиқди. Лекин бу каби тазйиқлар икки ташна қалбнинг бир-бирига талпинишга барҳам беролмади. Бу ердан кетмаса қутулолмаслигини билган қизнинг ота-онаси ноилож бошқа қишлоққа кўчиб кетишди. Рўзғор анжомлари-ю, оила аъзолари чиққан машинани қоралаб, тинмай югуриб пойлаб борган Шерзод Чароснинг янги манзилини топиб олишга муваффақ бўлди. Орадаги масофа ўн беш чақиримча келарди. Бу ҳам Шерзодни қайтаролмади. У ҳар куни кечқурун Чароснинг ёнига ошиқар, Чарос ҳамма ухлагач, чиқиб Шерзод билан тонггача ўтирарди. Атроф ёришиб келаётган маҳал икки ёш бир-биридан базўр ажралишарди. Тунлари ухламай, ҳар кеча ўттиз чақирим йўлни пиёда чопиб ўтсада, Шерзод касал бўлиш ёки толиқиш нималигини сезмади. У табиатан жуда кучли, иродали йигит эди. Муҳаббатдан куч олишдими, иккаласи ана шу оғир ҳаётни лаззат ўрнида қабул қилиб, учрашиб юравердилар. Ниҳоят, ёшлар фақат бир-бири учун туғилганини тушуниб етган ота-оналар уларнинг келажакда оила қуришларига розилик беришдан бошқа йўл тополмади.

Шоҳруҳ КОМИЛОВ.

(Давоми бор).

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
Х. ЗАЙНИЛОВ, А. УСМОНОВ,
Х. МИРЗАЕВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-3262. **Адади** 28500.